

**Суннатилло Рахмонов**

**ИККИНЧИ  
РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АСОСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Суннатилло Рахмонов

**ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АСОСИ**

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти  
Самарқанд - 2021

УЎК 334.722 (075)  
КБК 66.017  
Р 27

Суннатилло Рахмонов. Иккинчи ренессанс даврининг маънавий-руҳий асоси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри. 2021 йил. – 172 бет.

*Ушбу монографияда Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф ҳамда нақшбандия тасаввуфий таълимотининг ривожланиш хусусиятлари акс эттирилган. Шу билан бирга, Амир Темур ва темурийларнинг тасаввуф аҳли ва унинг етук намоёндаларига бўлган эътибори манбалар асосида ёритилган. Мазкур тадқиқот ишида мавзуга оид манбалар, хорижий олимлар тадқиқотлари ва юртимизда етишиб чиққан олимларнинг асарлари илмий таҳлил қилинган. Асар тасаввуф таълимотини ўрганувчилар, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.*

Ушбу монографиянинг яратилишида ўз ҳиссасини қўшган барча устозларимга чексиз ҳурмат ва миннатдорчилигимни билдираман.

**Масъул муҳаррир:** Каримов Сайимназар Каримович,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

**Тақризчилар:** Шодиев Рустам Тохирович  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор  
Наврўзова Гулчехра Неъматовна  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

ISBN 978-9943-

© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2021



---

*Буюк Соҳибқирон  
Амир Темур таваллудининг  
685 йиллигига бағишланади...*

## СЎЗБОШИ

Бугунги кунда мамлакатимизда маънавий соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг баҳрамад бўлишига ва маънавий жиҳатдан камол топишига замин яратмоқда.

Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Аждодларимиз бундай юксак чўққиларга энг аввало, ўз салоҳиятини илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш орқали эришганлар. Бизнинг ота боболаримиз бир эмас, иккита ренессанс маърифатидан баҳраманд бўлганликлари замонлар оша башарият тарих зарварақларида қайд этилган.

Ўрта асрларда бугунги Ўзбекистон ҳудуди Марказий Осиё минтақасида илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида шуҳрат қозонган. Мовароуннаҳрнинг юраги бўлган биргина кўхна Самарқанднинг ўзида Х-асрнинг охирига келиб ўн еттита мадраса фаолият юритганининг ўзи ҳайратланарлидир. Ҳозирги кунда Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган юз мингдан ортиқ нодир қўлёзмалар ана шу мадрасаларда таҳсил олган аждодларимиздан қолган буюк меъросларнинг намунаси дир.



Марказий Осиёда “Ислом маданиятининг олтин асри” саналмиш IX – XII асрларда порлаган илм машъаласи, суронли чингизийлар босқинини парчалаб, Соҳибқирон Амир Темур асос солган темурийлар салтанатида “Иккинчи Ренессанс”, яъни “Темурийлар ренессанси” даврида қайта порлган. Айнан Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фанга бўлган қизиқишнинг ўсиши, ислом маънавиятининг юксалишига ва илм-фанда янги йўналишларнинг пайдо бўлишга замин яратган.

Шу нуқтаи назардан, Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф ҳамда тариқатларнинг ижтимоий соҳадаги фаолиятлари, алломаларнинг маънавий меросини илмий таҳлил қилиш тараққиётимизда бошланаётган янги даврга салмоқли ҳисса бўлиб кўшилади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда экан, мазкур тадқиқот иши замонавий ёшларни турли деструктив иллатлар қутқусидан халос этишга ҳамда, Ватан равнақи йўлида комил инсон сифатида камол топишига замин яратади десак, айтиш мумкин бўлади.

*Педагогика фанлари доктори, профессор  
Тухтасинов Илҳомжон Мадаминович*



---

## МУҚАДДИМА

Жаҳон тамаддуни тараққиётининг негизини ташкил қиладиган инсоният тафаккурининг тарихи умуминсоний ва абадий мавзулардан саналади. Бугун глобал муаммолар ўз ечимини кутаётган бир даврда инсоннинг руҳий-маънавий камолоти муҳим конструктив масалага айланиб бормоқда. Айниқса, дунё ёшларини руҳий-маънавий қашшоқлик иллатларидан ҳимоя қилиш ва унинг исканжасидан қутқариш инсониятнинг муҳим муаммоларидан саналади. Бунда умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган, инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий-ахлоқий жиҳатдан комилликка етакловчи диний ва дунёвий эътиқод ҳисобланмиш тасаввуфнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, тасаввуф ирфоний-фалсафий таълимот сифатида бугунги радикал ўзгаришлар жараёнини маънавий-руҳий меъёрлаштириши билан бирга, умуминсоний кадриятларни сақлаб қолиш йўлида инсонпарварлик тамойилларга ҳам асослангандир.

Жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, инсонпарварлик фаолияти, ахлоқий комилликка эришишнинг назарий концепциялари борасида турли халқаро илмий марказлар томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан миллий-маънавий кадриятларни янада ривожлантириш, ёшларнинг руҳий-маънавий дунёқарашини кенгайтириш, тараққиётдаги осойишталик ва барқарорликни таъминлашда буюк мутасаввуф мутафаккирларнинг мантиқий-фалсафий



мушоҳадакорлик ғояларини ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда тарғиб қилиш масаласи бугунги куннинг долзарб илмий тадқиқот мавзуси сифатида номоён бўлмоқда.

Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”<sup>1</sup>. Бунда эса энг аввало буюк мутафаккирларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, хусусан буюк соҳибқирон Амир Темур даврида юксалиш чўққисига кўтарилган тасаввуф ёки нақшбандия тариқатининг жамият сиёсий бошқарувидаги ижтимоий барқарорлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш тўғрисидаги ғояларини илмий асосда тадқиқ этиш масаласи объектив заруриятга айланмоқда.

XIX аср охири ва XX асрдан бошлаб Европада Амир Темур даври ва тасаввуф таълимотига қизиқиш кучайди. Академик Е.Э.Бертельс<sup>2</sup> ўзининг “Суфизм и суфийская литература” номли асарида “Мусулмон дунёсида суфизмдек мураккаб ҳодисани пайдо бўлишини тушуниш учун энг аввало унинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган жамиятнинг ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак” деган фикрни баён этган. Француз Темуршуноси Люсьен Керен эса ўзининг 1980 йилда Парижда чоп эттирган “Темурланг ёхуд Соҳибқирон салтанати” номли асарида “Темур ва унинг салтанатини ўрганиш ва бу борадаги изланишлар яқин ўтмишдагига қараганда анча

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. 19.10.2016. №206 (6641)

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. – С. 45.



кучайган бўлса ҳам, ҳали жуда кам” деб таъкидлаган. Яна бир француз шарқшуноси Люсьен Бува “Темурийлар цивилизацияси ҳақида қисса” асарида энг аввало Темурбекда инсон омили доимо олдинги ўринда бўлганлигини назарда тутиш кераклигини таъкидлаган бўлса, тадқиқотчи Вальтер Жерар ўзининг “Асрлар хотиралари. Темурланг” асарида “У ёшлигидан отаси Тарағай билан Кешдаги масжидга ва сўфийлар кенгашларига қатнашган. Биламизки, Темур у ерда ажойиб диний тарбия олган” деб қайд этгани ҳолда Темур ҳақида халқаро нуфузга эга бўлган 127 та асарлар рўйхатини келтирган. Инглиз олими Дж.С.Тримингэм эса ўзининг “Суфийская ордена в исламе” асарида Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг турли даврлардаги фаолиятлари ҳақида маълумотлар берган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари томонидан ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг тараққиёти, хусусиятлари, мазмун-моҳияти, тасаввуфнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатларига доир масалаларни ёритишда салмоқли тадқиқотлар олиб борилган. В.В.Бартольд<sup>1</sup>, А.Ю.Греков<sup>2</sup>, С.М.Демидов<sup>3</sup>, М.И.Иванин<sup>4</sup>, К.Казанский<sup>5</sup>, Н.С.Кирабаев<sup>6</sup>, З.Кули-Зода<sup>1</sup>, К.Олимов<sup>2</sup>,

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Улугбек и его время. Соч., Т.2, Ч.2. — М.: Наука, 1964, — С. 296.

<sup>2</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. — 505 с.

<sup>3</sup> Демидов С.М. Суфизм в Туркмении. Ашхабад: Ўлим, 1978. — С. 176.

<sup>4</sup> Иванин М.И. Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур. Т.: янги аср авлоди, 2019. — Б. 256

<sup>5</sup> Казанский К.К. Мистицизм в исламе. Самарканд: типография труд. 1906. Ное. изд. 2010. — С. 15. Электронная книга. Литературный сетевой ресурс - Lportal.

<sup>6</sup> Кирабаев Н.С. Политическая мысль мусульманского средневековья. — М.: РУДН, 2005. — С. 256.





К.Х.Таджикова<sup>3</sup>, И.И.Умняков<sup>4</sup>, Эҳсон Табарий<sup>5</sup>,  
А.Ю.Якубовский<sup>6</sup>, А.Д.Яндаров<sup>7</sup> каби шарқшунос  
олимлар тасаввуф тариқатларининг ижтимоий,  
маънавий, рационал ва фалсафий жиҳатлари билан  
шуғулланганлар.

Мустақиллик йилларида Амир Темур даврида  
тасаввуфнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий  
жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар  
Ҳ.Болтабоев<sup>8</sup>, О.Бўриев<sup>9</sup>, Б.Валихўжаев<sup>10</sup>, С.Каримов<sup>11</sup>,  
Н.Комилов<sup>12</sup>, М.Муҳиддинов<sup>13</sup>, И.Мўминов<sup>14</sup>,  
Г.Наврўзова<sup>15</sup>, М.Орипов<sup>16</sup>, Н.Сафарова<sup>17</sup>, Д.Салоҳий<sup>18</sup>,

---

<sup>1</sup> Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. Баку 1970. С 201

<sup>2</sup> Олимов К. Хорасанский суфизм: Опыт историко - философского исследования. Ташкент, 1994. – С. 320.

<sup>3</sup> Тэжікова К.Х. Ислам: дуньетаным, идеология, саясат. Ислам: мировоззрения, идеология, политика. – К: Алматы, 1989. – С. 175.

<sup>4</sup> Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV в. Сношения Тимура с Византией и Францией. Самарканд, 1956. Вып. 61.

<sup>5</sup> Эҳсан Табари. Размышления о человеке и жизни. (Пер. с персидского языка В.Б.Кляшториной. Вступ. ст. Устувара). М.: Прогресс, 1972. – С. 156.

<sup>6</sup> Якубовский А.Ю. Самарканд при Темуре и Темурдах. Очерк. М.: 1933. – С. 84.

<sup>7</sup> Яндаров А.Д. Суфизм и идеология национально-освободительного движения. — Алма-Ата: Наука, 1975. — С. 176.

<sup>8</sup> Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: O'qituvchi, 2005. – Б. 400.

<sup>9</sup> Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. (Тарихий-географик манбалар). Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 168.

<sup>10</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б. 96.

<sup>11</sup> Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимнинг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан. СамДУ, 2008. Б. 147.

<sup>12</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 147.

<sup>13</sup> Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Т.: Маънавият, 2005. – Б. 117.

<sup>14</sup> Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тугган ўрни ва роли. Т.: Фан, 1993. – Б. 56.

<sup>15</sup> Г.Наврўзова. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан нашриёти, 2007. – Б. 205.

<sup>16</sup> Орипов М. К. Социальный идеал ислама: Мифы и реальность Т.: 1988. С. 117.

<sup>17</sup> Сафарова Н. Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили. Диссертация автореферати. 2010. – Б. 44

<sup>18</sup> Салоҳий Д.И. Тасаввуф ва бадий ижод. Ўқув қўлланма. Тўлдирилган иккинчи нашр. Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2018. – Б. 218.



---

У.Увватов<sup>1</sup>, М.Хайруллаев<sup>2</sup>, Р.Шодиев<sup>3</sup>, Ж.Яхшиликков<sup>4</sup>, М.Қодиров<sup>5</sup>, И.Ҳаққулов<sup>6</sup>, каби файласуф олимлар билан бир қаторда адабиётшунослар Ш.Сирожиддинов<sup>7</sup>, Ҳамитдҷон Ҳомидий<sup>8</sup> каби олимлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда айнан Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг ривожланиш тенденциялари ва амал қилиш қонуниятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири ҳамда, уларнинг тасаввуф таълимоти ва унинг намоёндаларига бўлган муносабатлари ижтимоий фалсафий нуқтаи-назаридан махсус тадқиқ этилмаган ва ўрганилмаган. Айнан ушбу ҳолат тадқиқотимизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини ташкил қилади.

---

<sup>1</sup> Уватов. У. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. Т.: Шарқ, 1997. – Б. 160.

<sup>2</sup> Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2003. – Б. 376

<sup>3</sup> Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни Мавераннахра (IX-XII вв.) Монография. – Самарканд: СамГИИЯ, 2018. – С. 118.

<sup>4</sup> Яхшиликков Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти. Т.: “Фан”, 1999. – Б. 163.

<sup>5</sup> Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Ўқув кўлланма. –Т.: ТошДШИ, 2010. – Б. 147.

<sup>6</sup> Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро, 2000. – Б. 147.

<sup>7</sup> Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик динларнинг маърифий асоси. Т.: 2010. Б. 127

<sup>8</sup> Ҳамидҷон Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т.: O`zbekiston, 2016. – Б. 390.



# Ї БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ НАЗАРИЙ - ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

## §1.1. Амир Темур даврида тасаввуф таълимотининг ривожланиши

Тасаввуф – ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган ва Шарқ халқлари тарихида муҳим ўрин эгаллаган таълимотдир. Тасаввуфнинг мазмуни фалсафа, дин, шариат ҳамда одоб-ахлоқ каби тушунчалар билан бойитилган. Дастлаб тасаввуф зоҳидлик (таркидунёчилик) ҳаракати кўринишида намоён бўлган. Халифалар даврида мусулмон жамоалар ичида бўлиниш юз бериб, мол-дунёга берилиш авж олган. Бу ҳол ҳадис тўпловчи муҳаддислар ва саҳобаларнинг норозилигига сабаб бўлиб, улар мол-дунёга берилганларга қарши норозилик белгиси сифатида тасаввуфна ғояларни тарғиб этиб, тоат-ибодат билан шуғулланганлар<sup>1</sup>. Тасаввуфга дастлаб ҳадисларни тўпловчи муҳаддислар орасидан чиққан қорилар, тақводор ҳунарманд ва савдогарлар кўшилганлар. Кейинчалик уларнинг сафи кенгайиб борган. Шу тариқа ислом оламида маънавий ахлоқий йўналишларни тарғиб этувчи кишилар жамоаси шаклланиб уларга нисбатан кўпроқ “сўфий” атамаси қўлланилган.

Сўфий сўзининг пайдо бўлиши тўғрисида бир неча хил қарашлар мавжуд бўлиб, баъзилар бу сўз “саф” сўзидан келиб чиқиб, Оллоҳ йўлига кирганларга

---

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 187.



яъни, “биринчи сафда турувчилар”га<sup>1</sup> нисбатан ишлатилган деб ҳисобласалар, бошқа олимлар сўфий сўзини “суффа” сўздан ҳосил бўлиб тарки дунё қилган тақводорлар ҳамда уларга тақлид қилувчи кишиларга нисбатан қўлланилаган деб тушунтирганлар<sup>2</sup>. Бундан ташқари, сўфий сўзи “сафо” сўздан келиб чиқиб, қалби сидқу сафо офтобидай порлаб туради<sup>3</sup> деган қарашлар ҳам мавжуд<sup>4</sup>. Мутафаккир Абу Райҳон Беруний эса сўфий атамаси “суф”, яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деган қарашларни илгари сурган<sup>5</sup>. Тасаввуфшунос профессор Нажмиддин Комилов эса “сўф” сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато маъносидан олинган ва “сўфий” атамаси келиб чиққанлигини эътироф этган<sup>6</sup>.

Бизнингча, мана шу кейинги таъриф ҳақиқатга яқин бўлиб, дастлаб файласуф Ибн Холдун томонидан илгари сурилган. Агар “сўф” сўздан сўфий ясалган бўлса, ўз навбатида, “сўфий”дан, “тасаввуф”, “мутасаввуф” сўзлари ҳосил бўлган. Қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод сифатида қабул қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган кишиларга нисбатан “мутасаввуф” ибораси қўлланилган<sup>7</sup>.

Тасаввуф ўзи нима? – деган саволга бир неча манбаларда берилган энг сара таърифларни йиғиб бирлаштирган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилдик.

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: Sharq, 2012. – Б. 29-30.

<sup>2</sup> Ислои энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 454-455.

<sup>3</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: 2012.

<sup>4</sup> Болтабоев Ҳ. Ислои тасаввуфи манбалари. Т.: O`qituvchi, 2005. – Б. 10.

<sup>5</sup> Ислои энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 454-455.

<sup>6</sup> Комилов Н. Тааввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 11.

<sup>7</sup> Комилов Н. Тааввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 11.



Тасаввуф нафсни тарбиялашдир: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амалдир<sup>1</sup>. Тасаввуфнинг ғояси ҳам ахлоқнинг камол мартабасига эришмоқ учун ҳар соҳада пайғамбар кўрсатган йўлдан юриб, ботиний йўлини кўрсатишдир<sup>2</sup>. Тасаввуфни покланиш мактаби ҳам, дейиш мумкин<sup>3</sup>. “Ва яна тасаввуф инсонни покликка элтувчи васила ҳисобланади. Тасаввуф софлик, покизалик, шаффофлик ва бу каби бутун гўзалликларни ўзида мужассам этган таълимотдир”<sup>4</sup>.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида Жунайд Бағдодий тасаввуфни қуйидагича таърифлаган: “Тасаввуф кўнгил софлиги, нафс талабидан воз кечиш, руҳоният сифатларни касб этиш ва ҳақиқат (Аллоҳ) илмларидан воқиф бўлишдир”<sup>5</sup>. Шайх Абулҳасан Нурий эса тасаввуфни “нафсни тарк этиш ва нафс балосидан қутулишдир деб таърифлаган. Шайх Абулҳасан Нурийга кўра тасаввуф озодлик воситасидир ва бу восита ила бандалар ҳою ҳавас бандидан озод бўладилар”<sup>6</sup>.

Тасаввуф ахлоқнинг камол мартабасига эришмоғи учун ҳар соҳада Муҳаммад пайғамбар кўрсатган йўлдан юришдир. Тасаввуфнинг ғояси нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилмоқ, яъни Аллоҳ Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Жўшон Маҳмуд Асъад. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Н.Ҳасан таржимаси. Т.: Чўлпон, 1998. – Б. 30-31.

<sup>2</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.:2. – Б. 33.

<sup>3</sup> Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 19.

<sup>4</sup> Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал –Жазарий. Тасаввуф сирлари. Т., 2000. – Б. 46.

<sup>5</sup> Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-Авлиё. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2013. – Б. 300.

<sup>6</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. Т.: Nilol nashr, 2014. – Б. 42.

<sup>7</sup> С.Каримов. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати. Т.: Фан, 2008. – Б. 17.



---

Тасаввуф мутлақ ҳақиқатга олиб борувчи таълимот бўлиб, инсонни маънавий камолотга олиб борувчи диний-фалсафий илмларни ўз ичига олади ва инсонни ўзини таниш ғояси билан олий ҳадгача баркамол этади<sup>1</sup>.

Тасаввуф – ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир. Тасаввуф –нафс лаззатларидан, буткул воз кечиб фақат Ҳаққа етишиш учун яшамоқликдир<sup>2</sup>.

Юртимизда етишиб чиққан, ислом оламида энг буюк тасаввуфшунос деб тан олинган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўз асарларида: “Аҳли тасаввуфнинг ўзлари унинг таърифидаги бундай хилма-хилликни яхшилик аломати деб биладилар. Таърифлар қанчалик ихтилоfli бўлмасин, уларнинг барчаси покланиш ва тақво мартабасига етиб боради”<sup>3</sup> деб таърифлаганлар.

Тасаввуф таълимоти инсон қалбидаги энг нозик ўзгаришларни ҳам чуқур мулоҳаза билан ўрганиш, инсонлардаги ботиний туйғуларга ҳамдард бўлишга ўргатади<sup>4</sup>.

Тасаввуфда инсоннинг нафсга эрк бермаслиги ва уни ўз вақтида жиловлай олиши эътироф этилган. Нафсга эрк бермаслик ва жиловлай олиш маънавий етуклик тимсоли ҳисобланади. Нафс ва ғабанинг кушандаси – билим ҳисобланиб, фақат чинакам

---

<sup>1</sup> Г.Наврўзова. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан нашриёти, 2007. – Б. 30.

<sup>2</sup> Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Монография. Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018. – Б. 76.

<sup>3</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: Sharq, 2012. – Б. 31.

<sup>4</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 455.



билимгина инсонни ҳар қандай номаъқулликлардан холос этади. Ушбу чеклашлар туфайли инсон танаси покланиши, ҳиссиёти нозиклашиб, турли одатлардан тозаланиши назарда тутилган бўлса, сўфийликнинг амалиётига кўра, инсоннинг камолотга эришади.

Тасаввуфда пир – муршид ва мурид даражалари мавжуд бўлиб, муршид муридга тариқатнинг қонун-қоидалари, покланиш, нафсни тийиш, ҳалолликни ўргатган. Ҳар бир мурид ўз муршидини “пир” деб атаган<sup>1</sup>. Муршид тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи устоз саналган. Мурид эса одатда шогирд маъносида ишлатилган<sup>2</sup>.

Шу билан бирга тасаввуфда йирик сўфий устозларга нисбатан “валий” атамаси ишлатилиб, валий сўзи кўпликда “Авлиё” деб ҳам юритилган. Исломи анъанасида валийлар ёки авлиёлар пайғамбарлик даражасидан кейин турган ва улар мазорларини зиёрат қилиш ислом динининг ҳанафийлик мазҳабида савобли ишлардан ҳисобланган. “Авлиё” сўзи “азиз” сўзи билан ҳам бирга ишлатилиб “азиз-авлиёлар” атамаси тасаввуфда тариқат шайхларига нисбатан қўлланилган. Исломи ақидаларга кўра валийлар ёки авлиёлар ҳар қанча кашфу кароматга эга бўлмасин, барибир оддий пайғамбарнинг мартабасига ҳам ета олишмаган<sup>3</sup>.

Ҳақим ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” асарида валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) билан боғлиқ жиҳатлари баён

---

<sup>1</sup> Исломи энциклопедияси. Т. Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 377.

<sup>2</sup> Исломи энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 324.

<sup>3</sup> Исломи энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 36.



---

қилинган<sup>1</sup>. Ушбу асар тасаввуф илми тарихида валоят (авлиёлик) масалаларини биринчи маротаба мукамал бир назария ва тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома сифатида тақдим этган асардир.

X-XI асрларга келиб ислом оламида машхур исломшунос мутассаввуфлар раҳнамолигида турли тариқатлар пайдо бўла бошлаган. Ушбу тасаввуфий оқимлар сони ўттиз бештадан ортиқ бўлиб, улардан нақшбандия, яссавия, кубровия ва қодирия оқимлари Марказий Осиёда кенг тарқалган.

Тасаввуф – шарқона тараққиётдаги кўп асрлик тажрибаларни ривожлантириб, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмлари бирлаштирган. XII аср охиридан XIV аср бошларига қадар тасаввуф ўзининг юксак чўққисига кўтарилган. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145–1221), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165–1240), Яхъё Сухравардий (1155–1191) сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Жалолиддин Румий (1207–1273) каби улуғ сўфийлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтириб, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитганлар. Эрон олими, Сайид Содиқ Гуҳарин ўзининг “Тасаввуф ислоҳотлари шарҳи” асарида тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлаган<sup>2</sup> бўлса, бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ҳам ролини кўрсатиб ўтганлар.

Мазкур маълумотлар тасаввуф илмининг тарихи

---

<sup>1</sup> Ал-Ҳақим ат-Термизий. Хатм ул-авлиё. Т.: Noshir nashriyoti, 2016. – Б. 16.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 73.





ислом динидан олдинги асрларда ҳам мавжуд бўлиб тараққий топиб келганлигини билдирса-да, бошқа динларга нисбатан кейинги даврларда вужудга келган ислом дини ва унинг ақидаларида Оллоҳни севиш, унинг йўлида риёзатга берилиш, натижасида ислом тасаввуфи юзага келганлигини кўриш мумкин. Ислом тасаввуфи исломдан олдинги маданиятларнинг тасаввувидан кескин фарқ қилиб, ислом тасаввувининг асосини ислом дининг асосий манбаларидан бўлган Қурони Карим ва ҳадислар ташкил этади.

Юртимизда етишиб чиққан тасаввуф намоёндаларидан бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия тасаввуфий тариқатини сунний мазҳабга мослаштирган бўлса, Нажмиддин Кубро асос солган кубравия силсиласида шиа ва сунний мазҳабидаги кишилар бирга таълим олганлар. Чунки Нажмиддин Кубро мазҳаб ва маслакларга эътибор қилмаган. Нажмиддин Кубро вафотидан кейин эса шогирдларининг бир қисми сунний тариқатига бир қисми эса шиа асосидаги тариқатларга қўшилиб кетганлар<sup>1</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Мавароуннаҳр жамиятининг ижтимоий-маънавий ҳаётида диний тафаккурнинг, аниқроғи тасаввуфий тариқатларнинг аҳамияти катта бўлганган. Амир Темурнинг ислом дини ва унинг етук намоёндаларига бўлган эътибори ўша даврнинг деярли барча манбаларида қайд этилган. Амир Темурнинг отаси Тарағай Баҳодир ҳам руҳоний ва дарвешларга

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2005. – Б. 44.



---

хайрихоҳ бўлиб, айниқса таниқли шайх Шамсуддин Кулол билан пиру мурид бўлишган. Ушбу шайхни Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома”сида шайх Шамсуддин Кулол номи билан тилга олса, Ибн Арабшоҳ “Шамсуддин ал-Фохурий” деб атаган.

Соҳибқироннинг ислом дини ва тасаввуф аҳлига эътиқоди унинг нафақат “Темур тузуклар”ида балки, ўша даврнинг бошқа бир қатор манбаларида ҳам қайд этилган. Ўз салтанати сиёсатини шариат қонун-қоидалари асосига қурган Темур адолат байроғини баланд кўтариб, халқни фақат қонун-қоидага эмас, балки инсоний тартиб-интизомга бўйсинишга ҳам чақирган. Чунки Темур инсоний тартиб-интизомни муқаддас деб билган. “Соҳибқирон Амир Темур исломни фақат шахс билан Аллоҳ орасидаги яширин алоқа деб эмас балки, ижтимоий алоқаларда ҳамма нарсадан устун туриши лозим бўлган ахлоқий эътиқод сифатида тушунган. Шунинг учун Темур, фуқароларини доимо исломни ўрганишга, унга амал қилишга чақирган. Бу маънода Амир Темур ўзига яраша, подшоҳ-даватчи ҳам ҳисобланган”<sup>1</sup>.

Амир Темур ҳар гал Қуръони Каримдан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олган ва у кишининг авлодлари – саййидларни ўзининг ягона ва энг яхши дўсти деб билган. Шуниси муҳимки, Амир Темур жаҳоннинг катта қисмини фатҳ этиб, хоқон бўлганида ҳам исломга тааллуқли ишларни дунёвий ишлардан устун қўйган. Бу ҳақда Темур “Аввал Тангри

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Амир Темур ва Ислом. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган анжуман. Тошкент, 1996. <http://www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/121-amir-temur-islom.html>.



таоло тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим” деб таъкидлайди<sup>1</sup>. Соҳибқироннинг тасаввуфга бўлган муносабати ва эътиқоди ўша давр манбаларида қайд этилиши билан бирга, бажарган амалларида ҳам яққол намоён бўлган. Жумладан Амир Темур томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан бирга ўша даврда юртимизга олиб келинган ва ҳозирги кунда Хастимом мажмуасида сақланаётган, Қуръони Каримнинг “Усмон нухаси” ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз юртимизга олиб келган муқаддас Қуръони Каримнинг Усмон нухаси Тошкент шаҳрида барпо этилажак Ислом маданияти музейнинг марказида нур сочиб, бутун зални чароғон этиб туради”<sup>2</sup> деб таъкидлаганлар.

Амир Темурнинг тасаввуфга бўлган муносабати ва дин пешволарига ҳурмати ҳамда юксак маънавиятли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши Мовароуннаҳрнинг диний марказга аниқроғи, тасаввуф марказига айланишига олиб келган. Соҳибқироннинг динга ривож беришда қўллаган тадбирларидан бири мусулмонларга диний таълим бериш, хусусан, шариат ақидалари ва ислом илмларидан сабоқ бериш учун “саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлиқ – садр этиб тайинлаш”<sup>3</sup> бўлган. Бундан ташқари Амир Темур ҳаёти

---

<sup>1</sup> Қиссаи Темур (Малфузоти Темурий). – Т.: Камалак, 2000. – Б. 260- 262.

<sup>2</sup> “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусида анжуманда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи. Тошкент: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. <http://uza.uz/>. 15-06-2017.

<sup>3</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 47.



---

ва фаолияти давомиди марказлашган давлатни адолат тамойилига асосланиб, уламоларнинг кенгаши ва машваратлардаги панду насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилган ҳолда бошқарган.

Амир Темур яшаган даврда жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида диний тафаккур муҳим аҳамият касб этган. Манбаларда таъкидланганидек, Амир Темур, ислом дини тақводорлигига мудом мансублигини кўрсатиб, давлат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар доим мусулмон руҳонийларининг барча намоёндалари билан ўта дўстона муносабатлар ўрнатган<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг ёшликданоқ машҳур дин уламолари ва шайхларга эътиқоди баланд бўлиб, буни падари бузруквори Амир Тарағайдан ўрганган. Соҳибқироннинг бир неча пирлари яъни маънавий йўл-йўриқ кўрсатувчи устозлари бўлган. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

**Биринчи гуруҳга** руҳониятли пирлар, яъни Соҳибқирон туғилгунга қадар яшаб ўтган табаррук зотлар кириб булар: Хожа Аҳмад Яссавий, Султон Бурҳониддин Қилич, Шайх Нуриддин Басир (Қутби Чаҳордахум), Шайх Бурҳониддин Соғаржий ва Шайх Сафиуддин Ёқуб Ардабилилардир. Соҳибқироннинг мазкур шайхларни ўзига маънавий пир тутиб руҳларига эҳтиром кўрсатган ҳолад ҳар бирига алоҳида мақбаралар қурдирган.

Жумладан, Амир Темурнинг Аҳмад Яссавий қабри устига мақбар бунёд эттириши манбаларда қуйидагича баён этилган. “Бу азиз Муҳаммад Ҳанифа

---

<sup>1</sup>Якубовский А.Ю., Греков Б.Д. Золотая Орда и её падение. М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – С. 43.



ўғлонларидин турур, алайҳи ва ала олиҳи вассалом”, – дейди Соҳибқирон пир турбатини тавоф айлар экан. “Буюрдиким, ул мозор устига иморати олий солдилар ва бир улуғ тоқ (гумбаз) боғладиларким, кўк била сўзлашур эрди...”<sup>1</sup>, – деб ёзади Шарафиддин Али Яздий ўз “Зафарнома”сида.

Соҳибқиронда тасаввуфий қарашларнинг шаклланишига доир кўпдан-кўп қўлёзма манбалар ичида Алишер Навоийнинг 1495-96 йилларда ёзилган “Насойим ул муҳаббат мен шамоим ул-футувват” (“Улуғлик хуш-бўйликларини таратувчи севги шаббодалари”) асари муҳим аҳамият касб этади. Навоий ушбу асарида алломалар ҳаёти ва фаолиятидаги буюк улуғворликларига алоҳида эътибор қаратш билан бирга асарнинг бир неча жойида Соҳибқирон Амир Темур шахсиятига оид маълумотларни ҳам баён этган. Бунда Амир Темурнинг Хожа Боязидга мурид бўлгани,<sup>2</sup> ва бу киши Хожа Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим Ота отлиғ укасининг авлоди эканлигини баён этилган<sup>3</sup>. Ана ўша шажаранинг бошида турган улуғ зот, Хожа Аҳмад Яссавийга атаб ҳашаматли, улкан мақбара бунёд этишдек савобли ҳамда қимматли қарор Амир Темурда ушбу сабаблар замирида юзага келгандир. Яна маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, XIV аср охирида Тошкент шахрининг ғарбий қисмидаги машҳур Кўйи Орифон қишлоғида Зайниддин Орифоний мозори устига Амир Темур фармойиши билан мақбара бунёд эттирилган. Манбаларга кўра, Амир Темурнинг пири Шайх

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 190.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 23.

<sup>3</sup> Ҳ. Исломий. Султон ул Орифон Хожа Аҳмад Яссавий. Т.: Фан, 2005. – Б. 13.



---

Шамсиддин Кулол, Зайниддин Орифоний асос солган диний мактабга мансуб бўлган.

**Иккинчи гуруҳга** Соҳибқироннинг замондошлари кириб Темурнинг ўзи бевосита эътиқод қилган ва иродат йўлини берган пирлар кирган. Булар Шайх Шамсиддин Кулол, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Абубакр Тоёбодийлардир.

Муаррих Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур доим, “Салтанатимдан орттирган жамийки бойлигим ва мустаҳкам маъволарни фатҳ этганим — барчаси Шайх Шамсуддин ал-Фахурий (Кулол)нинг дуоси. Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тоёбодий ҳимматидан ва бор топган барокатим эса ёлғиз Саййид Барака шарофатидандир<sup>1</sup>, деб таъкидлаган.

Шаҳрисабзлик *Шайх Шамсиддин Кулол* XIV аср бошларида Қашқадарё воҳасида таваллуд топган ва ёшлиқдан дарвешлик йўлини тутган. Шайх Шамсиддин Кулол (вафоти 1370 йил) Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг ҳам пири бўлган. Ривоятларга кўра, Шайх Шамсиддин Амир Темурнинг таваллудини ва жаҳонгирлик саодатини олдиндан башорат қилган. Амир Темурнинг исмини ҳам Шайх Шамсиддин кўйган<sup>2</sup>. “Тарағайнинг ўғли дунёга келишидан олдин кўрган тушининг таъбирини шайх таъбил қилган. Тарағайнинг рўпарўсида бир йигит унга шамширини узатиб турар, Тарағай шамширни олиб, дунёнинг тўрт тарафига чўзар эмиш. Ўғил кўрасан деди унга авлиё. У шамшири билан дунёни эгаллайди”<sup>3</sup>. Ривоят

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 2-қисм – Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 47.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 13.

<sup>3</sup> Марсел Брион. Амир Темур. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 33.



қилишларича, Тарағай ўғлини шайхнинг ҳузурига олиб келганида, шайх Қуръон тиловат қилар ва “тамурру” сўзида тўхтагани. “Тамурру” – “титратмоқ” маъносини беради. Тамурру билан Темур ораси узоқ эмас, билимдон башоратчилар ҳар икки сўздан бир хулоса чиқарадилар: бола ўз шамшири билан дунёни титратади”<sup>1</sup>.

Амир Темур етти ёшидан бошлаб Шайх Шамсиддиндан Қуръон илмини ўрганган. “Шайх Шамсиддин қўлида сабоқ ола бошлаганимнинг учинчи йили Қуръонни батамом ёд олган эдим. Устозим ташаббуси билан шаҳарнинг илмли кишилари иштирокида ташкил этилган анжуманда баланд овозда оятларни қироат қилдим. Барча қойил қолди ва мана шу йиғинда менга “Ҳофиз” (Қуръонни ёддан ўқувчи) унвонини беришди<sup>2</sup>, деб манбаларга асосланган халқаро тадқиқотларда таъкидланган.

Амир Темур ҳар юз йилда бир маротаба бериладиган “Қутбиддин” унвонига сазовор бўлган<sup>3</sup>. Қутбиддин – (арабча “қутб”; “ўқ”) – суфийлар наздида валийликнинг энг юқори даражасига етган комил инсон, ягона ва улуғ йўлбошчи саналган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, Ибн Арабшоҳ Амир Темур ва Шайх Шамсиддин Кулол муносабатлари тўғрисида шундай ҳикоя қилади: “Темур шайх Шамсуддин ал-Фохурийнинг (шайх Шамсуддин Кулол) ҳузурига кирганида у Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Шайхнинг назари унга тушиши билан Темур шайхнинг

---

<sup>1</sup> Марсел Брион. Амир Темур. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 34.

<sup>2</sup> Марсель Брион. Менким Соҳибқирон – жаҳонгир Темур. Т.: 2016. – Б. 15.

<sup>3</sup> Салоҳий Д. Амир Темур ва ҳаётсеварлик фалсафаси. Т.: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. №26, 1996. – Б. 2.

<sup>4</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2017. – Б. 625.



хузурига шошилди... Шунда шайх ўз жамоасига: “Эй, жамоат! Сиз унинг ҳаққига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун унга мадад берингиз”, - деди. Шайхнинг ушбу дуосини Амир Темур ўз муваффақиятларининг энг биринчи сабаби деб ҳисоблади”<sup>1</sup>, деб ёзган ўз асарида.

Шайх Шамсиддин Кулол вафотидан кейин 1373-1374 йилларда Амир Темур пирининг қабри ёнида гумбазли мақбара қурдириб, отасининг хокини ўша ерга кўчиртириб, шайх қабрининг қибла томонига дафн эттирган.

Амир Темур ҳаётида ўчмас из қолдирган яна бир шайх ***Саййид Амир Кулолдир***. “Амир Калон” тахаллуси билан машҳур бўлган Саййид Амир Кулол ибн Амир Ҳамза ибн Амир Иброҳим тахминан 1281 йилда Бухоро атрофидаги Сухор қишлоғида туғилган. Саййид Амир Кулол Хожাগон ва Нақшбандия тариқатларини бир-бирига боғлаб турган улуғ зот, Силсилаи Шарифнинг ўн бешинчи ҳалқа пири ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчисидир<sup>2</sup>.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзи адабиётларда Саййид Амир Кулол билан Шамсиддин Кулолни бир шахс деган нотўғри маълумотлар ҳам берилган бўлиб, булар аслида битта шахс бўлмаганини айтиб ўтиш жоиздир. Саййид Амир Кулол ва Шамсуддин Кулол бошқа-бошқа кишилар бўлиб, Амир Кулол муршид ва Шамсуддин Кулол мурид бўлганлар.

“Мақомоти Амир Кулол”да Соҳибқирон Амир Темур Саййид Амир Кулолнинг хузурига келиб,

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 73.

<sup>2</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э. Саййид Мир Кулол – Бухорои Шарифнинг олтинчи пири. Бухорои Шарифнинг Етти Пири. Т.: Muharrir nashriyoti, 2018. – Б. 51-59.





ҳаққиға хайрли дуо сўрагани ва Саййид Амир Кулол Амир Темурни муридликка қабул қилиб, тақво ва адолатни ўз ҳаётининг мақсадига айлантиришга чақиргани баён этилган. Шу билан бирга ўн олти ёшли Амир Темурнинг Саййид Амир Кулол билан илк учрашуви ҳақидаги лавҳалар “Менким Фотиҳ Темур” манбаси асосида ёзилган Ҳ.Ҳасанов ва Г.Наврўзоваларнинг “Ҳазрат Саййид Амир Кулол” номли рисолаларида шундай баён қилинган: “Амир Кулолни биринчи кўришим эди. У саксон ёшлардаги узун соқоллик жозибадор киши эди. Мажлис даврасида Қуръони Каримни ёддан тиловат қилиб берганимдан сўнг Амир Кулол кўлини бошимга қўйиб, юзимга диққат билан боқиб, мажлисдагиларга хитобан: “Мен бу йигитнинг пешонасида улуғворлик кўраман, бу йигит бир мақомга етгайки мен каби яшаган одамга бу йигитнинг сутуват ва азаматини кўришлик имкони бўлмаса ҳам аҳли мажлисдан тирик қолганлардан Темур номли йигитнинг оламгирлигини кўрган ва эшитганлари бўлгай”, деб бир табоқда тўкоч (кулча) олиб келишни буюрдилар. Тўкочлардан етти донасини менга бера туриб; “Кешга борганинда ушбу тўкочларни ҳар биридан бир оз еб, қолганини сақлаб қўйгил, келажакда дунёнинг етти иқлими ҳаммаси сеники бўлгай” деб фотиҳа бердилар. Амир Кулол билан мулоқотда бўлганимда (1351 й.) мен бу кишининг башоратларини ҳақиқатга улашиб кетишлигини ҳеч тасаввур қилмаган эдим...”<sup>1</sup>, деб таъкидланган.

Бундан англашиладики, Ҳазрат Саййид Амир

---

<sup>1</sup> Ҳасанов Ҳ., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол. Бухоро: 2003. – Б. 30.



---

Кулол ҳам Соҳибқироннинг истиқболини унинг ёшлик чоғидан башорат қилган ва оламгирлигига оқ фотиҳа берган. Амир Темур пири Амир Кулолнинг башоратларини Аллоҳнинг иродаси деб билган, ҳеч иккиланмай уларни амалга оширишга интилган ва Амир Кулолнинг маслаҳатларига қатъий амал қилиб, кўпгина сиёсий ва ҳарбий масалаларни ҳал қилган.

Амир Темур ва Амир Кулол муносабатлари тўғрисида “Темур Тузуклари”да ҳам шундай маълумот берилган: “... Кенгаш тузуб Бадахшон тарафга ўтиб, у ернинг шоҳлари билан кўшилишга қарор қилдим. Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурларига бордим. Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ўзбеклар устидан ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган.

“Мақомоти Мир Кулол” асарида эса ушбу учрашув куйидагича тасвирланган: “Нақл қилурларки, бир кун Ҳазрат Амир (Кулол) жума номозини Бухоро шаҳридаги масжидда ўқиб, уйлари томон йўл олдилар. Амир Темур Ҳазрат Амир Кулол рўбарўсига келибди ва ниёзмандлик билан бунда дебди: “Эй дин бузругвори! Сизнинг карамингиздан умидвор бўлиб илтимос қиламан, менга бир хизмат буюрсангиз, токи дарвешлар хотирин хушнуд этай”. Ҳазрат Амир Кулол: “Дарвешлар сухани махфийдур. Шуни билингки, менга ўз-ўзимча бировга хизмат буюриш ҳуқуқи берилмаган. Азизлар руҳониятидан ишорат бўлсагина топшириқ берилур. Сиз интизор бўлиб кутинг, зеро, йўлингизда улуғ равшанлик кўряпман. Сизга албатта яхшилик

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 71.



хабари бордир”, деб эдилар. Ҳазрат Амир Кулол уйларига келиб, хилватхонага кирибди ва хуфтон намозида машойихлар руҳониятидан Оллоҳ таоло амри ила хабар келибди. Амир Кулол Шайх Мансур исмли дарвешга бундай деб буюрибдилар: “Тезда бориб Амир Темурга айт, агар ўтирган бўлса, ўрнидан турсин, агар турган бўлса, қайтиб ўтирмасин! Зеро, покиза машойихлар арвоҳи мана бундай ишорат этадилар: бутун мамлакат бошдан-оёқ Амир Темур ва унинг фарзандларига берилур. Хоразм тасарруфига кирганидан кейин Самарқандга борсин”. Шайх Мансур интизорлик билан кутиб ўтирган Амир Темурга хабарни етказибди. Ул зот дарҳол йўлга отланибдилар. Андак фурсат ўтиб, Туғлуқ Темурхон юборган бир гуруҳ кишилар суиқасд қилмоқ учун Амир Темур чодирини ўраб олибди, лекин у гўшадан ҳеч зотни топа олмабди. Оллоҳ таоло марҳамати ила Амир Темур Хоразмни тасарруфига киритиб, ғолибу музаффар бўлиб, Самарқандга келибди ва кун сайин, буюк зотнинг ишлари ривож топа бошлабди<sup>1</sup>.

Ушбу воқеадан бир муддат ўтиб, мамлакат тожу тахтига эришган Амир Темур одам юбориб, Амир Кулолни Самарқандга чорлайди. Умрининг сўнгги дамларини яшаётганидан яхши хабардор бўлган кекса пир чопарга узрини айтиб, “Биз бу ерда дуо билан машғулмиз ва бошқа жойга бормоққа ижозат йўқ”, деб рад этади. Кейин эса кенжа ўғли Амир Умарни қошларига чорлаб, уни Соҳибқирон даргоҳига юборади. Ҳазрат йўлга отланган ўғлига бундай деб насиҳат қилади: “Эй фарзанд, Амир Темурга

---

<sup>1</sup> Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари. Т.: Тафаккур журнали №1. 1994. – Б. 21.



---

айтингким, агар Оллоҳ таоло даргоҳидан умидвор бўлсангиз, тақво ва адолатни рўзгорингизга шиор айланг! Огоҳ бўлинг, ўғлим, Амир Темур сизга кўп назру ниёз бермоқчи бўлади. Зинҳор уларни олманг. Мабодо олсангиз, қайтиб ҳузуримга оёқ босманг. Назру ниёз олмоқ жаддингиз равишларига зиддур. Зеро, дарвешлар мудом мўъминлар дуоси бирла машғул бўлишлари керак. Агар дунёга майл кўрсатсалар, агар дуолари ҳижоб (парда) ичра қолур, ижобат бўлмас”<sup>1</sup>, деб уқтирган. Амир Темур пири муршидининг фарзандини иззат-икром билан кутиб олиб, унга назру ниёзлар қилмоқчи бўлади. Аммо Амир Умар ҳеч вақо олмайди. Ниҳоят, Амир Темур бундай деб сўрадилар: “Ҳазратга нимани совға қилиб юборсакки, ул зоти шарифга муносиб бўлсин ва бизни ул зоти баракотга яқин этсин”. Бу гапларни эшитиб, Амир Умар: “Падари бузрукворим дедиларки, Амир Темур Оллоҳга яқин кишилар дилидан жой олмоқчи бўлса тақво ва адолатни шиор этсин, Оллоҳ таолога яқинлашишнинг йўли шудир”, деб жавоб бердилар.

Амир Темурнинг Саййид Амир Кулол ва унинг авлодига бўлган ҳурмат ва эҳтиромини XVI - асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Муҳаммад Олим Шайх Азизоннинг Яссавия тариқати пирлари мақомотиға бағишланган “Ламаҳот” асарида келтирган қуйидаги қизиқарли парчадан ҳам билиб олсак бўлади. Ҳазрати Азизон (Қосим Шайх) дебдилар, - Амир Темур Кўрагон Ҳазрати (Саййид) Амир Кулолга ихлослари бор эди. Ҳиммат қилиб, Хуросон вилоятини бошқаришни ул Ҳазратга арза

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.



қилибдилар: - ўзим ҳаммасини эплай олмайман, дебдилар. Ўзларига буюрсам, беодоблик бўлар, маҳдумзодалардан бирига иноят қилсалар дебдилар. Ҳазрат Амир (Кулол) тўнғич ўғиллари Амир Ҳамзани юборибдилар. Ҳазрати Амир Темур, қабри нурга тўлсин, ўзлари пешвоз чиқиб кутиб олибдилар ва Хуросон халқининг ҳаммасини Амир Ҳамзага ниёз қилдилар. Амир Ҳамза қабул қилмадилар. Бир вилоятни назр қилдилар, уни ҳам қабул қилмадилар. Сўнг ўз Ватанлари Бухорони бердилар. Уни ҳам қабул қилмадилар. Кейин Амир Темурнинг маҳрамлари йўллардан ғўза пўстларидан ип йигириб кийим тикиб Амир Ҳамзага ҳадя тариқасида юбордилар. Амир Ҳамза буни ҳам қабул қилмай, дедилар: “Гап кийимда эмас, гап шундаки биз ҳозир буни қабул қилсак, биздан сўнг дарвешлар ҳар нарсани қабул қилаверадилар” дебтилар<sup>1</sup>.

Амир Умарнинг кейинги тақдири ҳақида “Самария” асарида шундай шаҳодат берилади: “Саййид Умар — Баҳоуддин Нақшбанднинг пири бўлган Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг кенжа ўғлидир. Дерларким, у Амир Темур замонида Самарқандда муҳтасиблик (урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши назорат қилувчи) мансабида эди. Ҳижрий 803, мелодий 1400 йилда ўлди... Файзли мозори шаҳарнинг жанубида, шаҳарга туташган Қавола маҳалласидаги ариқнинг ёқасида, чинор остидадир. Кейин у кишининг муборак жасадини Амир Темур даҳмасига келтирганлар. Даҳманинг қибла тарафидаги қабр у кишининг қабри эканлиги тайин қилингандир. Аммо

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ясавия тариқати пирлари мақомоти. Тузувчилар Комилхон Каттаев. Самарқанд, 2007. – Б. 147.



---

Қавола мавзесидаги чинор остини у кишининг қадамжойи деб эътиқод қиладилар”<sup>1</sup>. Тадқиқотларимизда яна шу нарсани аниқладикки, Амир Ҳамза узоқ йиллар Амир Темур хизматида бўлиб, вафот этгач темурийлар мақбарасига дафн этилган.

Темурнинг яна бир пири Мир Саййид Барака (вафоти 1404 йил) бўлиб, Соҳибқирон Мир Саййид Барака билан илк бор 1370 йилда Термиз яқинида учрашган. Мир Саййид Барака пайғамбар авлодига мансуб Маккаи мукарраманинг улуғларидан бўлиб, оиласи билан Андхўй вилоятидан кўчиб келиб яшаб қолган. Амир Темур юришларининг бирида Термизга яқин Биё қишлоғида Мир Саййид Барака билан учрашиб, у кишининг дуосини олган. Бу билан отасининг “Алардин диний, ҳуқуқий, ахлоқ масалаларини, ҳаром билан ҳалолни ажратишни ўргангин, мажлисларингни ҳам шулар безаб турсин”<sup>2</sup>, деган маслаҳатига амал қилган. Худди шу учрашувда Мир Саййид Барака ҳамманинг кўз ўнгида тожу-тахт ва салтанат рамзи бўлмиш ноғора билан байроқни Соҳибқиронга туҳфа этган. Темур бу туҳфаларни бўлажак ислом йўлидаги зафарларининг муқаддимаси деб билган. Ушбу маросимдан сўнг бутун Термиз, Хутталон, Чағониён, Балх, Ҳирот, Ҳисор, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм бўйлаб қаландар ва дарвешларнинг чақириқлари эвазига барча халқлар Амир Темурни қўллаб-қувватлаш сари отланган. Амир Темур Балхни эгаллаши ва ўзига буйсунишни истамаган Амир Ҳусайн устидан ғалаба қозонишини

---

<sup>1</sup> Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. Форсчадан А.Сатторий таржимаси. Т.: Чўлпон, 1990. – Б. 52.

<sup>2</sup> М. Брион. Менким Соҳибқирон – жаҳонгир Темур. Т.: O`zbekiston, 2016. – Б. 17.



ҳам Мир Саййид Барака берган кутлуғ шоҳий дуонинг мададидан деб билган. Мир Саййид Барака умрининг то сўнгги нафасигача ўзининг руҳий мадади ва кўмаги билан Соҳибқирон хизматида бўлган.

“Амир Темур тахтга ўтириш чоғида Шарққа хос бўлган маросимларга қатъий амал қилган. Айниқса, Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинишига бағишланган қурултойда пири Саййид Барака қатнашган ва унинг дуои фотиҳасидан кейин у Мовароуннаҳрнинг амири деб, эълон қилинган. Мир Саййид Барака энг оғир дамларда ҳам Амир Темурга далда бериб, кўнглини юмшатиб, шижоатга отлантира олган”<sup>1</sup>, деб таъкидланган.

Жумладан, Мир Саййид Бараканинг руҳоний қудрати ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, Ибн Арабшоҳ улардан бирини шундай ҳикоя қилади: “Дашт ва Тотор султони Тўхтамишхон Амир Темур ва султон Ҳусайн ўртасида юз берган можарони кўргач, қони қайнаб ғайирлиги келди. Негаки, Тўхтамишхон ва султон Ҳусайн насаби жиҳатидан бир-бирига яқин ва қўшни эди. У денгиздек ҳайқирган қўшин тўплади ва Ўтзор тарафидан Амир Темур лашкаргоҳи томон йўл олди. Амир Темур Самарқанд тарафдан қарши чиқди... Икки ўртада уруш “бозори” қизиди. Темур сипоҳи пароканда бўлиб, ҳимоя тугуни ечилаётган бир пайтда баногоҳ Саййид Барака исмли зот пайдо бўлди ва Амир Темурга ёвуқ келди. Темур ғоятда танг ҳолатда қолган эди ва пирига юзланиб: “Эй саййид пирим! Сипоҳи енгилди!” деди. “Кўрқма!” деди унга Саййид Барака. Кейин тулпоридан тушди ва ердан бир сиқим тупроқ

---

<sup>1</sup> Лянглэ Л. Жизнь Тимура. (www.e-reading.club. Электронная библиотека)



олиб, яна бўз отига минди. Сўнг ўша тупроқни бостириб келаётган душман юзига сочиб, “Йоғи (душман) қочди!” деб бақира бошлади. Амир Темур ҳам ёрдам қўлини чўзган шайхни такрорлаб бақираверди... Шунда Амир Темур аскарлари рақибларига қарши дадил маъракага тушди. Унинг қўшинидаги заифу жасур бор жангчи “Йоғи қочди” деб қичқирди, бақирмагани қолмади. Ниҳоят, уларни бир-бирини қўллаб-қувватлаб ва (бир-бирига) мадад тилаб, ёғий устига ҳамла қилиши Тўхтамиш қўшинини мағлубиятга учратди. Тўхтамиш қўшини орқасини ўгириб тарақайлаб қочди. Амир Темур назарида Саййид Бараканинг эътибори ошди... Амир Темур унга: “Неки истарсиз, сўранг ва ҳар не муродингиз бўлса, тиланг!” деди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Мир Саййид Барака Амир Темурга Мозандарон ва Дашти Қипчоқдаги ҳарбий юришларида ҳамроҳ бўлганлиги “Темур тузуклари”да баён этилган. Ўз ғалабаларини пири Мир Саййид Бараканинг дуолари билан боғлаган ва ихлос қўйган Амир Темур, пирининг вафотини эшитиб, кўз ёш тўкади. Бу бир томондан қудратли султон табиатига хос бўлган ажойиб ҳислат бўлса, иккинчидан, саҳибқироннинг ислом дини ва ислом шайхларига бўлган юксак ҳурматининг рамзидир.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Мир Саййид Бараканинг вафоти ҳақида қуйидагича изоҳ берилган. “Ва бу маҳалда Қоробоғда улуғ воқеаларидин бири бу бўлдики Саййид Баракага ҳар нечаки табиблар муолажа қилдилар, мувофиқ,

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) 2-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 44.





бўлмади. Оқибат: Иржай ила Раббикки разийатан марзийатанни қабул қилиб, бу саройи фонийдин олами бақийға мутаважжих бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон бу воқиға жиҳатидин асру мутаалам бўлуб, йиғлади”<sup>1</sup>. Мир Саййид Барака Самарқандда Амир Темур мақбарасида дафн этилган.

Амир Темур ардоғидаги яна бир пир Хуросонлик йирик шайх ва шайхулислом **Зайниддин Абубакр Тоёбодий**дир. Шайх Зайниддин Тоёбодий 1291 йил Ҳиротнинг Тойбод қишлоғида туғилиб, 1389 йили 98 ёшида вафот этган. “Темур тузуклари”да Зайниддин Абубакр Тоёбодий ҳақида “ул зот хуросонлик Аҳмад ибн Ҳанбал издоши, яъни ханбалия таълимотининг давомчисидир”<sup>2</sup>, дея таъкидланган.

Соҳибқирон Зайниддин Абубакр Тоёбодий билан биринчи марта 1381 йилда Ҳаридуд водийсида учрашган. Ҳофизи Абрў ўзининг “Зубдат ут-таворих” асарида Амир Темурнинг Хуросонга юриши (1381 йил) пайтида Зайниддин Абубакр Тоёбодий билан учрашгани ҳикоя қилинади. Муаррих Фасих Ҳавофийнинг XV – асрда ёзилган “Мужмали Фасихий” асарида ҳам худди шундай маълумот келтирилган<sup>3</sup>.

Лекин баъзи манбаларда Амир Темур билан Шайх Зайниддин Тоёбодийнинг олдинроқ учрашганлигини ҳам баён этилган. Жумладан “Таржимаи ҳол” асаридаги ривоятлардан бирида ҳазрат Амир Темур тилидан бу икки зот тақдирида муҳим ўрин тутган учрашув хусусида ҳикоя қилинади:

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 281.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 13.

<sup>3</sup> Фасих Ахмад ибн Джалалиддин Мухаммад ал-Хавафи. Мужмали Фасихи (Фасихов свод) / Перевод с. Пер. с комментарии и указатели Д.Ю.Юсуповой. - Тошкент: Фан, 1980. – С. 346.



---

“Мен Амир Темур йигирма бир ёшимда қутбил ақтоб (*Қутб ул-ақтоб* –“қутблар қутби”. Улуғ мартабали шайхлар, дин пешволари ва валийларга бериладиган фахрли ном) Зайниддин Абубакрга иродат қўлимни бердим. Шайх камаримни шоҳлик ёғдуси билан боғладилар. Менинг бошимга ўз бош кийимларини қўйдилар ва бир ақиқ кўзли узук бердилар, унинг кўзида “Рости-русти” сўзи нақш қилинган экан. Дедиларки, яқин кунларда давлат давлатинг ва мартабанг ошади, менинг кўнглимга аён қилиндики, бир киши Муҳаммад авлодидан сенга мадаккор бўлади, ҳозир уни кўришинг маъқул эмас, кейинроқ кўрасан”<sup>1</sup>. Бундан англашиладики, “пайғамбар авлодидан” деганда Мир Сайид Барака назарда тутилган.

Амир Темур ҳам барча дунёга машҳур шоҳлар, жумладан, Александр Македонский каби ўзининг устозлари маслаҳатларига таяниб иш кўрган. Темурнинг устози - пири Зайниддин Абубакр Тоёбодий Хуросондаги энг обрўли, замонасининг машҳур олимларидан бўлган. Темур ҳар гал бирор мамлакат томон юриш қилишдан олдин албатта пири билан маслаҳатлашган. Темурнинг зафарли юришларида пирининг ўрни салмоқли бўлган. Айниқса, Абу Бакр Тоёбодийнинг соҳибқиронга ёзган мактублари “Темур тузуклари”да кўплаб келтирилган бўлиб, бу маслаҳатлар Темур учун бир дастурга, қоидага айланган ва салтанат ишларида Темурнинг таъбири билан айтганда “энг тўғри йўлбошчи” бўлган. Пир Амир Темур назарида фақат маънавий ота эмас, балки

---

<sup>1</sup> Қуронбеков А. Амир Темур Кўрагон Зафарнома. Биринчи китоб. Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 25.



тариқатда, сиёсатда ва дин ишларида ҳам кўмаклашувчи, маслаҳат берувчи киши ҳисобланган. Олимлару фузалолар қуршовида бўлган саркарданинг сиёсий бошқарувдаги адолатлилик тамойили, алломаларнинг хуш сифатлари билан бирга пири тортиқ қилган узукда ҳам намоён бўлганки, у салтантда адолат тамғаси бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур пири Зайнуддин Абубакр Тоёбодий томонидан берилган узукнинг кўзидаги “Рости-русти” сўзларининг маъноси ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади”<sup>1</sup>, деган маънода тушунган. Муаррих Ибн Арабшоҳ Амир Темур тамғасидаги бу илоҳий сўз маъносига тўхталиб: Темур тамғасида “Рости-русти” нақши ёзилган бўлиб, бу “ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан деган маънода берилган”, деб таъкидлаган бўлса, Шарафиддин Али Яздий эса Темур тамғасидаги бу сўфиёна сўзларни “Ҳақ бўлсанг, зафар топасан”, деб изоҳлаган<sup>2</sup>. Амир Темур ўзининг давлат рамзини (муҳрини) белгилашда ҳам тариқат таълимотига амал қилганлиги сезилиб турган<sup>3</sup>. Чунки, Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири – давлат, мамлакат ва фуқроларнинг ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси “расти-дурусти” эди. Буни Али Яздий “Ҳақиқат - сиҳат-саломатлик, ҳақиқат - тартиб, ҳақиқат - адолат, демакдир”<sup>4</sup>, деб тушунтиради.

Алишер Навоий ҳам “Ҳайрат ул-аброр” асарида

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 18.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 17.

<sup>3</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 190.

<sup>4</sup> И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Т.: 1993. – Б. 50



“Рости-русти”, ҳақида тўхталиб, Сулаймон алайҳиссалом пайғамбарликка эришгач, бутун мавжудот инсондан бошлаб чумолигача унга тобе бўлиб, ҳатто шамол ҳам унинг ҳукмига қараган. Бу ишларнинг барчаси унинг қўлидаги узук хусусиятидан содир бўлган. Узукка “Исми аъзам” (дуо) битилган бўлиб, илоҳий қудрати мана шу хат шарафидан бўлган. Лекин Навоий “Рости-русти”ни ҳар қандай дуодан устун қўяди ва унга дунёвийлик, амалиёт қиёфасини беради. Навоий назарида бунга амал қилувчи шоҳнинг халқи ҳукмига буйсунувчи ва фармонназир бўлади<sup>1</sup>.

Амир Темур ўз сиёсатида адолат, ҳаққонийлик ва одилликка таяниб иш тутган. Чунки, ўз сиёсатида ҳақ йўлини танлаган Темур бундан бошқача сиёсат юргизиши мумкин эмас эди. У нимаики қилса шариат доирасида, мусулмон фикҳи қоидаларига таяниб ва умуман ислом аҳкомлари билан иш тутарди. Бу эса пири Абубакр Тоёбодийнинг “рости-расти” яъни, “ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади”, дейилган насиҳатларнинг амалга оширилишидан дарак беради.

Европа темуршунослик мактабининг йирик вакиллари Л.Лянглэ, Ҳерман Вамбери ва Люсьен Кареннинг асарларида “рости-дурусти” бошқача транскрипцияда “рости-русти” деб берилган ва “ҳақиқат – халоскор”, яъни “ҳақиқат хавф-хатардан халос этади”<sup>2</sup>, деб ёзилган. Француз тарихчиси Люсьен Карен эса “рости-русти”ни - “агар қалбинг пок бўлса, эркинсан”<sup>3</sup> деб таржима қилган.

---

<sup>1</sup> А. Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. Т.: 2006. – Б. 205.

<sup>2</sup> Ҳ. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Меҳнат, 1994. -Б. 128.

<sup>3</sup> Люсьен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O‘zbekiston, 2018. – Б. 51.



Соҳибқирон Амир Темур бутун умри давомида ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида бу буюк ҳикматга содиқ қолган ва худди шу “рости-русти”, яъни “ҳақ бўлсанг нажот топасан” ҳикматини ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнатган.

“Рости-русти” яъни, “Куч-адолатда” ҳикмати Соҳибқироннинг салтанат шиориға айланиб, амалдорларнинг инсонлар мансаби, бойлиги, ирқи ва эътиқодидан қатъи назар ҳаммага бирдек муносабатда бўлишларини таъминлаган. Унинг мана шу эгилмас адолати, мардлиги ва ўз замонасининг моҳир саркардаси эканлиги аскарлари олдидаги юксак обрўсини янада оширган. “Содда қилиб айтганда Темур ўз фуқароларининг ҳожаси эди, зеро у раҳбар бўлишдек туғма, аммо ақлга сиғмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби эди”<sup>1</sup>.

Темурнинг тамғасидаги иккинчи асосий тушунча қонун устуворлигидир. Унинг назарида, аввало, қонунлар адолатли ва инсонпарвар бўлиши керак ва халқ, учун манфаатли фойда келтириши, унинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаши зарурдир. Лекин, ижтимоий, сиёсий, маданий тенгликни тўла, ҳамма жойда бир хил амалга ошмаслигини билган Темур бу ишда маълум даражада қаттиққўлликка асосланиб иш кўрган. Чунки ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлган ҳар бир жамиятда қонун, салтанат тўра - тузуги ва шариат қоидаларининг бузилиши мумкинлигини Темур тушунган. Шунинг учун ҳам у “мен сипоҳу раиятни умид ва кўрқув орасида сақладим”<sup>2</sup>, - деб таъкидлаган.

---

<sup>1</sup> Люсьен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 187.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 88.



---

Амир Темур туғилиб ўсган она шаҳри Кеш (Шахрисабз)га ҳам катта эътибор бериб бу шаҳарни “Куббат-ул илм вал адаб” деб аталиш даражасигача кўтарган ва ўн икки йилда Оқсаройни қурдириб унинг пештоқига уч ҳалқадан иборат ўзининг муҳрини ва унинг атрофига “русти-рости” қоидаларини туширтирган. Баъзи муаллифларнинг томонидан “бу муҳр, уч ҳалқа Шимол, Жануб, Ғарб ҳукмдори маъносини англатган” деган хулосалар ҳам берилган.

Клавихо бу уч ҳалқа Амир Темур дунёнинг уч қисмининг ҳукмдори эканлиги маъносини англатади деса, айрим муаррихлар Соҳибқирон маъносини англатади, деб ёзганлар. Хильда Хукхэмнинг ёзишича, бу белги “русти-русти” яъни “ҳақиқат хотиржамликдир”<sup>1</sup>, деган маънони билдирган. Темурийларнинг Британия музей қўриқхоналарида сақланаётган тангаларида худди шу ёзувлар мавжудлиги исботланган.

Француз тарихчиси Л.Кареннинг фикрича эса, “уч ҳалқа кўп мамлакатларда илоҳий ва сирли саналган уч рақамга илова ҳам бўлган. Мўғуллар бу рақамни зафар ва бахт рамзи сифатида ишлатишган. Бу муҳр Темурбек забт этган тангаларда ҳам учрайди. Лекин барча тангаларда эмас. Темурнинг туғро “герб”ларида бу муҳрдан бошқа сўзларини топмадим”<sup>2</sup>, деб ёзади.

Бу уч ҳалқа кўриниши Темурнинг Франция қироли Шарль VI Валуага форс тилида ёзган мактубларида ҳам учрайди. 1822 йилда Силвестр де Саси бу хатни ўрганганда уч бурчак шаклида жойлаштирилган уч доирани ва Амир Темур шиори

---

<sup>1</sup> Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Т.: Адолат, 1995. – Б. 80.

<sup>2</sup> Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996. – Б. 65.



“рости русти” изларини зўр-базўр илғаган. Клавихо бу қоидаларни Темурнинг ватани бўлган Шаҳрисабзда қурилган саройларда ҳам кўрганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Амир Темурнинг сиёсий қарашлари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, салтанат уч асосга қурилади. Булар: адолат қонун ва амир. Бизнинг фикримизча уч ҳалқа Амир Темурнинг салтанат пойдеворлари бўлган юқоридаги уч қоидани англатиши ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Амир Темур даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйиб Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган.

Амир Темур тасаввуфдаги бағрикенглик, тўғрисўзлик, покланиш, ман қилинган ишлар билан шуғулланмаслик, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳалол меҳнат қилиш каби ғояларни салтанат аҳлига сингдириш учун кураш олиб борган.

Тасаввуф таълимотига кўра, имоннинг бутлигини сақлаш ниҳоятда зарур ва ибратлидир. Чунки, иймон бутлиги тасаввуф таълимотига кўра, инсонни фазл-камолотга ва унинг устига қуриладиган чинакам илмга етказди. Илм эгаллаш нафсни тийишга, нафсни тийиш эса сабр-тоқатга, сабр-тоқат инсонни диёнатга етаклайди. Диёнатлилик аввало ўз миллатини, Ватанини, биродарларини севишдир.

Бизнингча Амир Темур тасаввуфни ўз давлати ва сиёсатида қўллаб қувватлашининг асосий сабаби

---

<sup>1</sup> Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Т.: Адолат, 1995. – Б. 80.



фақат Аллоҳнинг ёки Муҳаммад пайғамбарнинг муқаддас сўзларигина эмас, балки унда мавжуд бўлган ахлоқий қоидалар, кишилар, халқлар, миллатлар ўртасидаги иттифоқни ва ўзаро алоқани мустақкамлай олишга қодир бўлган умуминсоний қадриятларнинг мавжудлигидадир. Шу билан бирга, Темур ислом динининг софлигани сақлаш учун жонбозлик кўрсатган, унинг ёйилиши, ривожланишига хизмат қилган. Айниқса, у пайғамбар авлодлари, шайхлар ва қозиларни ҳимоя қилиб, уларга муттасил ёрдам бериб турган. Амир Темур ислом динининг ҳамма эътиқодларига, маросимларига қаттиқ риоя қилиб, ҳатто катта муҳорабалар олдидан ҳам бошқалар билан тоат-ибодатни ва намоз ўқишни канда қилмаган. Бу ҳолат нафақат жангчиларнинг, балки оддий раиятнинг ҳам Амир Темурга нисбатан ҳурмат, ишончини ортириб жангчиларга мардлик, жанговарлик бағишлаган. Амир Темур ислом динига давлатни идора қиладиган низом сифатидагина эмас, балки инсон манфаатлари юқори турувчи инсонпарвар тузук сифатида бўлганлиги учун тўла таянган.

Амир Темур яна ўз “Тузуқлари”да ислом дини ва шариат қонунларига таянмайдиган ҳокимият узоққа бормай, ўз қудратини йўқотишини ва ҳар бир салтанат дин ва шариат қонун-қоидаларига амал қилиши лозимлигини айтган. Темур бу ерда ислом динидан бир восита сифатида фойдаланишни эмас балки, ислом динини халқни давлат билан яқинлаштирадиган ва давлатни халқ хизматига қўя оладиган куч сифатида эътироф этган. Чунки, Амир Темур халқдан ажралган ҳокимиятни ҳеч нарсага қодир эмас, деб ҳисоблаган.





## §1.2. Амир Темур дунёқарашининг шаклланишида тасаввуф ва калом илми алломаларининг ўрни

Шарқ мамлакатларида ислом дининг ёйилиши, ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маънавий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Давлат ишларидан тортиб илм-фаннинг деярли барча соҳалари жумладан фалсафа, фикҳ, ахлоқ, адабиёт, архитектура, тасвирий санъатни ислом дини таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданиятнинг тараққий топиши билан бирга, ислом тарихи, калом илми, тафсир, ҳадис, фикҳ, каби илмлар ҳам ривожланиб етук мутафаккирлар етишиб чиққан. VIII асрдан бошлаб ислом оламида калом илмининг ривожланиши унинг Мовароуннаҳрга ҳам ёйилишига замин яратган. “Калом” арабча сўз бўлиб, “гап”, “нутқ”, “баён” каби маъноларни англатади<sup>1</sup>. Калом илми билан машғул бўлган диний уламолар ақидавий масалаларни ечишда нақлий далиллар билан бир қаторда ўз тафаккурлари, яъни ақл-идрокларига ҳам суяниб иш тутганлар.

IX асрга келиб эса, Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги ҳанафий мазҳабига мансуб олимларнинг фаолиятларида калом масалалари асосий ўрин эгаллаган<sup>2</sup>. Шулардан бири мотрудия таълимотидир. Мотуридия мактабининг Шарқ мамлакатларида катта шухрат топишига сабаб унда илгари сурилган ғоялар ислом динининг моҳиятини ифодалаганлигидадир.

---

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 253.

<sup>2</sup> Шодиев Р.Т., Бахриева Д.Х. Суфизм а духовной жизни Мавераннахра (IX-XII в.в.). Монография. – Самарканд: СамГИИЯ, 2018. – С. 78.



---

Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланшига Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр ал-Жузжоний (IX аср), Абу Муъийн ан-Насафий ва Саъдиддин ат-Тафтазоний каби олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини кўшганлар<sup>1</sup>.

Амир Темур саройида кўп йиллар яшаб ижод қилган, калом илмига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган мутафаккир, 1322 йили Хуросоннинг Насо шаҳрида туғилган Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазонийдир. Тафтазоний дастлаб Ҳирот ва Шерозда кейинчалик умрининг қолган қисмини Самарқанд, Хоразм, Бухорода ўтказиб 1390 йили Самарқандда вафот этган. Тафтазоний илк асарларини ўн беш-ўн олти ёшларида ёзган.

Саъдиддин ат-Тафтазоний ўзининг “Мақосид ат-толибин” номли асарида калом илми борасида “Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-уқубатдан халос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир”<sup>2</sup> деб шарҳ берган.

Тафтазоний юртимиздан етишиб чиққан етук олимлар асарларига шарҳлар ҳам битган. Жумладан, у Абу Ҳафс Насафийнинг “Ал-ақоид” ҳамда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асарларига ва одоб-ахлоққа оид “Навобиғул калим” (“Нозик иборалар”) номли асарларига муфассал шарҳлар ёзган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотрудия таълимотининг шаклланиш тарихи. Т.: Мовароуннаҳр, 2013. – Б. 35.

<sup>2</sup> Оқилов С. Калом илми. Т: Тошкент ислом унверситети, 2010. – Б. 5.

<sup>3</sup> Ҳидоят журнали 2009 йил, 9-сон. – Б. 24-25.



Араб тарихчиси Абдулқодир Тамимийнинг “Ат-Табақот” асарида ҳикоя қилинишича, бир куни Соҳибқирон Амир Темур узоқ бир шаҳарга муҳим топшириқ билан чопар жўнатаётиб, унга: “Агар отинг ҳориб қолса, йўлингда учраган одамнинг, ҳатто у ўғлим Шоҳруҳ бўлса ҳам, отига алмаштириб, зудлик билан бу хабарни манзилга етказ”, деб тайинлади. Чопар Амир Темур буюрган шаҳарга жўнайди. Бир неча кун юргач, йўлда аллома Саъдуддин Тафтазонийга дуч келади. Олим йўл четида отларини ўтлатиб, ўзи чодирда ўтирган эди. Шу пайт Амир Темур чопари ҳориган отини олим отларидан бирига алмаштирамоқчи бўлади. Шунда Саъдуддин Тафтазоний чодирдан чиқиб, отини чопардан қайтариб олади ва унга танбеҳ беради. Чопар Соҳибқиронга бу воқеани сўзлаб беради. Бундан Амир Темур олдинига ғазабланади, сўнг ғазабини енгиб: “Агар унинг (Саъдуддин Тафтазоний) ўрнида фарзандим бўлганида ҳам бу иши учун албатта таъзирини берардим. Лекин ҳали қиличим етмаган жойларга асарларию китоблари тарқалиб, доврўғи дoston бўлиб кетган алломайи замонни қандай жазолайин”, деб мутафаккирга ҳурмат билдирган<sup>1</sup>.

Тарихчи олим Хондамир “Ҳабиб ас-сияр” номли асарида ёзишича, Амир Темур Тафтазонийнинг илмий салоҳияти ва инсоний фазилатларидан хабардор бўлиб, 1380 йили уни Самарқандга таклиф қилган. Саъдиддин ат-Тафтазоний умрининг охиригача Соҳибқирон хизматида бўлган. Бу ҳақида жуда кўплаб манбаларда қайд этилган.

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. Т.: HILOL, 2019. – Б. 18-19.



Жумладан “Темурнома” асарида Амир Темур ва Саъдуддин Тафтазонийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида бир неча ўринда сўз юритилади. Масалан: “Амир Соҳибқирон Искандари соний Чиғатой ўзбек беклари бирла Ўтрорда тахти салтанат узра эрдилар. Ул вақт етти иқлимдин Амир Соҳибқиронни хизматида етти юз тўқсон олти мўътабар бекзодалар бор эрди. Истанбулдин Мир Саййид Шариф ҳам бирга келган эрдилар. Мавлоно аллома Саъдуддин Тафтазоний ва хожа Баҳовуддин каби уламо ва фузалолар Амир Соҳибқиронни олдида эрдилар”<sup>1</sup>, – деб маълумот берилган. Яна бир ўринда Соҳибқироннинг зафарли одимларидан бири тасвирида шундай дейилади: “Алқисса, Амир Соҳибқирон Мозандарон, Табаристон ва Озарбойжон, барча мамлакатларни мусаххара қилиб, андин Самарқандга музаффар ва мансур бўлуб, пойтахтлариға келиб ўлтурдилар. Яна аҳли фузалодин Ғулом Журжоний, алломаи Тафтазоний ва мулло Котибий ва хожа Баҳовуддин ва Ҳофиз Шерозий ва неча валилар зикр айтиб ва хатми Каломуллоға машғул эрдилар”<sup>2</sup>, деб таъкидланган.

Бундан шуни англаш мумкинки Амир Темур алломаларни ўз саройига чорлаб, илму-маърифат йўлида халқ манфаати учун хизмат қилишларига барча имкониятларни яратиб берган.

Амир Темур ҳар қандай ҳолатда ҳам дин намоёндаларига ҳар вақт хайрихоҳлик билан муносабатда бўлган. Ҳатто забт этилган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарлар ҳимоя остига олиниб, кўпинча улар шахсан Амир Темур ҳузурига

---

<sup>1</sup> Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1990. – Б. 325-326.

<sup>2</sup> Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1990. – Б. 326.



келтирилган. Амир Темур олимларни ўзи билан мунозараларда бемалол эмин-эркин суҳбат юритишларига имкон яратган ва уларни рағбатлантирган. Агар олимлар Амир Темурда катта таассурот қолдирсалар, уларни ўз саройига ёки Самарқандга хизматга таклиф қилган ёки ўз мамлакатларида қолишларига бағрикенглик билан рухсат берган<sup>1</sup>.

Жумладан шундай воқеалардан бири машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун билан юз берган. Ибн Халдун (1332-1406) Амир Темур қўшинлари томонидан қамалда бўлган Дамашққа келиб қолгач Соҳибқирон томонидан қабул қилинган. Амир Темур ва Ибн Халдун ўртасида узоқ ва мароқли суҳбат бўлиб ўтади. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқирон ҳазратларига Қуръони каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадя қилган<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Амир Темур давлатида саййидларнинг мавқеи юқори бўлган. Бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: хожалар, саййидлар сомонийлар давридан бошлаб давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаб, эъзозланиб келганлар. Улар нақиб ул-нуқабо (улуғ нақиб) ва шайхулислом даражаларига эга бўлганлар. Лекин кейинчалик Чингизхоннинг Ўрта Осиёни босиб олиши, илм-фан ва маданият ўчоқлари бўлган мадрасалар, кутубхоналарнинг вайрон қилиниши, олимларнинг қувғинга учраши, мол-

---

<sup>1</sup> Хильда Хукхем. Властитель семи созвездий. Т.: Адолат, 1995. – С. 84.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи-Ю. Ҳакимжонов. Ҳофизи Абрўнинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и – “Илова”ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи –О. Бўриев. Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 393.



мулкларининг талон-тарож қилиниши оқибатида дин пешволари ўзларининг аввалги даражаларини йўқотганлар. Чунончи, “Темур Тузуклари”да таъкидланишича, кўчманчи мўғулларнинг зулмидан саййид ва саййидзодалардан етмиш киши асир қилиб олиниб кетилаётганда Амир Темур уларни қимматбаҳо совғалар эвазига қутқариб олган. Шундан сўнг Соҳибқироннинг саййидлар олдида ҳурмати ошиб, уларнинг қўллаб-қувватлашларига эришган.

Баъзи маълумотларда, Илёсхўжа томонидан асир олинган саййидларнинг озод этилиши қуйидагича баён этилган: Амир Темур асирларни озод этгач, Мавлоно Абубакр Тоёбодий Темурга қарата: “Сен етмишта саййидни асирликдан қутқардинг, энди ишонавергин, бундай буюк ишинг учун келажақда сени улуғ мукофотлар кутади”<sup>1</sup> деб, фотиҳа берган.

Амир Темур ҳаёти давомида эътиқод қилган ва ихлос қўйган улуғ кишилар ва шайхлар кўп бўлиб, Темурнинг ҳукмронлик давридан бошлаб тасаввуф вакиллари Мовароуннаҳр жамоатчилигининг турли йўналишларида муҳим мавқеларга эга бўла бошлаганлар<sup>2</sup>. Бу эса шубҳасиз, буюк саркарданинг адолатпарварлик, бунёдкорлик, ободончилик ва саховатпешалик ишларини амалга замин яратган.

Бундан ташқари Амир Темур салтанатида ислом маърифатига ва тасаввуф таълимотининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб йирик алломалар Темур саройида фаолият юритиб жаҳонгирнинг хизматида бўлганлар. Булар:

---

<sup>1</sup> Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари. Темурнома 12 -қисм. Тошкент, 1996. ([www.kh.davron.uz](http://www.kh.davron.uz))

<sup>2</sup> Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. Т.: 2015. – Б. 130.



Абдулжаббор ибн Нўъмон - Темурнинг имоми, ислом динининг билимдон алломаси;

Мавлоно Қутбиддин Хожа Аблумалик - мамлакат бош қозиси, фикҳ илмининг билимдони;

Хожа Абдулаввал - олдин қози, Темур вафоти арафасида уламолар уламози, шайх-ул ислом, Амир Темур валиаҳди ҳақидаги васиятини бекорга чиқарган, Пирмуҳаммадни валиаҳд бўлишидан маҳрум қилган сотқин киши бўлса-да, аммо ислом илмининг нуфузли билимдони;

Мавлоно Убайд - Амир Темурга доимо тарихий қиссалар айтиб (ўқиб) берувчи ўқувчиси;

Мавлоно Нафис - чуқур билимга, халқ хурматиغا сазовор бўлган табиб, доришунос олим;

Мавлоно Фазлуллоҳ - Амир Темурнинг шахсий ҳакими, девонда табиблар бошлиғи, тенгсиз билим эгаси;

Мавлоно Жамолуддин - Шомда машҳур табиб бўлиб, табобатнинг бошлиғи лавозимида ишлаган, кейин Самарқандга Темур девонига таклиф этилган;

Мавлоно Исомуддин ибн Абдумалик Хожа - Абдулаввалдан кейин Самарқандда ва бутун Мовароуннаҳрда раёсат эгаси - Шайхулислом мавқеида, бўлган;

Мавлоно Саййид Шараф Муҳаммад Журжоний - (1339-1413 й. Шарқда туғилиб, Ироқда вафот этган. Самарқандга 1388 йилда олиб келинган.) Машҳур файласуф, Соҳибқироннинг хурматиغا сазовор бўлган олим, фикҳ, фалсафа ва илм-ул ҳайъат масалаларига бағишланган кўплаб арабча, форсча асарлар ҳамда сўфийлик фалсафаси назариясига бағишланган “Ат-трактати Журжоний” асарларининг муаллифи;



---

Шайх Шамсуддин Мудаммад ибн ал-Жазарий – (1350 йилда Дамашқда туғилиб, Румда илмий фаолият кўрсатган. Амир Темур уни Боязидни енггач, Самарқандга (1402) олиб келган. Самарқандда анча вақт яшаб, кейин Шерозга бориб, у ерда вафот этган;

Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий – (1419 йилда Маккада вафот этган.) Амир Темур даврида Самарқандда анча вақт яшаб, улуғ муфассир муҳаддис, ҳофиз бўлиб, Қуръон ул-каримни юз жилдда тафсир қилган буюк аллома;

Мавлоно Аҳмад - Амир Темур даврида астрономия, астрология соҳасининг машҳур олими, камдан-кам хато қиладиган Соҳибқирон иззат-ҳурматиغا сазовор бўлган ажойиб мунажжим;

Шамсуддин Маълавий - Соҳибқироннинг севимли мунажжими, осмон жисмларининг ҳаракат қонунларини яхши билган олим ва саройида катта обрўга эга бўлган Темурнинг маслаҳатчиси;

Абдуллоҳ Лиссон – Шарқнинг энг билимдон мунажжими деб ҳисобланган, астроном, тасаввуф илмининг кўзга кўринган алломаларидан;

Шайх Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) Амир Темур даврида яшаб ўтган ва унинг ҳурматиغا сазовор бўлган, нақшбандия тариқатининг асосчиларидир. Соҳибқирон салтанатида фаолият юритган ушбу алломалар ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар бўлмиш “Темур тузуклари”; Низомиддин Шомийнинг - “Зафарнома”; Шарафиддин Али Яздийнинг - “Зафарнома”; Ибн Арабшоҳнинг - “Амир Темур тарихи”; Фасиҳ Ҳавофийнинг - “Мужмали Фасиҳий”; Ҳофизи Абрунинг – “Зубдат ут-таворих” каби асарларда батафсил ёритилган.





Француз ақдемиги Марсел Брионнинг таъкидлашича “Темурнинг олимлар, уламолар, шоирлар ва санъаткорларни ўз ҳимоясига олиб, уларга ғамхўрлик қилиши маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, унга илм ва санъат аҳлининг посбони, юксак даражада маданиятли ҳуқумдор деган шуҳрат келтирган”<sup>1</sup>.

Амир Темур назарида ҳар бир мамлакатнинг қудрати дин ва шариатнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан белгиланган. “Қайси мамлакатда шариат заифлашиб, жабр-зулм кучайса, Аллоҳ улуғ қилган нарсалар ва кишилар (уламолар) хор қилинса, дин ва шариатга ривож бериш учун ўша мамлакатга бостириб кирмоқ лозим, қайси мамлакатда диндан қайтишлик ва худосизлик кучайса ва аҳолиси турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, ўша мамлакатнинг ҳалокати яқиндир”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

Шу билан бирга Амир Темур назарида ислом дини халқни иймонда сақлайдиган, уни бахт-саодатга элтадиган қудратли куч ҳисобланган. Шу маънода Амир Темур ўз тузукларида “Динга эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқотилмагай, тилимиз унутилмагай, эътиқод сусайса, тил эмас, иймон ҳам унутилгай”<sup>3</sup>, деб қайд этган.

Амир Темур давлатида ислом таълимотининг ўрни юқори бўлганлигини баъзи нумизматик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Манбаларга кўра, Темур ўзи зарб қилдирган тангаларнинг олд томонига

---

<sup>1</sup> Le Memorial des Siecles. XIV siècle. Les Hommes. Tamerlan. M. Brion. – Paris: E.A. Michel, 1963. - P. 79–80

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 48.

<sup>3</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 80.



Куръондан “Ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммадан расуллиллоҳ” калимасини ёздирган. Тангаларнинг тўрт жойига халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Алиларнинг номларини киритган. Бу ҳолат Темурнинг кенжа ўғли Шохруҳнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда зарб қилдирган тангаларида ҳам учрайди. Амир Темур ҳар доим яққа ҳокимликка асосланган марказлашган давлат тарафдори бўлиб, бу “Худонинг хоҳиши” эканлигини таъкидлаган. Бундан ташқари Амир Темур Оқсаройнинг пештоқига “Шоҳлик Аллоҳга тегишли, султон эса Худонинг ердаги вакили”, деб ёздирган<sup>1</sup>.

Соҳибқирон жуда кўплаб шаърий масалаларни калом илмида бўлгани каби ўз ақл тафаккурига таянган ҳолда, ислом қонун-қоидаларидан асосида бажарган. Бунда у “Биринчиси, - давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим - Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватладим”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

Амир Темурнинг тасаввуф намоёндаларига ҳурмат кўрсатиши, давлатни ислом дини қонун-қоидалари асосида тузиши, Мовароуннаҳрни диний марказга айлантирганлиши Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам тасдиқлаган<sup>3</sup>. Темур ўз тузукларида “Забт этган мамлакатларимнинг саййидлари, уламолари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирдим, обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим. Уларга маошлар белгилаб союрғол, вазифалар бердим” - деб, таъкидлайди.

---

<sup>1</sup> С.Каримов. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати. Т.: Фан, 2008. – Б. 10.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 74.

<sup>3</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: O‘qituvchi, 2008. – Б. 135.



Амир Темур ислом ва Қуръонни давлат таянчи сифатида қабул қилиб, ўз ҳукмини араблар ерига ҳам ёйгач Темурни ислом дини йўлида кўрсатган жонбозлигини ислом уламолари: “Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, (унга тангрининг марҳаматлари, саломлари бўлсин) динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёювчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир Темур ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлгай”<sup>1</sup>, деб фатво берганлар. Амир Темурнинг давлат ишларини бошқаришдаги асосий “маслаҳат кенгаши”ни саййидлар, уламолар, шайх-сўфийлар, амир ва саркардалар ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, Темур давлатни бошқаришда ҳар доим динга, шариат қонунларига таянган.

Темур: “Уламолар, шайхлар ва саййидларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга келиб-кетиб доимо мажлисимни безаб туришди. Шариатга доир ҳуқуқий, диний масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрларини олдим. Мен улардан ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни ўргандим”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Шу билан бирга Темур ислом шариатини тасаввуф ва калом илмсиз тушуниб эгаллаб бўлмаслигини тушунган ҳолда ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса, хонақоҳлар қурдирган. “Уламолар диний масалаларда таълим бериб, шариат ақидалари, тафсир, ҳадис, калом ва фикҳдан дарс берсинлар, деб ҳар бир шаҳарга

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 70.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 84 - 85.



---

олимлар, мударрислар тайин қилдим”<sup>1</sup>, деб қайд этган ўз тузукларида. Шунингдек, Амир Темур салтанатида дин намоёндалари зиммасига ҳокимиятда масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, Амир Темур 1393 йил октябрда Қоҳирадаги Султон Барқуққа ўша даврда Мовароуннахрнинг кўзга кўринган дин пешволаридан бири бўлган шайх Совайй бошчилигида эътиборли миссия юборгани манбаларда келтирилган<sup>2</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, бошқа давлатлар, айниқса мусулмон давлатлари бошлиқларига йўллаган мактубларида Амир Темур Қуръони Карим оятларидан кўпроқ фойдаланган. Жумладан, 1393 йили Султон Барқуққа жўнатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти маротаба муқаддас китобдан оятлар келтириб, ўз фикрини ифода этган.

Бундан ташқари, азиз-авлиёларнинг мазорларини ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш Соҳибқирон учун қатъий одат бўлиб, у ҳар қачон, ҳатто ҳарбий юришлари пайтида ҳам бу одатга риоя қилган. Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мазорлари жойлашган шаҳарларга уларнинг руҳларига ҳурмат юзасидан зиён-заҳмат етишига йўл қўймаган.

Суриялик олим Акрам Ҳасан ал-Алабийнинг ёзишича, Дамашқда турганида Амир Темур Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари Умм Салама ва Умм Ҳабибанинг мақбаралари устига муносиб гумбазлар қурдирган. Шунингдек Амир Темур ўз ҳарбий бошлиқлари ва қўшинларига Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, мусулмонларнинг

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 80.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю., Греков Б.Д. Золотая Орда и её падение. М.–Л., 1950. – С. 27.



йирик ҳарбий қўмондони Холид ибн Валиднинг қабри жойлашган Хўмс шаҳрига заҳмат етказмасликни буюрган<sup>1</sup>. Бундан кўриниб турибдики, Соҳибқирон ўз фаолияти давомида қайсики ҳудудда бўлмасин азиз авлиёларни ҳурмат қилиб уларнинг қадамжоларини обод қилишни ўзига фарз деб билган. Чин эътиқодли мусулмон саркарда сифатида адолат ва иймон устунларини баробар ушлаб бутун Шарқни забт этганда ҳам барча халқлар ва элатларни бирдай яхши кўриб, қўллаб-қувватлаган. Шунингдек, шариат қонун-қоидаларига хилоф иш қилганлар қаттиқ жазоланган. Баъзи номусулмон давлатларга (масалан, Арманистон, Ҳиндистон) бўлган юришларини аввало, ўша мамлакатларда ислом динини ёйиш, у жойларда мусулмонларга кўрсатилаётган жабр-зулми бартараф қилиш билан изоҳлаган.

Ёзма манбаларда, тарихий асарларда келтирилган кўплаб маълумотлар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккаи мукаррамага ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан ўтадиган жойларда йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар. Шунингдек, бу қароқчи ва йўлтўсарлардан савдо карвонлари кўп жабр-зулм кўрганлар. Ҳатто Соҳибқирон Бағдодда турган пайтида ҳам маҳаллий савдогарлар нажот излаб унга мурожаат қилганлар. Соҳибқирон тез орада бунинг чорасини кўриб қароқчи ва йўлтўсарларни бартараф қилган. Ироқ йўлларидаги хавф-хатарлар тугатилиб, осойишталик таъминланган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 217.

<sup>2</sup> Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. – Т.: 2010. – Б. 188.



Самарқандда яшаган Амир Темурни кўп маротаба кўрган ва шу сабабли ҳам ўша замон воқеаларининг тирик шоҳиди бўлган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон ҳақида адоватдан холи бўлмаган ўзининг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” номли солномасида сарой адилларининг мадҳияларга бой солномаларидан фарқли ўлароқ ҳақиқатга яқин маълумотлар қолдирган. Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темурга нисбатан муҳолифатда бўлган Ибн Арабшоҳнинг солномасида бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий фикрлар билдирилган. Бунинг ягона сабаби араблар ерларининг (Дамашқ, Сурия) Амир Темур томонидан босиб олиниши Ибн Арабшоҳга ёқмаган. Барча маълумотларни ўз солномасида араб тилида қайд этган муаррихнинг асарлари араб тили ёйилган ҳудудларда тарқалгач Соҳибқиронга нисбатан нотўғри маълумотларнинг тарқалишига туртки бўлган.

Жумладан, Ибн Арабшоҳ “Темур тарих ҳақидаги китобларни ўқишни ва ҳикоялар тинглашни ниҳоятда ёқтирарди, бунинг устига у саводсиз бўлиб, араб тилида на ўқишни, на ёзишни биларди ва на тушунарди. Форс, турк ва мўғул тилларини эса у ҳаммадан яхши биларди”<sup>1</sup>, деб Темурни саводсизликда ҳам айблади.

Эҳтимол араб тилида ижод қилган Ибн Арабшоҳ бу тилни уламолар билиши лозим бўлган ягона тил ва уни билмаганларни ўзича нодон ҳисоблагандир. Бу маълумотлар ҳақиқатга зид бўлиб, Темурнинг нақадар билимли, сиёсатдон барча илмлардан ва Шарқ

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Т.: 2017. – Б. 70.



тилларидан хабардор эканлиги кўплаб манбалар ва солномаларда аниқ, равшан баён этилган. Жумладан, Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини яхши билган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қандай билимни қадрлаган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашган<sup>1</sup>.

Шу билан бирга Ибн Арабшоҳ Дамашқнинг фатҳ этилиши арафасида Амир Темур ва Ибн Халдун суҳбатини қуйидагича баён этиб, “Темур Ибн Халдунга Ғарбда рўй бераётган қимматли маълумотларни сўзлаб бердиким суҳбатдоши бундан ҳайратга тушди ва ажабланди... Зеро, Амир Темур турфа давлатлар ва уларнинг подшоҳлари тарихини юксак даражада биларди”<sup>2</sup>, деб юқорида келтирилган фикрларига қарши хулосаларни ҳам берган

Ислоннинг ҳақиқий посбони сифатида Темур пайғамбар авлодлари вакилларининг, уламолар, файласуфлар ва мозийшунослар, дарвешлар ва фақирларнинг қадрлаб, уларга туҳмат қилиб обрўсини тушурмоқчи бўлганларнинг гапларига асло қулоқ солмаган. Гоҳо у олимлардан одам Атодан Муҳаммад пайғамбаргача ҳукумронлик қилган шоҳларнинг тарихини сўзлаб беришларини сўраган. “Аларнинг инқирозини, сиёсий хатоларини ўрганишимнинг боиси, мен улар йўл қўйган камчиликларни такрорлашни истамасдим”<sup>3</sup> деб айтган. Бундан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006, – Б. 137.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 70.

<sup>3</sup> М. Брион. Амир Темур. Асрлар солномаси. Т.: Ф. Ғулом, 2018. – Б. 212.



---

ташқари муаррих Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: “Темур тарих китоблари, анбиёлар қиссаларини, подшолар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо ўқитиб, қунт билан тинглар эди. У шу даражага бориб етгандики, агар ўқиётган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди”<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлар соҳибқироннинг ҳар жабҳада юксак интелект ва қобилият эгаси эканлигидан далолат беради.

Француз темуршунослик мактаби вакилларининг манбаларга таянган ҳаққоний халқаро тадқиқотларида Соҳибқирон тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар айни ҳақиқатдир. “Айрим шубҳаларга қарамай шундай хулосага келиш мумкинки, Улуғ амир ўзининг диний-фалсафий тарихи ва асосан, ўзи раҳбарлик қилган умумсалтанат юмушларини ташкил этиш ва уни бошқариш мавзусидаги баҳсларда кўп маротаба намоиш этган билимлари ва бебаҳо қобилиятларига қараганда ўқиш ва ёзишни билган. Демак, Темурга китоб ўқиб ўз билимларини орттиришга ҳеч нарса халақит бермаган. У ўсмирлигида, Кеш масжидида тез-тез учратиб турган отасининг дўстлари бўлмиш сўфийларнинг ҳам таълимини олган бўлса ажаб эмас”<sup>2</sup>. Шунини ҳам қўшимча қилмоқчимизки, Соҳибқироннинг барча илму тафаккурининг калити ёшлигидан ўз пирларидан олган билимлари ва “Ҳофиз Қуръон” унвонини эгаллаганлигидадир.

Амир Темурнинг тасаввуф таълимотига

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. 1-қисм – Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 210.

<sup>2</sup> Люсьен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 180.





муносабати оилавий муҳит шароитида аниқроғи, ёшлик чоғларида шаклланган бўлиб отаси Амир Тарағайнинг ўрни беқиёсдир. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида бу ҳақда: “Амир Тарағайнинг бутун эътибори мусулмончилиқни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги эди. Давлати худуди доим солиҳлару ҳамда фуқаро йиғингоҳи бўлди. У, ҳирқаси жиҳатидан каромат насабли, раҳматли художўй шайх ул-ислом шайх Шаҳобиддин Сухравардийга, бориб еткучи қадрли шайх Шамсиддин Кулолга сидқидилдан ихлос қиларди ва унинг муборак қабрига зиёрат учун тез-тез бориб турарди...”<sup>1</sup>, деб қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Бундан ташқари, Темурнинг шахсий фазилатларидаги улуғворлиқда онаси - Тегина бегим ва авлодларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Тегина Моҳбегимнинг (айрим манбаларда Тегина бегим моҳ, Такина хотун, Тегина хотун) аждодлари ўз замонасининг олим кишилари бўлишган. Тегина Моҳбегим Бухорои шарифда машхур олим Садр аш-шариъа (шариат улуғи) Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий (1345-46 й. в. э.) хонадонида тахминан 1318 йилда дунёга келган. Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорий “Шарҳ виқоёа” китобининг муаллифи бўлиб, етук ҳанафий уламолари пешвоси Садр аш-шариъа, яъни шариат қонунларини шарҳловчи аллома, (айрим манбаларда “Тоғ аш-шариа” яъни “Шариат тоғи” тахаллуси билан машхур) сифатида улуғланган. Тегина бегим 1334 йил 16 ёшда Тарағайбекка турмушга берилган бўлиб, бу ҳақида

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 469.



Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида ҳам қайд этилган.<sup>1</sup> Орадан икки йил ўтгач, Амир Темур дунёга келган. Бу ҳақда Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” китобида ривоятлар ҳам келтирилган<sup>2</sup>.

Манбаларга кўра, Маҳмуд Таробийнинг пири Хожа Шамсиддин Маҳбубий бўлиб, Соҳибқироннинг онаси ҳам ана шу Маҳбубийлар авлодидан дунёга келган. Бу ҳақида Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида “Ул зот (Тегина бегим) Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур”<sup>3</sup>, деб маълумот берган.

Тегина бегимнинг аждодларини садрлардан эканлигини шарҳласак, луғатларда “садр” сўзига “улуғ мансаб” деб изоҳ берилади. Бўрибой Аҳмедовнинг “Балх тарихи” китобида “садр” сўзининг арабча “улуғ жой”, “раъис”, “бошлиқ” маъноларини англатиши кўрсатилади. Демак, Садр аш-шариъа — шариат раъиси, шариат қоидаларини назорат қилувчи, фатво чиқарувчи, бошқача айтганда, ислом қонунчилигининг раҳнамоси саналган. Садрлар хонадони бошқа фикҳ мактаблари сингари шариат ва илм-фанни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Машҳур сайёҳ Ибн Баттута XIV асрнинг иккинчи чораги бошларида Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларини кезиб, 1333 йилда Бухорога келиб бухоролик олимлар ва машҳур кишилар билан учрашади. Ибн Баттутанинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилган: “Биз Бухоро четида, Фатҳобод номи билан машҳур бўлган жойда тўхтадик. Мен шу ерда олижаноб олим — фикҳшунос, “Садр аш-

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., «Шарқ», 1997, 12-бет.

<sup>2</sup> Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур кўрагон жангномаси. Тошкент, 1990, 43 - 45-бетлар.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, 145-бет.



шариъа” унвонига эга бўлган зотни учратдим”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. XIV асрда Бухорода жорий бўлган “Садр аш-шариъа”, “Тож аш-шариъа”, диний унвонлари асосан ас-Садр ал-Бухорийларга мансуб бўлиб, бу унвон узоқ йиллар давомида отадан болага ва яқин қариндошларга мерос тариқасида ўтиб келган.

Амир Темурнинг бобоси Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий 1347 йилда Бухорода оламдан ўтган. Тегина хотуннинг қанча умр кўрганлиги ҳақида манбаларда аниқ берилмаган бўлсада, Амир Темур таржимаи ҳолида волидаси Саҳибқирон 22 ёшга тўлганда яъни, 1358 йилда вафот этганлиги қайд этилган. Бу ҳақида профессор С.Иноятовнинг манбаларга таянган тадқиқотларида, Амир Темур тилидан: “Мен йигирма икки ёшга тўлганимда Ҳожи Барлос билан иттифоқлашиб, Амир Қазоғонга қарши кўзғолон кўтаришга қарор қилдим. Лекин шу пайт онам қазо қилиб қолди ва мен таъзия маросимлари билан овора бўлдим”<sup>2</sup>, деб қайд этилган иқтибослар ҳам келтирилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилсак, Амир Темурнинг она авлодлари ўқимишли, юксак маданиятли, ўз даврининг мутафаккирлари бўлганларки, бу ҳам Соҳибқироннинг тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Темурнинг тасаввуфга муносабати шаклланишида устозлари билан бирга онаси Тегина бегим ва авлодларининг таъсири бениҳоя юксаклигини таъкидлаш жоиздир.

“Соҳибқирон ёшлигида дарвешлик ҳавасига

---

<sup>1</sup> Чехович О.Д. Бухарские документм XIV в. Ташкент, «Фан», 1965, с. 9-10.

<sup>2</sup> Иноятов С. Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр. Т.: 2002. –Б 19.



---

берилган бўлса-да, кейинчалик юртни эркисизликдан халос этмоқ учун жўмардлик ғояларидан фойдаланиш заруратини англаган, атрофига фидойи йигитларни тўплаб, юрт мустақиллиги учун жангга отланган. У бутун умри мобайнида даврнинг улуғ мутассаввуфлари билан суҳбатдош бўлиб, уларнинг панд-насиҳатлари, маънавий йўл-йўриқ ва кўмаклари шарофати ўлароқ миллий давлатчилик асосларини яратган”<sup>1</sup>. Амир Темур олим бўлмаса-да ўз набираларида илм фанга қизиқиш уйғотди. Ундан сўнг Мовароуннаҳр тахтига ўтирган машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи Фанлар академиясини ташкил этди ва Улуғбек номи билан аталган астрономик жадвални яратди.

Болалигидан шайхлар тарбиясини олган ва улғайгач ҳарбий юришлари чоғида турфа мамлакатларнинг энг билимдон инсонлари билан мулоқотда бўлган соҳибқирон шубҳасиз уламоларни чексиз ҳурмат қилган ва илм-фан муаммомларига чуқур ёндашган саркардадир.

---

<sup>1</sup> Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари. Тафаккур журнали №1. – Б. 23.



## II БОБ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА НАҚШБАНДИЯ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ АҲАМИЯТИ

### §2.1. Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг Марказий Осиё тариқатлари ривожида тутган ўрни

Тасаввуф таълимоти амалий ҳаётда “тариқат” деб юритилади. Тариқатлар ислом динининг руҳи саналади. Тариқат – арабча “йўл” деган маънони билдириб, тасаввуф адабиётида “Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл” демакдир. Тариқат тушунчасидаги “йўл” атамаси моддий ҳаётдаги бир манзилни бошқасига туташтирувчи маъносида эмас балки, “руҳий камолот йўли” маъносида қўлланилади. Ушбу йўлга юрган киши эса “солик” дейилади.

Тариқатни тор доирада дин билан тенглаштирувчи фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, профессор Г.Наврўзова баъзи олимларнинг “Тариқат бу ислом дини, Аллоҳ таоллонинг амри, Расулulloҳнинг (с.а.в) қадр - қиймати беқиёс, бебаҳо суннатидир. Бошқа ҳеч нарса эмас”<sup>1</sup>, деб берган маълумотларга эътироз билдириб, тасаввуф таълимотидаги тариқат тушунчаси “таъмадан покланиб, Оллоҳ дийдорига етишиш, асл Ҳақиқат учун ҳаракат ва риёзат йўли, Ҳақиқатга етган йўлчи учун инсон руҳини олий ҳақ даражасига юксалтирадиган камолот йўлидир”<sup>2</sup>, деб таъкидлаганлар.

---

<sup>1</sup> Умар Форук, Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. Тошкент, 2000. – Б. 9.

<sup>2</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2007. – Б. 33



---

Шариат ва бошқа илмларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам бир қанча тариқалар мавжуд. Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришади. Тасаввуфий тариқалар хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий мақсади битта, яъни Ҳаққа яқинлашишдир.

Зикр тариқатларда энг муҳим амалий унсур бўлиб, тадқиқотчи олим Усмон Турар зикрнинг ҳолати, зикрнинг бажарилиш ва зикрда қўллаган услубига кўра уларни бир неча гуруҳларга таснифлаган<sup>1</sup>. Зикр луғатда “эслаш”, “ёд этиш”, “хотирлаш”, “тилга олиш”, “баён этиш” каби маъноларни билдиради. Тасаввуфда эса зикр дин ва дунё саодатини қўлга киритмоқ мақсадида тасбеҳ айтиш ёки Тангрини эслашдир. Тариқатларда зикрни жамоа бўлиб, ёки якка ҳолатда амалга оширганлар.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида кубравия, суҳравардия, мавлавия, чиштия, сафавия, ҳайдария, яссавия, қодирия, нашқбандия, жалолия, бектошия, шозалия, неъматуллоҳия, рифоия каби тасаввуф оқимлари вужудга кела бошлаган. Жумладан Нақшбандия, Яссавия, Кубравия ва ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган Қодирия (Эрон ва Афғонистонда), Рифоия (Эронда), Тайфурия (араб мамлакатларида), Мавлавия (Туркияда), Чиштия (Ҳиндистон ва Покистонда), Бектошия (Туркияда), Савафия (Эронда) ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу тариқатлар силсиласида Нақшбандия тариқати Ўрта Осиё, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ерларда энг кенг тарқалган тариқатлардан бири бўлиб, XIV аср

---

<sup>1</sup> Турар У. Тасаввуф тарихи. Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 33.



ўрталарида вужудга келган мумтоз тариқатларнинг охиргисидир. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда яссавия тариқатидан ҳам кучлироқ нуфузга эга бўлган нақшбандия тариқати Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг хожагон тариқати асосида вужудга келган. Нақшбандия тариқати ва таълимотининг ўқ илдизи Хожагон тариқати ва унинг намояндалари ирфоний меросидан озиқланади. Жумладан Ориф Ревгарий ва Хожа Али Ромитаний илмий-ирфоний мероси ва уларнинг таълимоти Баҳоуддин Нақшбанднинг қарашларига кучли таъсир кўрсатган.

Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” асарида Ревгарий Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси эканлиги, туғилган ва рихлат этган жойи ва ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд насаб ва иродатлари хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга шу халифа орқали бориб тақалиши кўрсатилган<sup>1</sup>.

Хожагон тариқатига Абдулхолиқ Ғиждувоний (1180-1220) томонидан асос солинган бўлиб, Хожагон тариқатининг олти йирик Пири-муршиди — Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобой Самосий, Ҳазрат Амир Кулол билан еттинчи пир сифатида нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд қўшилиб, ҳозирги кунгача мусулмон оламида “Етти Пир” номи билан машҳурдир. Хожагон тариқатининг асосий талаб ва ғояларини нақшбандияда тўла қабул қилиниб, ривожлантирилган

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) эл

---

<sup>1</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. Т.: Абу Али ибн Сино, 2003.–Б. 78



---

орасида Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳурдир. Бухоронинг Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган Баҳоуддин Нақшбанд, Бобойи Самосий, Амир Кулол, Мавлоно Ориф Ревгарий, Халил ота, Кусам Шайх каби устозлардан сабоқ олганлар. Ғарибона ҳаёт кечириб мис ва кимхобга нақш солиш билан шуғулланганлар. “Баҳоуддин” таҳаллуси у кишига динни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун қилган хизматлари беқиёс бўлганлиги учун берилган бўлиб, маъноси диннинг фахри, бебаҳоси демакдир. Яна, асли исми Муҳаммад бўлган Нақшбандни “Баҳо ул Ҳақ ва дин”<sup>1</sup>, деб шарафлаганлар. Уни Ҳақ йўлни кўрсатувчи ва диннинг ёритувчиси даражасида деб айтганлар.

“Нақшбанд” таҳаллуси эса икки мазмунда талқин этилиб, бирида ул зот мисга, матога гул, нақш солувчи бўлганлиги учун нақшбанд таҳаллуси берилган деб эътироф этилса, иккинчисида “Аллоҳни қалбига нақш қилиб олган” деган маъноларда ифодаланган. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбандни “Шоҳ Нақшбанд” деган ном билан ҳам улуғлаганлар. Баҳоуддин Балогардон дейилишининг сабаби эса, устози Шайх Бобойи Самосийнинг Нақшбандга қарата “Каромат килибдурларки, нозил бўлган бало сенинг барокатингдан даф бўлади”<sup>2</sup>, деган сўзларига нисбат берилган. “Балогардон” – балоларни қайтарувчи маъносини англатган.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, Баҳоуддин

---

<sup>1</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 65.

<sup>2</sup> Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: Muharir nashryoti, 2018. – Б. 27





Нақшбанднинг одамларга, ҳайвонларга, ўсимлик ва барча мавжудотга меҳр-муҳаббат ва шафқат кўзи билан қараши натижасида руҳий куввати шу даражада камолотга етадики, балоларни қайтара оладиган, мушкулларни осон қила оладиган бўлади ва шунинг учун уни балогардон номи билан тилга оладилар<sup>1</sup>.

Баҳоуддин ориф, шайх даражасига етган комил инсон бўлиб, ўзи мустақил нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган. Унинг халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъкуби Чархий ва Ғиждувонийдир.

Хожа Муҳаммад Бобои Самосий Баҳоуддинга тарбия берган биринчи устоздир. У ҳақида “Рашаҳот” асарида маълумот берилган. Муҳаммад Бобои Самосий Хожа Азизоннинг энг комил ва фозил саҳобаларидан бўлган. Муҳаммад Бобои Самосийдан Баҳоуддин туғилишини олдиндан башорат қилган ва Амир Кулолга унинг тарбиясини топширган. Амир Кулол ўзидаги бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга бергандан кейин бутун асҳоблари мажлисида унга юзланиб шундай деди: “Фарзандим Баҳоуддин, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг сиз ҳақингиздаги гапларини тўлалигича бажо қилдим. Менга айтган эдиларки, мен сенинг тарбиянгни қандай бажо келтирган бўлсам, сен ҳам фарзандим Баҳоуддиннинг тарбиясини шундай жойига қўй. Мен худди шундай қилдим!”. Амир ўз кўкракларига ишорат қилиб дедилар: “Сизнинг руҳоният қушингиз башариятлик тухумидан чиқди. Сизнинг ҳиммат қушингиз баландпарвоз чиқиб қолди. Энди сизга

---

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 64.



---

рухсат ва ижозатдир, турк ёки тожик шайхлардан ҳам кимнинг иси димоғингизга етса унинг талабида бўлинг. Мақсадга етиш борасида ҳимматингизга нуқсон ўтказга кўрманг!”<sup>1</sup> Амир Кулол дунёдан ўтаётган вақтларида бутун шогирдларига Баҳоуддин Нақшбандга итоат қилишни буюрганлар. Амир Кулол 1370 йилда вафот этганлигини ҳисобга олсак нақшбандия тариқати XIV асрнинг иккинчи ярмида тараққий эта бошлаган.

Бундан ташқари Баҳоуддин зоҳиран бевосита мулоқотда бўлиб, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳалил Ота, Баҳоуддин Қишлоқий Диггароний, Саййид Амир Кулол, Ориф Диггароний ва Қусам Шайхдан тарбия олган<sup>2</sup>.

Фаҳриддин Али Сафий “Рашаҳот айн ал ҳаёт” асарида ҳазрат хожа Баҳоуддин зикрини келтириб: “Аммо ҳақиқат юзасидан хожа увайсий бўлганлар ва ҳазрат хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан тарбият топганлар” деб таъкидлаган. Бу билан Нақшбанднинг увайсийлигини ўзидан олдин ўтган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (вафоти 1180 ёки 1220) руҳониятидан тарбият топганлиги билан изоҳланган. Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлида Муҳаммад Бобой Самосий, Ҳалил ота, Амир Кулол, Ориф Диггароний, Қусам Шайхлардан бевосита тарбия олган. Шунинг учун тасаввуф тарихига Баҳоуддин Нақшбанд “увайсий” номи билан кирган.

XV аср ёзма манбаси бўлган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд

---

<sup>1</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 59.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 57.



ҳақида: “Ҳазрат хоҷамизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир” деб ёзилади . Увайсийлик тасаввуфдаги ўзига хос камолот йўлидир. “Увайсийнинг маъноси— авлиёуллоҳлардан бир тоифа бўладики, тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузрукворлари уларни “увайсийлар” деб аташади.

Тасаввуфшунос олимлар орасида “Баҳоуддин Нақшбанддан ёзма мерос қолганми ёки йўқми?” деган саволга профессор Г.Наврўзова тадқиқотларида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли рисоласи архивларда сақланаётганлигини аниқлаб бергилан<sup>1</sup>. “Шарқ қўлёмалари тўплами”да Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари ҳақида “сўфиёна дуолар тўплами” деб хулоса қилинган. “Дуо” арабча сўз бўлиб, худодан ёлвориб яхшилик тилаш маъносини билдиради. Бу асар бўлса “Аврод” яъни, вирдлар маъносини билдиради. “Вирд” арабча сўз бўлиб, “тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифадир”. Айни замонда “Вирд” тасаввуфий тушунча маъносида ҳам келади: шайх ва муршидларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, саловат каби мажбуриятларни ўз ичига олган. Демак, “вирд” тушунчаси дуо тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Тангри ризолиги учун юкланган вазифаларни бажаришдан иборатдир. “Аврод”да инсоннинг “шариф”, яъни мавжудотлар ичида энг мукамал қилиб яратилганлиги ҳақида сўз боради<sup>2</sup>.

Манбаларда Баҳоуддиннинг туғилган ва вафот

---

<sup>1</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 67.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 69.



---

этган жойи Қасри Орифон деб кўрсатилган. Бухородан бир фарсанг масофада (ҳозирги Бухоро вилояти, Когон туманида) жойлашган бу манзил Баҳоуддин туғилишидан олдин “Қасри Ҳиндувон”, яъни ҳиндулар яшайдиган қаср номи билан аталган. Шарқшунос В.А.Гордлевский (1876-1956) тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, бу ерда аввал будда динига сиғинган ҳиндулар ҳам яшаган ва шунинг учун унга шу ном берилган<sup>1</sup>. Муҳаммад Бобои Самосийнинг башоратлари билан Баҳоуддин туфайли бу мавзе Қасри Орифон номи билан машҳур бўлган.

Нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва камолотида тасаввуф таълимоти ва тариқат арбобларининг хизматлари катта бўлган. Булардан Робия Адавия, Абдулқодир Ғилоний, Жалолиддин Румий, Ориф Ревгарий, Хожа Али Ромитаний қарашларининг таъсири ҳақида нақшбандшунос олима профессор Г.Наврўзова тадқиқотларида<sup>2</sup> батафсил маълумот берилган.

Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан янги тарбия усуллари яъни суҳбат таълими, яширин, ботиний зикр, “анжуман ичра хилват”ни тарғиб қилиши билан ажралиб туради. Яъни Аллоҳга яқинлашишнинг бутунлай янги бўлган, сифат жиҳатдан аввалги тариқатлардан тубдан фарқ қиладиган ўн битта қоида, талаб ва усуллари ишлаб чиққанлиги шулар жумласидандир.

---

<sup>1</sup> Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбанд Бухарский, (к вопросу о наслоениях в Исламе). Избр соч.Т.3. М.: 1962. С 385.

<sup>2</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 205; Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: Muharir nashryoti, 2018. – Б. 79; Наврўзова Г., Рахматова Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. Бухоро: Бухоро, 2010.



Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатига Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Гиждувоний асослаган саккиз тамойилга учта янги – “вуқуфи замони”, “вуқуфи адади” ва “вуқуфи қалби”ни киритиб, такомилга етказган ган. Бу тариқатда ҳам “Даст ба кору дил ба ёр” шиор қилиб қабул этилган.

Нақшбандия тариқатида ўн бир асосий тамойилларига ушбу тариқатга кирган ҳар бир солик риюя қилиши шартдир. Булар қуйидагилар:

Юсуф Ҳамадоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Хуш дар дам — ҳар нафасдан огоҳ бўлиш;
2. Назар бар қадам — ҳар қадамни кузатиш;
3. Сафар дар ватан — ботиндаги сафар;
4. Хилват дар анжуман— зоҳиран халқ билан ботинан ҳақ билан бўлиш.

Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Ёд кард — Тангрини эслаш, зикр этиш;
2. Бозгашт— зикрдан кейин “Тангрим, мақсадим сенсан ва сени ризолигингни тилайман” иборасини такрорлаб, уни поклаш;
3. Нигоҳдошт — қалб ва хотира муроқабаси;
4. Ёддошт — ҳар лаҳза Тангридан огоҳ бўлиш.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган уч тамойил:

1. Вуқуфи замони — замон-вақтдан огоҳ бўлиш, уни асраш;
2. Вуқуфи ададий — сон-ададдан огоҳ бўлиш, тавҳидга етиш;
3. Вуқуфи қалби — қалб ҳолатидан огоҳ бўлишдир.



---

Нақшбандия тариқати кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд издошлари бўлмиш Хожа Аҳрори Валий, Махдуми Аъзам фаолиятлари туфайли нуфузи ошиб Ҳиндистон, Арабистон, Туркия ҳудудларига тарқалган.

Нақшбандияда тариқатга кирган толиб тавба қилиши, пайғамбаримизнинг суннатларига қатъий амал қилиши, шариатга зид бидъатлардан қочиши, тақвони кучайтиришга амал қилиши, зулм ва ноҳақлик қилмаслиги, қарзини тўлаши, розилик сўраши, қазо намозларини ўқиши, Тангрини ҳар лаҳзада зикр қилишилозим.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт асос устига қурилган:

1. Шариат билан зоҳирни поклаш.
2. Тариқат билан ботинни поклаш.
3. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ.
4. Маърифат ила Аллоҳга эришмоқ<sup>1</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд шоҳу гадо баробарлиги тўғрисидаги адолатли ғояни илгари суриб, “Хожалик бандаликка тўғри келмас, Аллоҳ олдида барча баробар” деб айтган. Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, “шам каби ёнгил, элга ойдинлик улаш, аммо ўзинг хилватда тургил” деб таъкидлаган. Нақшбандийликнинг асосий моҳиятини ташкил этувчи “Дил ба ёру даст ба кор” – “Дил ёр (Аллоҳ) билан, қўл иш билан банд бўлсин” шиори ҳамма учун, айниқса оддий халқ ва ҳунармандлар учун қўл келадиган шиорга айланган.

Айтиш жоизки мазкур ҳаётбахш шиорда тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатлари тугал

---

<sup>1</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 46.



ҳолга келганлиги ўз ифодасини топган. Баҳоуддин Нақшбанд илгари сурган “Дил ба ёру даст ба кор” шиорини янада соддароқ тарзда шундай изоҳлаш мумкинки, тасаввуф аҳлининг мақсади Аллоҳ васлига эришиш бўлса, бунинг учун тарки дунё қилиш, зоҳидлик йўлига кириши шарт эмас, балки Аллоҳни ҳар дамда дилда зикр этиб, қўл эса меҳнат билан банд бўлган ҳолда ҳам етиш мумкинлигини англатади.

Баҳоуддин Нақшбанд ислом динини ҳаёт, шахс ва оила билан, жамият равнақи билан боғлаб “Кам егил, кам ухла ва кам гапир” деб насиҳат қилганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу шиорга амал қилиб, аркону давлатга, барча мулозимларга айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бойбадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммаликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

XIV-XV асрларда ислом дини мафкураси билан бирга нақшбандия тасаввуфий таълимоти Марказий Осиёда кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берган. Ўша даврда Осиё ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур ва темурий шаҳзодалар ислом мафкураси ва тасаввуф таълимотига таяниб, давлатни идора қилганлар, мамлакат қудратини ошириш учун ундан оқилона фойдаланганлар.

XV-XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлган. Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келмаган. Абдурахмон Жомий

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 25.



---

ўзининг “Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс” номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номини зикр этган<sup>1</sup>. Алишер Навоий уларнинг бир қисмини “Насойимул муҳаббат” асарига киритган.

Тариқатлар жуда кенг ёйилиб, тасаввуф таълимоти кишилар руҳиятига кириб бораётган XIV асрда яшаган Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимотини мукаммал ўзлаштириб комил инсон даражасида юксалган шахсдир. Шу билан бирга Баҳоуддин Нақшбанд “увайсий” яъни зоҳиран унга тарбия берган Халил ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам шайхлар билан ўтган азиз авлиёларнинг руҳларидан ҳам таълим олган ва бу унинг даражасини юксалтирган. Баҳоуддин Нақшбанд ўзи мустақил равишда нақшбандия деб номланган тасаввуфий таълимот ва тариқатни яратган бўлиб, ушбу тариқатда комил инсонни тарбиялашнинг энг қисқа, энг мукаммал йўли тарғиб қилинган. Нақшбандия тариқати Марказий Осиёдаги энг охирги мумтоз тариқатлардандир. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари эса нақшбандия тариқатига ёзилган шарҳлар саналган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва мероси баркамол авлод тарбияси учун ибрат мактабиҳамдир.

---

<sup>1</sup> Ҳамидулло Болтабоев. Исломи тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 75.





## §2.2. Амир Темур ва темурийлар салтанатида Нақшбандия тасавуфий таълимоти ва тариқатлараро муносабатлар уйғунлиги

XIV асрга келиб тасаввуфда дунё ва охираат ишларини биргаликда олиб бориш ғоялари илгари сурилиб, бунда Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни “Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин” деган шиори асосий ғоя бўлиб хизмат қилган. Сўфийлик тариқатининг Баҳоуддин Нақшбандга тааллуқли деб тан олинган “Дил ба ёру, даст ба кор” иборасини Хожа Юсуф Ҳамадоний мактабига мансуб тариқат намоёндаси, туркийзабон шоир Хожа Аҳмад Яссавий биринчи бор “Ниятинг худода, ишда қўлинг” шаклида баён этган. Бундан кўринадики Яссавия тариқати билан Нақшбандия таълимоти моҳиятан яқин бўлиб, ўша машҳур ибора илк бор XII асрда туркий, XIV асрда эса форсий тилда айтилган<sup>1</sup>. Аҳмад Яссавий Куръон ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини қўшиб, уни инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат билан боғлаган.

Аҳмад Яссавий тасаввуф ғояларини халқ орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни каттиқ танқид қилган. Ҳазрат Аҳмад Яссавий ва Амир Темур қарашлари ўртасида Туркистон халқларининг дард-аламларини бартараф этиб, уларнинг келажагини таъминлашдек ғоявий бирлик ётади. Шунингдек Хожа Аҳмад Яссавий ҳам, Соҳибқирон Амир Темур ҳам мустаҳкам тартиб

---

<sup>1</sup> Назаров Қ. Фалсафа асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 69-70.



---

интизом тарафдорлари бўлишганки, халқни тўғри йўлга бошлаш, уларни эзгу ва савобли ишларга даъват этиш, ростлик ва одиллик улар фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Кўплаб манбаларда Амир Темурда тасаввуфнинг Яссавия тариқатига ихлоси баланд бўлганлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Бунинг сабаби бир томондан Яссавия таълимоти ўзининг мустаҳкам интизоми, тасаввуфий ғоялари билан Мовароуннаҳр халқларини мўғуллар зулми ва истибдодига қарши жипслаштириб тарбиялаб борганлигида бўлса, иккинчи томондан, Амир Темур, Хожа Аҳмад Яссавийнинг авлиёлик мартабасидан маънавий, руҳий куч олиб келганлигидадир. Яна баъзи олимлар ҳақли равишда, Амир Темур салтанатининг бошқариш қонун-қоидалари Нақшбандия тариқати ғояларига асосланган<sup>1</sup>, деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатда эса тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Соҳибқирон ҳамма тариқатларни ҳам маъқуллаган ва уларга ислом динининг қувватлантирувчи чин йўналиш сифатида қараган.

Амир Темурни бирон-бир тариқат ёки сулукнинг муриди эмас, балки умуман "...сўфийларнинг муоширлари (суҳбатдошлари, шериклари), яъни тасаввуф аҳлининг мухлиси, дўсти деб айтиш, мувофиқ бўлади, – чунки сўфий ҳеч нарсага банд ва гирифтор бўлмаслиги керак. Амир эса салтанат эл-улус ташвишлари билан банд, мудом тоат-ибодат билан ҳаёт кечеришга имкони йўқ шахсдир"<sup>2</sup>.

Профессор                      Нажмиддин                      Комиловнинг

---

<sup>1</sup> Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 10

<sup>2</sup> Каримов С.К. У фоний бўлмаган. Гулистон, 1996, №5, – Б. 9.



тадқиқотларида “Қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод сифатида қабул қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган кишиларга нисбатан “мутасаввуф” ибораси қўлланилган”<sup>1</sup>, деган хулосага асосланиб Темурни мутасаввуф десак муболаға бўлмайди.

Чунки шундай катта давлатнинг бошлиғи тарафдорлик қилиб, бирон-бир тариқатга устунлик бериши мумкин эмас эди. Бу эса шундан далолат берадики Темур ўз салтанати сиёсатини амалга оширишда ислом, шариат, тариқат илмларини тўла эгаллаш билангина эмас, балки дунёвий илмларни ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий қарашларини ўрганиш ва қабул қилиш билангина муваффақиятли сиёсат юргизиш мумкинлигини англаб етган. Темур ҳеч қачон ислом мазҳаблари ўртасидаги фарқларни кескинлаштиришга интилмаган. Аксинча, у ягона дин тарафдори бўлиб, ҳар бир мазҳаб вакилларини бир исломий назар билан кўрган ва улар ўртасидаги зиддиятларни йўқотишга ҳаракат қилган.

Жумлалан, Темур ўз тузукларида келтиришича, Мозандарон ҳокими Амир Али йўллаган мактубида: “Биз ҳазрати Али авлодидан бўлган жамоамиз. Бу ерни олсангиз, қуввату кучингиз ортар, кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир”, деган гаплар битилган эди. Мен Мозандарон ҳокимининг бу мурожаатини яхшиликка йўйдим”,<sup>2</sup> деб ёзади.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатини ислом дини арконлари асосида қурган бўлса-да, сиёсатини

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Тошкент: O`zbekiston, 1999. – Б. 35.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 57.



жаҳон мамлакатлари тажрибаларидан тўла фойдаланган ҳолда олиб борган. XIV-XV асрларда Ислом дини мафкуриси Марказий Осиёда кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берган. Ўша даврда Осиё ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур, Улуғбек, Шохрух, Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар динга таяниб, давлатни идора қилганлар, мамлакат қудратини ошириш учун ундан оқилона фойдаланганлар.

Манбаларда берилган барча маълумотларни умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг янги тариқатни ишлаб чиқиши Темурнинг ёшлик йилларига тўғри келади. Лекин Баҳоуддин Нақшбанднинг Шамсиддин Кулолга мурид тутингани ва улар иккаласи Амир Кулол мулозаматида бўлганлигини ҳамда Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг Шамсиддин Кулолга нисбатан эътиқодини ҳисобга олсак, Амир Темур билан Баҳоуддин Нақшбанд ўртасида илиқ муносабатлар бўлганлигига шубҳа қолмайди.

Шу билан бирга Саййид Амир Кулолнинг хожагон-нақшбандия тариқати тараққиётидаги роли, биринчидан у киши томонидан мазкур тариқатдаги сайру сулук шартлари ва одобларига муайян қўшимчалар киритилишидан иборат бўлса, иккинчидан, Саййид Амир Кулол Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бевосита муршиди сифатида нақшбандия тариқатининг юксалишига сабабчи бўлган ва еттинчи пирнинг майдонга келишига ҳисса қўшган, учинчидан эса ҳокимият учун кураш бошлаган Амир Темур билан ўрнатилган муносабатлар воситасида хожагон-нақшбандия тариқатининг



хукмрон синфлар билан бевосита алоқасини бошлаб берганлиги ҳам ҳақиқатдир. Темурий шаҳзодалардан Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Бобур Мирзолар ҳам давлатни бошқаришда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда Амир Темур анъаналарини изчил равишда давом эттирганлар.

Хусусан, темурийлар даврида Хожа Аҳрор Валий ва Махдуми Аъзам Косоний каби нақшбандия тариқати етакчилари темурийзодалар орасида сиёсий низоларнинг авж олишига йўл қўймаслик, давлат барқарорлиги ва юрт тинчлигини сақлаш мақсадида ҳукумдорларга яқиндан ёрдам берганлар<sup>1</sup>.

Тасаввуф фалсафаси асосида шоҳларнинг бу дунёни дўзахга айлантirmаслик, нафс-ҳавога берилиб, халқ, бошига кулфат солмаслик, ҳар қандай маънавий қулликдан халос бўлишга, барча масалаларни ҳал қилишда дин қудратидан фойдаланиш каби маънавий тамойиллар ётади. Сўфийлар ҳар доим халқни золим подшоҳлардан ҳимоя қилиб келган ижтимоий қатламдир. Уларнинг назарида ҳар қандай подшоҳ халққа таянган тақдирдагина сиёсатни тўғри қурган бўлади ва душманини мағлуб эта олади. Анқроғи Темурий ҳукмдорлар ҳам соҳибқирон сингари ўз даврининг дин пешволарига ҳурмат кўрсатиб ана шу тасаввуф фалсафасига амал қилганлар. Тасаввуф намоёндаларининг қарашлари темурий шаҳзодалар учун салтанатни бошқаришда ҳар қандай манманлик ва кибрдан сақловчи восита сифатида ёрдам берган

---

<sup>1</sup> Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. Т.: Тошкент ислом унверситети, 2015. – Б. 130.



---

XV–XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлган. Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келмаган. Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс” номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номини зикр этган.<sup>1</sup> Алишер Навоий уларнинг бир қисмини “Насойимул муҳаббат” асарига киритган.

XV асрда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаётга ва Амир Темур ва темурийлар сулоласи вакиллари тасаввуф илми айниқса нақшбандия тариқати шайхлари, жуда катта таъсир ўтказганлар. Амир Темур сингари темурий шаҳзодалар ҳам ислом динини салтанат таянчи ва тараққиёт омили сифатида қабул қилиш билан бирга, тасаввуф таълимотига ҳам жуда катта эҳтиром билан қараганлар. Исломи динига бўлган муносабат темурий шаҳзодаларининг тасаввуфга бўлган муносабатининг ифодаси бўлган.

Темурнинг учинчи ўғли бўлмиш Мироншоҳ (1405–1408) Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжонда ҳукмронлик қилган ва ўз даври уламолари, дарвешлари билан ҳамнафас бўлган шаҳзода бўлган. Мироншоҳ ҳақида учрайдиган ҳар бир манбада унинг дарвешлар, шайхларни ниҳоятда қадрлаганлиги ва улар хизматидан унумли фойдаланиб келганлиги қайд этилган. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг “Фавойид ул-кибар” асарида Мироншоҳнинг тасаввуф таълимотига бўлган муносабатини кўрсатиб, у ўз ақл-заковати, шоҳлигу салтанатини фойлийлик дунёси учун

---

<sup>1</sup> Ҳамидулло Болтабоев. Исломи тасаввуф манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 75.



хизмат эттиришга ҳаракат қилганлигини ёзган<sup>1</sup> бўлса, ўз даврининг етук солномачиси Далатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират ул-шуаро” асрида Мироншоҳнинг шайхларга бўлган муносабати ҳамда Шайх Камол Хўжандий билан бўлган мулоқотларидан қуйидагича парчалар келтирилган:

“Хикоят қилардиларки, Мироншоҳ ибн Амир Темур Кўрагон замонида, шайх Камол Хўжандий дарвешлик ва келди-кетди туфайли бирмунча қарздор бўлиб қолди. Бир куни амирзода Мироншоҳ шайхни кўргани келиб қолди. Эндигина ўлтиришган ҳам эди, подшоҳнинг чуҳралари (хос соқчилари – Р.С) шайхнинг боғчасига қараб чопадилар, олуча ва зардолу (ўрик – Р.С) дарахтларини ғорат қилишга тутиндилар. Шайх кулимсираб, чуҳраларга қараб деди: “Эй, мўғиллар! Яхшиси бошқа боғни ғорат қилинг, чунки, Камол бечора қарздор бўлиб қолган ва бу боғ мевасини сотиб қарз олган кишиларга бермоқчи. Мабодо сизлар бу бўстонни ғорат қилсангиз, бу камбағал ёмон ва бадфел ғанимлар қўлига тушиб қолади”. Султон Мироншоҳ деди: “Шайхнинг ҳақиқатан ҳам қарзи бормикан?” Шайх жавоб қилди: “Минг динор”. Подшоҳ ўша мажлисдаёқ ўн минг динор нақд келтиришларини ва қарзларини тўлаб олиш учун шайхга беришларини буюрди<sup>2</sup>.

Бу маълумотлар биринчидан, Камол Хўжандийнинг ўз замонасида шоҳ ва ҳокимлар ўртасида ниҳоятда азиз, ҳурматли бўлганлигини кўрсат-са, иккинчидан Навоий таъкидлаганидек Мироншоҳ ҳам бу шайхни бориб зиёрат қилишни

---

<sup>1</sup> А. Навоий. Соқийнома. Мукаммал асарлар тўплами, Т. 6. Т.: Фан. 1990. – Б. 483.

<sup>2</sup> Ахмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент: Фан, 1967. – Б. 50.



Ўзининг бурчи деб билган, ундан энг қимматли насихатлар олиб, ўзини тариқат соликларининг ҳамроҳи деб билган. Мироншоҳнинг тасаввуф таълимоти ғояларини чуқур ҳис қилганлигини унинг турли миллат ва дин вакиллариغا бир хил муносабатда бўлишидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек тасаввуф аҳли учун фақат мусулмонларгина эмас, балки бутун инсонлар ғанимат ҳисобланиб, бу диний бағрикенглик ғояларининг ва фалсафий тафаккурнинг уйғунлигидадир. Мироншоҳнинг “Алқисса, бизнинг ўртамизда диний тафовут бўлишига қарамасдан, биз бу дунёда барчанинг, хусусан, тижорат аҳлининг манфаати йўлида дўстликни асраб-авайлашимиз зарурдир”<sup>1</sup> деб ёзган жумлалари бунга мисол бўла олади.

Мироншоҳ учун тариқатлар ўртасидаги фарқ дўстликка, халқларнинг бир-бирларига яқинлашишларида халақит бермаслиги керак бўлган. Бу Мироншоҳнинг Қуръони каримда айтилган “Биз сизларни бир-бирларингизни яхши билишларингиз учун турли миллат ва динларга ажратдик”<sup>2</sup> деган илоҳий ибораларга тўла амал қилганлигидан далолат беради.

Соҳибқирон Темурнинг кенжа ўғли – Шоҳруҳ мирзо эса илоҳиятга берилганлигидан тасаввуфга бошқа temuрийларга ўхшамайдиган муносабатни шакллантирган. Хуросон, Сейистон, Мозандарон (1405-1409), Ғарбий Эрон, Ироқ Озарбайжонга (1409-1447)

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2003. – Б. 261.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 261.





хукмронлик қилган йилларида ўз саройида ислом руҳонийларининг жуда кучли мактабини вужудга келтирган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Шоҳруҳ учун ислом ҳамма нарсадан устун ва ҳамма нарса унга бўйсундирилиши керак бўлган. Темур умри тугаб бораётганини сезиб, тахт вориси тайинлаш ташвиши билан ётганда илоҳийликка ўта берилганлига учун Шоҳруҳни ушбу олий мақомга муносиб кўрмаслигига сабаб бўлган. Чунки Темур нафақат руҳонийлик балки дунёвийлик ҳам эътиқод сифатида подшоҳнинг тафаккурига кириши кераклигини тушунган. Акс ҳолда сиёсат танаазулга учраши аниқ бўлиб қоларди. Шоҳруҳ сахий ва олийжаноб инсон бўлиб, илм аҳли ва хунармандларни ўз паноҳига олган. Шоҳруҳ сўфийлар тариқатига аъзо бўлган. Бундан ташқари Шоҳруҳнинг сўфиёна сифатлари кўплаб асарларда келтирилган.

Жумладан: “Шоҳруҳ тантанали равишда отасининг қабрини зиёрат қилди ва қайтадан дафн маросимини уюштирди. Мусулмон сўфий сифатида мазкур даргоҳни зиёратчилар ва тоат ибодат учун қулай қилиш мақсадида у Халил хилхонани тўлдириб ташлаган ортиқча ялтироқ нарсалардан халос қилди”<sup>1</sup>, деб ёзилган маълумотлар ҳам Шоҳруҳ мирзо ҳақида билдирилган фикрларни ойдинлаштиради.

Давлатшоҳ Самарқандий ўз “Тазкира”сида Шоҳруҳ мирзони Жаҳоншоҳ деб атаб, салтанат фуқаролари яқдиллик билан унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаганлигини таъкидлайди. Бу яқдилликнинг асосий сабаби Шоҳруҳ мирзони исломиятни астойдил

---

<sup>1</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 201-202.



---

ҳимоя қилганлиги бўлган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий шундай ёзади: “Фузало якдил эди. У исломни қаттиқ тутарди ва фисқу-фужурда қаттиқ тиришар эди”<sup>1</sup>.

Салтанат ичидаги бу якдиллик Шоҳруҳни “Ислом халифаси” унвонини олишга сазовор қилган. Чунки Шоҳруҳ Мирзо дин ва тасаввуф илмини чуқур эгаллаган, ўз отаси сингари улардан давлат ишларини амалга оширишда жуда унумли фойдаланган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг хабарига кўра, Шоҳруҳ ботин илмини Шайх Озарийдан ўрганган. Муаррих бу зотни сайланган ақобирлардан эди, подшоҳи ислом (Шоҳруҳ Мирзо)нинг тарбиятига машғул бўлди ва унга маликуш-шуаролик ҳукмини ваъда қилди,<sup>2</sup> деб ёзади.

Етук мутасаввуф Али Малик ат-Тусий Байҳақий (Шайх Озарий) тарбиясини олган Шоҳруҳ Мирзо “...зоҳир ҳамда ботин илмлари фазилатини ораста қилиб, тариқат ва мушоҳидатда содиқ дам ва росиҳ қадам” бўлиб етишган. Шу билан бирга, Шоҳруҳ султон ўзининг руҳоний пири сифатида Саъдуддин Қошғарийни қабул қилган. Алишер Навоий ўзининг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Саъдуддин Қошғарийнинг “ҳазрати пир маҳдум” деб таърифлаб, темурийлар унинг мазорини тез-тез зиёрат қилиб турганликларини ёзган. Шу билан бирга Навоий Шоҳруҳ ва Абусаидларнинг вазирлари, уламолари, аркони давлати Қошғарий қабрига “Мақсуд қибласи ва мурод каъбаси”, деб қараганликларини таъкидлаган.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Ахмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент: Фан, 1967. – Б. 76.

<sup>2</sup> Ахмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент: Фан, 1967. – Б. 76.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Танланган асарлар. 13-т. Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 12-13.



Шохруҳ Мирзо сўфийларни комил инсонлар сифатида қадрлаган. Бекордан бекорга сўфий, дарвешларни жазоланишига йўл қўймаган. Лекин, Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Шохруҳ Мирзо Шерозга киргач, суюкли хотини Гавҳаршодбегимнинг қатъий талаби билан давлат арконлари билан бир қаторда бир қанча саййидларни ҳам қатл этишга буюрган. Саййидлар Шохруҳ Мирзодан “адолат юзасидан тафтиш ўтказиш”ни ёлвориб сўраганлар. Аммо Шохруҳ Мирзо малика Гавҳаршодбегимнинг хоҳишини қайтаролмаган ва ҳукм ижро этилган. Саййидларнинг дорга осилиши ва кўп ўтмай Шохруҳ Мирзо авлодининг қирилиб кетиш сабабини мазкур саййидлар қарғишига учраганлигининг оқибатидир<sup>1</sup>, - деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий. Шохруҳ ҳам отаси Амир Темур сингари маърифат аҳли, уламоларни ўз саройига тўплаб, уларга ижод қилиш имкониятларини яратиб берган. Шохруҳ даврида камолга етган шоирлардан Мавлоно Бурҳониддин ва Ҳасан Шоҳлар шулар жумласидандир. Зиёлилар ҳомийси ва китоб шайдоси Шохруҳ Ҳиротда овозаси бутун Осиёни тутган кутубхонани ташкил этган. Ушбу “Китоб саройи”<sup>2</sup> деб ном олган ғаройиб мажмуада кўплаб хаттотлар, рассомлар, миниатюрачилар, муқовачилар фаолият юритиб, турли соҳаларга оид асарларни кўчириб, безаб, китоб ҳолига келтириб кутубхонани бойитганлар.

Шохруҳнинг ва тасаввуфга бўлган муносабати, унинг қонун қоидаларига амал қилиши учинчи ўғли бўлмиш Бойсунғир Мирзога (вафоти 1434) ҳам мерос

---

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Фан. 1982. – Б. 82.

<sup>2</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 211-212.



бўлиб ўтган. Шоҳруҳ унга, Шарқий Хуросонни берган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Бойсунғир Мирзо ҳам ниҳоятда етук ва адолатпеша ва дарвешсифат киши бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират аш-шуаро”сида Бойсунғир Мирзонинг маънавий қиёфасини ифодалайдиган куйидаги маълумотларни қолдирган. “Шаҳзода Бойсунғир Мирзо ҳунарпарвар ва ҳунармандликда жаҳонга машҳур бўлди. Шеърят ва ҳаттотлик унинг замонида ривож топди. Ҳунарманд ва фазл эгалари унинг овозасини эшитиб, атроф ва теваракдан унинг хизматига келдилар. Хушхат котиблардан қирқ киши унинг кутубхонасида китобат қилиш билан машғул эдилар. Бойсунғур Мирзо ҳунармандларни риоят қилар, шуарони дўст тутар эди. Ўзи туркий ва форсий шеърларни яхши айтарди ва олти қалам билан хат ёзар эди ва жуда чиройли ёзарди”<sup>1</sup>.

Бойсунғир айниқса, Шайх Озарийга ва Саййид Қосим Анворга нисбатан чексиз ҳурматда бўлган. Бойсунғир Мирзонинг тасаввуф таълимотига ва умуман шайх, дарвешларга муносабати ҳақида гап кетганда унинг ўртанча фарзанди, 1446-1451 йиллар Мозандарон, Форс ҳукмдори бўлган Султон Муҳаммаднинг ўрнини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Султон Муҳаммад ибн Бойсунғир отаси ва бобоси сингари ҳар бир сафар олдидан йирик шайхларни зиёрат қилиб, уларнинг маслаҳатларини олган. Жумладан, Ироққа юриш қилишларидан олдин у Шайх Озарийдан қимматли маслаҳатлар олган ва унга эътиқоди янада ошган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг

---

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Фан. 1982. – Б. 155.



“Тазкират ул-шуаро”сида бу ҳақда шундай маълумот берилган: “Дейдиларки, султонзодаи аъзам Султон Муҳаммад ибн Бойсунғир Ироқ юриши олдидан шайхнинг зиёратига борди ва шайх адолат ва шафқат қонунларидан фойдали насиҳатлар қилди ва шаҳзодада шайхга нисбатан тамом эътиқод ҳосил бўлди ва шайхнинг олдига бир ҳамён тиллони тўкишни буюрди. Шайх тиллони олмади”<sup>1</sup>.

Темурий шаҳзодаларнинг йирик вакиллари яна бири, Шарқ цивилизациясида алоҳида ўрин тутган Мирзо Улуғбекнинг (1394- 1449) тасаввуф таълимотига муносабатини ёритиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Манбаларда кўрсатилишича, нуфузли шайхлардан Ҳасан Аттор, Низомиддин Хомуш, Хожа Аҳрор Самарқандда, Муҳаммад Порсо Бухорода, Якуб Чархий Бадахшон ва Чағониёнда Улуғбекнинг ишончини қозонган маслаҳатчилардан бўлганлар. Лекин Ўрта Осиё мутасаввуфларидан аксарияти Улуғбекка нисбатан душманлик муносабатида бўлганлигини ва Бухоро шайхлари бошлиғи, дастлабки йиллар Улуғбекнинг иттифоқчиси бўлган Муҳаммад Порсо кейинчалик унинг давлатида обрўли жой олмади,<sup>2</sup> деб таъкидловчи олимларнинг фикрларига қўшила олмаймиз. Чунки, Фахруддин Али ас-Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” асарида ёзилишича, ҳадисларнинг талқин қилиниши масалаларини текшириш учун Шамсуддин Муҳаммад ал-Жазарий Самарқандга келади. (У 2 декабрь 1429 йилда Шерозда вафот этган). Улуғбек бу йиғилишга Муҳаммад

---

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Фан. 1982. – Б. 156.

<sup>2</sup> Саидқулов Т.С. Очерки историографии и истории народов Средней Азии. Ташкент: Ўқитувчи, 1992. – С. 91.



Порсони таклиф этиб, ҳадис талқинлари ҳақида сўзлашни буюради. Бу синов Шайхулислом Исомиддин ва бошқа фикҳ ҳамда ҳадис билағонлари иштирокида ўтади. Муҳаммад Порсо келтирган баъзи иқтибослар қатнашчилар ичида шубҳа уйғотганда, у Шайх ул-ислом Шамсуддин кутубхонасига мурожаат этишни таклиф қилиб, иқтибос келтиришни ва у қайси китоб жавонининг қаерида жойлашганлиги ва у нечанчи саҳифа эканлигини айтади. Қизиғи шундаки, бу кутубхонада Муҳаммад Порсо ҳеч қачон бўлмаган.<sup>1</sup> Бу эса Улуғбек ва Шайхулислом Исомиддин ҳамда бошқа иштирокчиларни ҳайратга солган, уларнинг Муҳаммад Порсога бўлган ихлосларини янада оширган.

Улуғбекнинг тасаввуф таълимоти ва унинг йирик вакилларига бўлган муносабатини отаси Шоҳруҳ Мирзо томонидан Ҳиротдан Самарқандга сургун қилинган йирик мутасаввуф, энг нуфузли шайх Қосим Анворга кўрсатган эҳтиромидан ҳам билиб олсак бўлади. Тарихчи Мирхонднинг ёзишича, Мавлоно Саййид Қосим Самарқандга келгач, Мирзо Улуғбек унинг донишманд ва олижаноб шахслигини кўриб, муриди бўлган, ҳамда устозини ниҳоятда ҳурмат қилган. Улуғбек Саййид Қосим Анворни Шоҳмалик мадрасасига жойлаштириб, тахтиравон ва хизмат килувчилар билан таъминлаган.”<sup>2</sup> “Мавлоно Саййид Қосим Самарқандга келгач, Мирзо Улуғбек унинг донишманд, оддий ва олижаноб шахслигини кўриб, унинг муриди бўлади, устозини ниҳоятда ҳурмат-эҳтиром қилади”, деб ёзади Мирхонд.

Бундан ташқари француз темуршунослиги

---

<sup>1</sup> Фахруддин Али ас-Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.: Ибн Сино, 2004. – Б. 89.

<sup>2</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳроп Вали. Самарқанд: СамДУ, 1993. – Б. 55.



мактаби вакиллари “Улуғбек даврида мадрасалар барпо этилди, мадрасалар дарвозасининг пештоқига Ҳадиси шарифдан олинган “Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир” деган шиорлар битилди”<sup>1</sup> деб маълумотлар қолдирганлар. Улуғбек ўз мадрасаси мударрислигига йирик шайхларни тайинлаган. Чунки, Улуғбек назарида шайхлар дунё илми илғорлари бўлганлар.

Улуғбек томонидан 1419 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда қурилган мадрасаларда ҳам ўз замонасининг йирик тасаввуфчилари етишиб чиққанлиги солномаларда келтирилган. Манбаларга кўра, Бухоро мадрасасида 80 дан ортиқ хона бўлган ва ҳар бир талаба йилига 312 тиллодан нафақа олган<sup>2</sup>. Саййид Роқимнинг хабарига кўра, Мадраса пештоқига “Толиби илми фарз аст ба муслим ва мусулмонон”, деб ёзиб қўйилган. Давлатшоҳ, Самарқандий эса ўзининг “Тарихи жаҳонгирий” (Дунёни забт этиш тарихи) асарида Жомий, Хусайн Бойқаро, Муғриби Самарқандий, Саид Роқим ва бошқалар Улуғбек мадрасасида талаба бўлганлигини ёзади.

XV асрда Улуғбек мадрасасининг бош мударриси Абдурахмон Жомий бўлган. Йирик сўфий шайх Хожа Муайяди Меҳна ҳам Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган. Хожа Муайяди Меҳна Навоийни фарзанд сифатида қабул қилган ва уни тасаввуф сирларидан воқиф этган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай ёзади: “Бу ҳақирни фарзандлик лафзи била сарафроз қилиб, хайр дуоси кўп этиб, борамда фотиҳалар ўқиб эрдилар.

---

<sup>1</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 205.

<sup>2</sup> Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. М.: С. Петербург, 1983. – С. 86.



Умид улки, бири мустажоб бўлгай”<sup>1</sup>. Шайх Муайяди Меҳнанинг Улуғбек мадрасасида мударрислик қилганлиги ҳақидаги маълумотни Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” асарида ҳам учратамиз. Нисорийнинг хабарига кўра, “Шайх Муайяди Меҳна Султон Абусайид Абулхайр авлодидан ва саидлик нисбати машшад саидларига тааллуқлидир. Султони шаҳид Улуғбек мадрасасида мударрислик қиларди. Мансабдор шахсларнинг бепарво ва лоқайдлиги оқибатида номуносиб вазифаларда туриб қолди, шу сабабли кўп саъй-ҳаракатлар кўрсатса-да, мавзуотлари ғараз билан инкор этилиб муқаддимотлари ёшу-кекса назарида бенатижа қолди”<sup>2</sup>.

Шуниси диққатга сазоворки, Улуғбек ўзининг кучли хотираси сабаб ёшлигида бирга ўсиб-улғайган шайх Ориф Озарийнинг орадан қарийб ўттиз-қирқ йил ўтгандан сўнг ҳам таниб унга мулозамат кўрсатади. Давлатшоҳ Самарқандий шайх тилидан шундай ёзади; “Шайх Ориф Озарий айтганки, мен саккиз юзинчи йили амири кабир соҳибқирони аъзам Темур Кўрагоннинг қиссахони бўлмиш тоғойим билан Қорабоғда эдим. Ўша вақтда ҳали бола бўлган Улуғбек Кўрагоннинг хизматига тушдим. Бир неча вақт гўдаклик хурсандчилиги билан шаҳзодага ҳамроҳ айтар эдим... Саккиз юз эллик иккинчи йили мазкур подшоҳ Хуросонни забт этди ва Исфаройинга келиб тушди. Мени узоқдан фақир бечора кийимида кўрди. Салом ва ҳол аҳвол сўрашишдан сўнг дедики, эй дарвеш, сен бизнинг қадимий ҳамсуҳбатимиз кўринасан, сен

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т.15. Т.: Янги аср авлоди, 2006. –Б. 162.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат.Т.15. Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 163.





қиссахонимизнинг жияни эмасмисан?”. Подшоҳнинг идроки ва пок хотиридан таажжубда қолдим ва дедим: “Шундай Ҳазрат, қиссахоннинг жияниман”. Подшоҳ Қорабоғнинг ҳикояларини, Гуржистон ғазавотларини ва унинг таажжубларини эсга солди. Ёдимда бори билан жавоб қилдим”<sup>1</sup>.

Мирзо Улуғбек юқорида таъкидлаганимиздек, сўфийлик ва ислом асосларини чуқур эгаллаган. Навоий бу ҳақда: “Улуғбек Мирзо - донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Куръони мажид ёдида эрди”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Улуғбек туфайли Самарқандда яна қирқ йил тинчлик ҳукумронлик қилди. Бу давр санъат ва илм фан равнақига шу қадар катта ҳисса қўшдики, бу даврни “Самарқанднинг олтин асри” деб атай бошлашди. Шу билан бирга ўз замонасининг етук олими сифатида - Улуғбек ўз атрофида фикри-зикри фақат жангу-жадалдан иборат ҳарбийларга ҳамда Қуръони каримни мутолаа қилишдан ўзга ҳар қандай ақлий фаолият гуноҳдан иборат, дегувчи мутаасибона диний гуруҳ аъзоларига қарши курашди.<sup>3</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Улуғбекни сўфий шайхлар эмас, балки, айрим шариат пешволари ўзларига душман санаб, уни халқ, олдида обрўсизлантиришга ҳаракат қилганлар. Кўриниб турибдики, Улуғбек илоҳий масалалар буйича даврининг энг йирик шайхлари билан мунозара қила олган ва уларни билимлари билан ҳайратга солган. Шунинг учун ҳам Мирзо Улуғбек бобоси сингари ислом

---

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Фан, 1982. – Б. 60-64.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т.15. Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.180.

<sup>3</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 203-204.



---

тарафдори бўлсада, ижтимоий адолат тамойилларини татбиқ қила олган одил шоҳ ҳам бўлган. Лекин биз бу даврни “Улуғбекнинг фалакиёт мактаби билан, ислом пешволари Хожа Аҳрор ва Ҳирот шоҳи Абу Саъид ўртасидаги курашдан иборат давр”, деб талқин қилиш ёки В.В.Бартольднинг “XV асрни Ўрта Осиёда икки дунёқараш, яъни бир томондан Самарқандни 40 йил бошқарган Темурнинг набираси Улуғбек иккинчи томондан унинг ёш замондоши, нақшбандия тариқати вакили Хожа Аҳрор ўртасидаги курашдан иборат давр бўлган”,<sup>1</sup> деган фикрларга қўшила олмаймиз.

XV асрда тасаввуфда тарки дунёчиликдан фарқли, дунё бойлигига муҳаббат қўймаган ҳолда, кўп молу давлатга эга бўлиш тариқатда бўлишга ҳалал бермаслиги бевасита шайх Хожа Аҳрор Валийнинг фаолияти билан боғлиқдир. Шу билан бирга айрим манбаларда тасаввуф таълимотининг улуғ намояндаси бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг Мирзо Улуғбек расадхонасини вайрон қилишда ва унинг шаҳид бўлишида айбдор деб, Хожа Аҳрор Валий билан Улуғбек ўртасидаги муносабатни бузиб талқин қилинганлиги ҳам ассоссиздир.

Мустақиллик йилларида Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммоларини батафсил ўрганиб чиққан шарқшунос олим К.Каттаевнинг тадқиқотлари, Хожа Аҳрорнинг Мирзо Улуғбек фожиасига, умуман, алоқаси йўқлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

XVI асрнинг машҳур асарларидан ҳисобланмиш ас-Сафийнинг “Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” асарида

---

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Улуғбек и его время. Соч., Т.2, Ч.2. — М.: Наука, 1964, — С. 47.

<sup>2</sup> Каттев К. Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. Самарқанд: СамДУ, 2004. — Б. 23-24.



Улуғбекнинг шаҳид бўлишига Мавлоно Низомиддин Хомуш сабаб бўлганлиги қатъий таъкидланганлигини инобатга олсак, Улуғбек Мирзо билан адоватда бўлган шахс Хожа Аҳрор Валий эмас, балки Мавлоно Низомиддин Хомуш бўлиб, бу икки тариқат пешволари тарихда чалкаштириб юборилган.

Улуғбек ҳеч шубҳасиз аввало ўз салтанати манфаатни кўзлаган подшоҳ сўнгра, улуғ олим ва эътиқодли мусулмон бўлган. Улуғбек мадрасалар қурдириб, илоҳиёт билан бир қаторда дунёвий илмларни ҳам ўрганган. Улуғбек ҳеч қачон диндан юз ўгирмаган ва худони инкор қилмаган. Улуғбек ўзи қурдирган Занги ота пештоқиға “Менинг уйларим, масжидлардир, кимки уйида таҳорат қилиб, менинг уйимни зиёрат қилса, ҳурматимга сазовордир”,<sup>1</sup> деб ёздирган. Улуғбекнинг дин ва шариатга бўлган ижобий муносабатини Бибихоним масжидида улкан лавҳни (Қуръон қўйиладиган курси) махсус фармон билан ясатганлигидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Лавҳ нафис ҳошиялар, арабий нақшлар ва ёзувлар билан безатилган бўлиб, четига “Султони азим, олий ҳамматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, ҳанафия мазҳабининг посбони, амирул мўмин Улуғбек Кўрагон”,<sup>2</sup> деган ёзувлар битилган. Улуғбекнинг илмий фаолияти ҳеч қачон ислом динига зид бўлмаган, демакки, унинг фожиали тақдирига на дини ислом, на Хожа Аҳрор салбий таъсир кўрсатган.

Улуғбек ҳам ота-боболари сингари ислом динини халқлар орасида кенг ёйилишига ва унинг тобора

---

<sup>1</sup> Ашрафхўжаев Ф., Жўраев З. Ҳазрати Занги Ота ва Соҳибқирон Амир Темур. Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 64.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 120.



бойиб боришига ҳисса қўшган. У ўз асарларида ислом тарихи ва ривожланишининг босқичларини илмий асослаб берган. Жумладан, “Тарихи арбаъ улус” (Тўрт улус тарихи) рисоласида Дашти Қипчоқ аҳолисининг мусулмон динини қандай қабул қилинганлиги ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Мирзо Улуғбек ўз салтанати ва шоҳлигини ҳам тангрининг инъоми деб тушунган<sup>1</sup>.

“Тўрт улус тарихи” асари ҳам Улуғбекнинг саййид, авлиё, шайхлар умуман, мутасаввуфларга бўлган муносабатини ифодаловчи манба десак хато бўлмайди. Улуғбек бу асарида шайхларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, сиёсатда тутган ўрни, давлат масалаларини ечишдаги нуфузи, халқ, ичидаги қудрати ҳақида маълумотлар берган<sup>2</sup>. Француз олимлари Улуғбек ҳақида: “У ажойиб қалам соҳиби эди. Айтишларича, у, каттагина тарихий асар ҳам битган экан (Тўрт улус тарихи). Унинг форс тилида сўзлаша туриб, осонгина турк ё араб тилида гапиришини кўрган одамнинг ҳаваси келарди”,<sup>3</sup> деб таъкидлаганлар.

Улуғбекнинг тасаввуф таълимоти ва унинг йирик намоёндаларига бўлган муносабатини “Тўрт улус тарихи” асарида Шайх Маҳмуд Таробий кўзғолони баёнида ҳам билиб олишимиз мумкин. Чунки, Улуғбек давлат раҳбари сифатида Шайх Маҳмуд Таробий кўзғолонини объектив баҳолаган. Улуғбекнинг тасаввуф таълимотига муносабатида муҳим жиҳат шунда эдики, у сўфийликни мардлик шижоатлилик тариқати тарзида тушунган. Худди шу нарса Улуғбекни

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 35.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 242.

<sup>3</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 205.



Шайх Маҳмуд Таробийнинг қўзғолони инсонпарварликдан иборат ҳаракатлигини тўғри англашига олиб келган. Улуғбек бу ерда шайхнинг қудратини, халқни эргаштира олиш кучини эътироф этган бўлса, қўрқоқ ва лаёқатсиз, субутсиз амирларни қоралаган<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Улуғбек бузург шайхларни халқ ҳимоячилари сифатида билган. Улуғбек шайхларни ва буюк сўфийларни ислом учун, унинг ёйилиши учун курашувчи асосий тоифа деб ҳисоблаган. Улуғбек риёзиётчилар, фалакиётшунос ва файласуфларга алоҳида ҳурмат эҳтиром кўрсатарди. Улуғбек уларни тез-тез қабул қилар ва маош белгилар, ҳарбий амалдорларнинг хуружларидан ва мутаассиб уламоларнинг тазйиқларидан доимо ҳимоя қиларди.

Шоҳрух билан Улуғбекка шуҳрат келтирган энг буюк хизматлари уларнинг асрлар оша машҳур бўлиб, “Темурийлар даври уйғониш маданияти” деб ном олган маданиятга асос солганлари бўлди. Унинг таъсири ва турткиси ўлароқ Марказий Осиёда янгидан янги маданият ўчоқлари пайдо бўлди ва ривожлана борди. Ўз навбатида Улуғбек ҳам Самарқандда академия ташкил қилди, зиёлиларни қўллаб-қувватлаб, бир-биридан ажойиб иморатлар бунёд эттирди.<sup>2</sup>

Темурий шаҳзодалар орасида дарвешлик ишқи ва хаёли билан яшаб, сўфийликни маънавий ва жисмоний камолот рамзи деб тушунганлардан яна бири Султон Ҳусайн Бойқародир (1438-1506). Ҳусайн Бойқаро темурий шаҳзодалар ичида ўзига хос фаолияти билан

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 299-300.

<sup>2</sup> Люсен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 203-204.



ажралиб турган. Унинг маърифатпарварлик сиёсати туфайли Хуросон зиёлилари ижтимоий қатлам бўлиб шаклланган. Бутун илм аҳли, маърифат ва маданият, маънавият тарафдорлари Ҳусайн Бойқаро даврида камолотга етган. Ҳусайн Бойқаро назарида шоҳлик ва дарвешлик тенгдир. Ўзини адолатли шоҳ деб билган подшоҳ ҳеч қачон дарвешликни эсдан чиқармайди. Фикримизча Ҳусайн Бойқаро ўзидаги бу ғоявий камолотни бир томондан яқин дўсти Навоийдан олган бўлса, иккинчи томондан ундаги бу хусусият меросийдир. Ҳусайн Бойқаро ўзининг ота-боболари дарвешваш, фонийваш инсонлар бўлганлигини чуқур ҳис қилган. Ҳақиқатан, Ҳусайн Бойқаро сўфийликнинг назарий асосларини Навоий ёрдамида ҳам тушунишга ҳаракат қилган. Чунки, дарвешликни огоҳлиқ деб билган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга таянган.

Европа темуршунослиги мактаби вакиллари “Темурий Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва маслаҳатчиси Алишер Навоий ўз юксак мартабали амалдорлари, саркардалари, адибу шоирлари билан машҳур бир оиланинг энг ёрқин вакилидир. Бойқаро энг оғир ва энг нозик вазифаларни унга топширган. Манбаларга кўра Навоий ўз ёнидан 370 та кутубхона, мадраса ва масжидлар бунёд эттирган”<sup>1</sup>, деган қимматли маълумотларни берганлар.

Алишер Навоий ўзининг “Ҳамсатул мутаҳаййирин” асарида подшоҳ, “чериклар машаққатини тортиб, сафарлар балосига ўзларини солиб юрдилар ва инъом ва улфат мутлақо олмадилар ва дарвешона қисват била мулозамат қилур эрди” деса,

---

<sup>1</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Асрлар солномаси. Т.: 2018. – Б. 224.



“Тарихи мулуки Ажам”да тахтдаги шоҳнинг фақржўйлиги дарвешона хулқи билан белгиланади, деб ёзади. Навоийнинг назарида дарвеш - бу авлиё киши бўлган.<sup>1</sup> Навоийнинг асарлари муҳокамасида бевосита қатнашган ва мутолаа қилган Ҳусайн Бойқаро шоҳлик ва дарвешликнинг ораси бир қадам эканлигини тўла ҳис этган. Зеро, Султон Ҳусайн ҳар қандай салтанатни фақирликка қурбон қилишга тайёр бўлган адолатпеша инсон бўлган. Навоийнинг таъбирига кўра Ҳусайн Бойқаро “суратда шоҳ ва сийратда қул” бўлган.

Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Ҳоким суръат, дарвеш сийрат, балки дарвеш исму ҳукумат қисм” - деган ифода берилган. Бунда киши суратда ҳоким бўлавериши, лекин сийратда дарвешлигича қолавериши уқтирилган. Навоий Ҳусайн Бойқарони ҳам ана шундай суратда - шоҳ, сийратда - дарвеш деб кўп таърифлаган<sup>2</sup>.

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг суфиёна услубда битган “Насабномасини” улуғлаб, “ошиқлик йўлига кирган солиқ учун фано шуъласини ёқувчи машъла” эканлигини уқтирган. Лекин Ҳусайн Бойқаро назарида шукроналикка путур етказган, ғурур йўлини танлаган шоҳ, саодатманд бўла олмаган. Шу билан бирга Ҳусайн Бойқаро ўз фаолиятидаги буюк ютуқларини тариқат раҳнамоларининг хотирасини шод қилганлигида ва уларнинг руҳонийлари ёрдамидан деб билган. Ҳусайн Бойқаро сўфийликнинг барча удумларини амалда бажара олмаган. Лекин у ботиний етукликка эришган сўфий бўлган. Ҳусайн Бойқаро назарида тариқат

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Паҳлавон Маҳмуд. Т.15. Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 95.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Хамса. Тошкент: Янги аср авлоди, 1996. – Б. 843.



---

йўлига кириб, фоний сифатли дарвешликни ўзида мужассамлаштирган шоҳ давридагина ҳар қандай алолатсизлик ва жабр-зулмга барҳам берилиб, халқ эркин нафас олиб, маърифатли бўла олган.

Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам йирик сўфийлар етишиб чиққанлар. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро даврида катта нуфузга эга бўлган шайхлардан яна бири Навоийнинг устози Шайх Абдурахмон Жомий бўлган. Ҳусайн Бойқаро бобоси Амир Темур сингари салтанат мажлисига шайху-пирларни астойдил иштирок этиши учун имконият яратган. Бу факру-фано аҳлларининг ҳар бирининг фикрига кулоқ солиб, уларни барча салтанат арконлари фикридан устун қўйган<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳусайн Бойқаро шоҳлик ва дарвешлик орасидаги масофани яқинлаштира олган темурий шаҳзода бўлган. Бунинг асосий мезонлари Бойқаро назарида ҳақиқий ошиқлик ишқ учун бедиллик салтанат ҳавасларидан кечиш, фақр султонлигини ҳавас қилиш, фонийликни мақсад деб билишдир. Аслини олганда шоҳлик ва дарвешлик бир-бирига зиддек туюлади. Лекин бу зиддият Ҳақ шавқи, ишқ шуъласи натижасида бартараф бўлади.

Навоий ўзининг “Сабъаи сайёр” достонида Ҳусайн Бойқаронинг дарвешсифат шоҳ, бўлганлигини жуда мазмунли баён қилган<sup>2</sup>, Воиз Кошифий ҳам “Рисолаи Ҳотамия”сида Султон Ҳусайн Бойқарони дарвешона сифатларини таърифлаб ёзган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Бойқаро Ҳусайн. Рисола:Девон. Тошкент.: Шарқ,1995. – Б. 8.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукамал асарлар тўплами. 6-том. Тошкент.: Фан, 1990. – Б. 486.

<sup>3</sup> Воиз Кошифий. Рисолаи Ҳотамия. Душанбе: Адиб, 1991. – Б. 293.





1470 йилнинг 23 августида Ёдгор Муҳаммадга қарши отланган Ҳусайн Бойқаро Ҳазрат Хўжа Абдулло Ансорий қабрини ҳам зиёрат қилиш учун Козиргоҳга боради. Зиёрат асносида қози Мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайнни ўз ҳузурига чорлаб “Ҳирот дорус-салтанатида Султон Саййид замонидаги дастурни қўллаш лозим бўлади ва агар мен томондан ёки биродарим ёки фарзандларим томонидан шаръий чегарадан ташқари чиқилса унинг ижроси кечиктирилмаслиги лозим”, дейди<sup>1</sup>.

Бундан шу нарса маълум бўладики, Султон Ҳусайн Бойқаро мамлакат ичкарасида тартиб ўрнатиш учун шариат қонунларидан фойдаланибгина қолмасдан, балки унга амал қилган. Ҳусайн Бойқаронинг шиори “шариат катта йўлдир, ундан адашишдан ҳақнинг ўзи асрайди” деган ибора бўлган. Бойқародаги бундай улуғ сифатларнинг шаклланишида дўсти Навоийнинг насиҳатлари жуда ҳам ўринли бўлган. Буни биз Навоийнинг “Садди Искандарий”сида Ҳусайн Бойқарога насиҳат тариқасида ёзилган “Бу ҳокимсурату дарвештабиат, исми Дарвешу, улуши ҳукумат иши бўлмиш инимизга рад этиб бўлмас насиҳатдир”<sup>2</sup>, деб ёзилган фикрлардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Ҳусайн Бойқаро тасаввуф шайхларидан Нажмидин Кубронинг ўша даврда кенг тарқалган “Рисолатун фис-сулук”, “Рисолатун туруқ”, “Фавотихул амол”, “Ҳидоятул толибин”, “Айнул Ҳаёт”, “Рисолайи Нажмиддин”, “Ал-усул ал-шариа” асарларини севиб мутолаа қилган. Айниқса Кубронинг Темурий ҳукмдор

---

<sup>1</sup> Файзиев Т. Ҳусайн Бойқаронинг сирли ўлими. Т.: Халқ мероси, 1995. – Б. 16.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т.15. Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.180.



---

ва шоир Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга: “Агар мен подшоҳлик ишлари ила шуғулланишдан қўл тортишга жазм этсам, Шайх Нажмиддин Кубро мазори остонасининг журубкаши (супурувчиси) бўламан”<sup>1</sup> деб айтган.

Мутасаввуф мутафаккирларнинг асарларини чуқур ўрганган Ҳусайн Бойқаро шоҳлик дин, шариат, тасаввуф ва жавонмардликни бир-бири билан қўша олган одил ва мард шоҳ бўлган. Ҳусайн Бойқаро аввало Шайх Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асаридаги, “Билгинки, ҳар подшоҳ, лашкар ҳақида бахиллик қилса, ондин ҳеч вақт саховат ва жувонмардлик умид қилиб бўлмас”<sup>2</sup>, деган муқаддас сўзларни ўз дилига жо қилиб олган.

Темурийларнинг ёрқин вакилларида яна бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ота боболари сингари одил шоҳ, диний бағрикенглик тамойилларига амал қиладиган, инсон манфаатларини юқори қўювчи тасаввуфна сифатлар билан камол топган саркарда бўлган.

Марказий Осиёда Амир Темур авлодлари йўқолиб бораётган бир пайтда Тошкентнинг шарқида жойлашган кичик бир Андижон касабасида келажакда соҳибқирон бобоси каби шон шуҳратга эришадиган янги бир шаҳзода дунёга келган. Бобур кейинчалик шайбонийлар томонидан Самарқанддан воз кечишга мажбур бўлган бўлсада, Ҳиндистонда афсонавий бобурийлар сулоласи империясига асос солиб, тугаб бораётган сулоланинг халоскорига айланган.

Темурий шаҳзодалар орасида шоҳлик

---

<sup>1</sup> Файзиев Т. Ҳусайн Бойқаронинг сирли ўлими. Т.: Халқ мероси, 1995. – Б. 71.

<sup>2</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – Б. 22.



мартабасидан дарвешлик мақомига ўта олган, шоҳликни фақирлик даражасида тушунган шаҳзода Бобур Ҳиндистонда “буюк муғуллар империяси”ни (1526-1858) барпо этган бўлсада, фақат Ватан ишқи билан ёнган тарихчи, фақиҳ адабиётшунос олим, такрорланмас шоирдир. Бобур художўй, очиққўнгил, ширинсухан, мард инсон сифатида ўз мулозимлари ва аскарлари орасида катта обрў эътибор ортирган. У “Хатти Бобурий” деб номланган янги алифбо кашф этган. Бобур ўз салтанати ҳудудларини тобора олис вилоятлар томон кенгайтириб борар экан, тартиб интизом сақланишига катта эътибор бериб, барчага, айниқса, мусулмон бўлмаганларга одилона муносабатда бўлишга ҳаракат қилган.

Бобур Мирзо тасаввуф таълимотини билишга интиланган, у ўз саройида мутасаввуф Пирзода Қажумни доимий маслаҳатчи сифатида жуда эъзозлаган ва шайх сифатида Саъдиддин Қошғарийни ўзининг пири деб билган. Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” асарида бу ҳақда шундай маълумот берилган: Ойтур эрдиларким: “Мирзо Бобур тасаввуфдонлик даъвосини этур эрди ва муққадимоти тасаввуфдин онинг мажлисида ҳийла ўтар эрди”<sup>1</sup>.

Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида “Бобур Мирзо дарвешваш ва фоний сифат ва каримул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олдида олтуннинг ва кумушнинг тош туфроғича ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисоладаридин “Ламаҳот” била “Гулшани роз” кўп машруф эрди”<sup>2</sup>, деб Бобурнинг тасаввуфга бўлган муносабатини баён этган.

---

<sup>1</sup> Фахруддин Али ас-Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.: Абу Али Ибн Сино. – Б. 383

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.12. Тошкент: 2006. – Б. 171-172.



---

Бобурнинг бутун қарашлари мужассам бўлган “Бобурнома”да Бобурнинг азоб-уқубатга тўла фоний оламдан кўра “ул оламини”, яъни боқий дунёни афзал кўриши, тасаввуф таълимотига мос келади. Чунки “Бобурнома”да тасвирланган драматик воқеалар, улуғ бир истеъдод ўз ватанидан жудо бўлиб, ўзга юртларга кетиши, атрофидаги одамларнинг хоинликлари, бошқа минг хил салбий ҳодисалар мард сиймони ҳам жонидан туйдирган.

“Бобурнома” асарида муаллиф ўзининг тасаввуф таълимотига бўлган муносабатини баъзи шайхларнинг, жумладан Хожа Аҳрорнинг фаолияти билан боғлаб баён қилган. Бобур Хожа Аҳрорни ўзининг руҳонияти деб билганлигини, ундан руҳий мадад олганлигини “Бобурнома”нинг қайд этган. Бобур ҳатто 1500-1501 йиллардаги Самарқанд юришининг муваффақиятини ҳам Хожа Аҳрорнинг руҳий маслаҳати ва мададига боғлаб тушунтирган.

Бобур Хожа Аҳрорга бўлган эътиқодининг исботи сифатида унинг “Волидия”сини, яъни насрий асарини туркий тилда шеърий таржима қилади. Агар таржиманинг асосий сабаби баёнига эътибор қилсак бу “ўлган кўнгилларни тирилтириш”, “ғафлатда қолган кўнгилларга бедорлик” бағишлаш эканлигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Бобур Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг “Волидия” сини туркийга ўгиргандан сўнг, бу шеърий таржимадан бир нусха қолдиртириб, рубойлар билан бирга Ҳазрат Махдуми Аъзам ҳузурига юборади. Уни ўқиган Махдуми Аъзам ҳазратлари Бобурнинг тариқатга

---

<sup>1</sup> Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Валий. Рисолаи Волидия. Заҳрирдин Муҳаммад Бобур таржимаси. Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 4.



бўлган эътиқоди ва ҳурматини юқори баҳолаб, “Рисолаи Бобурия” асарини ёзади. Шунингдек, Бобур Хожа Аҳрор Валийга муносабати жуда самимий бўлганлигини, ул ҳазратнинг ўрни буюк мутасаввуфлардан Жунайд Бағдодий даражасида эканлигини таъкидлаган. “Бобурнома”ни ўқиб шундай фикрга келдикки, Бобурга ёшлигиданоқ Хожа Аҳрорнинг ғоялари билан тарбияланган. Чунки Бобурга ёшлигиданоқ устозлик қилган ва кейинчалик пири бўлган Хожа Мавлоний Хожа Аҳрорнинг муридларидан бўлган.

Бобурнинг нақшбандия тариқатига самимий эътиқодини шайх Махдуми Аъзам билан бўлган муносабатидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бобур ўз пири сифатида Хожа Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддий Косоний-Махдуми Аъзамни (1557) қабул қилганлиги ўша даврнинг бир қанча манбаларида қайд этилган. Ҳасанхожа Нисорий ҳам “Музақкири аҳбоб” асарида Бобурнинг тасаввуфга муносабатини ҳазрат Махдуми Аъзамга бўлган ва эъзози орқали, уни ўзига пирумуршид қилиб олганлиги баёнини бериш билан бирга бу ҳол тасодифий ҳол бўлмай, балки оилавий анъана эканлигини ва отаси Умаршайх ва бобоси Султон Абусаидлар ҳам Ҳазрат Хожа Аҳрорга иродатли бўлганликлари мисолида кўрсатиб берган<sup>1</sup>. Бундан ташқари Бобур Мирзо ўзини “Бобурнома” асарида Махдуми Аъзамни амакизодалари бўлган Хожа Мавлоно Қозини (Хожа Абдуллони) ҳам ўзига пируустоз ҳисоблаганлигини ёзган.

Умуман олганда, тариқат солиҳларига ҳурмат-

---

<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Халқ мероси, 1993. – Б. 53.



---

иззатда бўлишни ўзининг меросий бурчи деб билган Бобур салтанат эшикларини шайху сўфийлар учун “очиқ тутган”. Жумладан, Хасанхожа Нисорий “Музақкири аҳбоб” асарида: “У барча дарвешларга лутф эшигини очиб, ниёзмандлик юмушини бажо келтирарди. Ҳазрати Махдуми мулло Хожагий Косонийга бир бўлак олтин қуймасини ниёз тариқасида юборди”<sup>1</sup>, деб Бобурнинг муносабатини баён этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида ҳам тасаввуфга бўлган муносабатини абаён этган. У сўфийлик, дарвешлик, шайхлик каби хислатларни улуғ мартаба деб билган: Яъни “гарчи дарвешларга қариндош бўлмасам-да, лекин уларга жону-дилдан эътиқод қўйганман. Шоҳликни дарвешликдан йироқ демагил, биз шоҳмизу бироқ дарвешларга қулмиз”<sup>2</sup>. Шу билан бирга Бобурдаги ирфоний туйғуларнинг устунлиги, ундаги кенг қиррали билимдонлик ҳам тариқатда ўз йўлини топиб олишига кўмаклашган.

Ҳақиқатан, тасаввуф - гўзал ахлоқ руҳий баркамоллик таълимоти. Бобур Ишқ ва гўзаллик, меҳр ва эзгуликка муножот оҳангида бир қанча рубоийлар битган.

Амир Темурдан сўнг унинг ишларини авлодлари – тасвирий санъат шайдоси Шоҳрух, шоир Халил Султон, риёзиётчи Улуғбек ва юксак дидли солномачи Бобур давом эттирган. Бобур бобоси диди ва тафаккурини ўғли Хумоюнга ва машхур набираси, файласуф Акбарга қолдирган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Халқ мероси, 1993. – Б. 23.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Халқ мероси, 1993. – Б. 53.

<sup>3</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 176.



Темурийларнинг тасаввуф аҳлига ва таълимотига муносабатини баҳолашда бу борада барча шахзодалар бир даражада эди, деган фикрдан йироқмиз. Буни тарихий маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Чунончи, Мовароуннаҳрнинг 1494-1495 йилларда ҳокими бўлган Маҳмудхон (яъни Султон Абу Саъиднинг учинчи ўғли, Султон Муҳаммаднинг невараси, Мироншоҳнинг чевараси) барча темурийлар маънавиятига зид ҳолда адолатсизлик ва ахлоқсизликларга кенг йўл беради. Агар Султон Маҳмуддан олдинги Мовароуннаҳр ҳокими Сайид Аҳмад мирзонинг йигирма йиллик ҳукмронлиги даврида маданият гуллаб-яшнаган, шайху уламолар, фақиру дарвешларга иззату-эҳтиром кўрсатилган бўлса, Султон Маҳмуд даврида бунинг барчаси кўкка созурилган. Темурий шахзодаларнинг тасаввуфга ижобий муносабатда бўлганлигининг асосий сабабларидан бири аввало уларнинг ўзлари кенг фикрли, маърифатпарвар, комил кишилар бўлганликларидир. Темурийларнинг ўзлари илмли, маърифатли одамлар бўлганликлари сабабли ҳам уларнинг саройларида илм фан ва адабиёт ва санъат аҳли асло аримаган.



---

## III БОБ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАСАВВУФНИНГ ИЖТИМОЙИ-МАЪНАВИЙ РОЛИ

### §3.1 Амир Темур ва темурийларнинг бошқарув стратегиясида тасаввуфнинг ўрни

Амир Темур улкан ва қудратли салтанат барпо этиб, маънавий маданиятнинг юксалиши, гуллаб-яшнаши учун шароит яратган саркарда ҳисобланади. Илм-фан ва маданиятнинг кўҳна Моваруннаҳр заминидан янгидан гуркираб ривожланиши Амир Темур номи ва фаолияти билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Чунки ўша даврда Моваруннаҳрда Амир Темур томонидан илмий ва адабий фаолият учун яратилган қулай шароит, илм аҳлига хотиржам яшаб, баракали ижод қилиш имкониятини очиб берган.

Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фанга бўлган қизиқишнинг ўсиши, маънавий маданиятнинг юксалишига, ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликнинг равнақ топишига ёрдам бериб, ирригация, шаҳарсозлик, меъморчиликнинг илдам ривожланиши, фандаги янги йўналишларнинг пайдо бўлишга тurtки бўлган<sup>1</sup>. Аниқроғи “Темурийлар ренессанси” вужудга келишига замин яратган.

Амир Темур ва темурийлар маданиятининг Шарқ цивилизациясига қўшган ҳиссаси Европа темуршунослик мактаби олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланган. Жумладан: “Амир Темур Марказий Осиё ўтмиши тараққиётининг барча сиёсий, иқтисодий ва маданий меросини ўзида гавдалантирди. У X ва XI

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Самарканд при Темуре и Темуридах. Очерк. Л., 1933. – С 9.





асрларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, география, тарих ва адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларида ажойиб асарлар яратилган юртда ўсиб улғайган. Ана шу асарлар кейинчалик Европа Уйғониш даврини рағбатлантиб, Европа фани заҳирасини таъминлади... Амир Темурнинг тарих саҳнасига келиши тасодиф эмас, зеро, у ўз даврининг энг иқтидорли вакили эди” деб таъкидланган<sup>1</sup>.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур салтанат бошқарувида ўз стратегияси тузиб, унинг ўн икки асосини “Темур тузуклари”да батафсил баён этган<sup>2</sup>. Ушбу ўн икки тузукка умри давомида амал қилган Соҳибқирон уни салтанат сиёсий бошқаруви стратегиясининг калити сифатида эътироф этиб, авлодларига васият ва панду-насихат сифатида қолдирган.

Темур салтанат тизгинини қўлга олганидан то умрининг охиригача адолат камарини маҳкам боғлаб, молу давлат олдида иймону хушёрлигини йўқотмай улкан салтанатни шараф билан бошқарган. Темур ҳар бир давлатга юриш қилишидан олдин қўшни чегарадош давлатлар ҳақида маълумот тўплаш ниятида, савдо муносабатлари баҳонасида жиддий ишларни амалга оширган. Амир Темур савдо карвонларини Ўрта Осиёнинг турли ўлкаларига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Гуржистон ва ҳатто Европа давлатларига ҳам юборган. Карвон қайтиб келгандан кейин, савдогарлар йил давомида кўрган давлатларидаги шароит, шу давлатда яшовчи халқлар урф-одатлари ва энг асосийси ўша

---

<sup>1</sup> Хукхэм Х. Властитель семи созвездий. Пер. Г. Хидоятова. Т.: Адолат, 1995. С 17

<sup>2</sup> Қаранг: Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 73-75.



---

давлат ҳукмдорининг ўз фуқароларига бўлган муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар беришган.

Соҳибқирон Амир Темур буюк саркарда ва адолатли ҳукмдор бўлиш билан бирга моҳир дипломат ҳам бўлиб, бошқа давлатлар ҳақида маълумот тўплаш учун турли воситалардан фойдаланган. Жумладан, Амир Темур чегарадош давлатлар тўғрисида керакли маълумотларни махсус ёлланган минг кишилик энгил бўлинмалар воситасида тўплаган. Бу бўлинмалар сувсиз чўл ерларда туя миниб, бошқа жойларда эса отлиқ ва пиёда ҳолда ҳаракат қилганлар<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлар “Темур тузуклари”да ҳам қайд этилган бўлиб, унда: “Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларининг хабарларини, кўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун унинг чораси ва иложи қидирилсин”<sup>2</sup>, деб ёзилган.

Амир Темур саёҳатчиларга, савдогар ва карвонбошиларга алоҳида ҳомийлик қилиш орқали ҳам улардан ўзлари кўрган мамлакатларнинг ҳолати ҳақида муҳим маълумотларни билиб олган. Шунингдек, аниқ маълумотни олиш учун Амир Темур махсус ишончли амалдорларни ҳам тайинлаган. Улар мол айирбошлаш орқали чет эллик саёҳатчи ва олимларнинг асл ниятлари, ўзга давлат

---

<sup>1</sup> Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. Т.: 2010. – Б. 22.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 139.



бошлиқларининг Темурга бўлган муносабатлари хусусидаги ахборотга эга бўлиб, бу ҳақда ҳукмдорга етказишга хизмат қилишган. Агар бу маълумот ҳам етарли бўлмаса, Темур элчилар юборган ва ўз навбатида элчилар ҳам керакли маълумотларни аниқлаб етказиши шарт бўлган.

Амир Темурнинг стратегияси ҳақида энг холис, ва юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек кинояю ғаразга тўла маълумотларни Соҳибқироннинг замондоши Ибн Арабшоҳ ёзиб қолдирган. Ибн Арабшоҳ ўзи истамаган ҳолда ҳали ҳеч ким қўл урмаган мавзунини, Амир Темур бошқарувидаги “сирли стратегия”ни ёритиб, келгуси авлод учун қимматли маълумотлар қолдирган. Жумладан: “Жосуслар – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Улар текис ва нотекис жойларининг суратини чизиб кўрсатардилар, уларнинг яқин ё узоқлиги, шаҳарлар ва қишлоқларнинг номлари ва у ернинг амирларию улуғлари исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини баён қилардилар. Бу ҳукмда улар камдан-кам хато қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерлари билан бирга хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди”<sup>1</sup>, деб қимматли маълумотларни берган. Ушбу маълумотлардан кўринадики, Амир Темурнинг стратегияси уни турли ноҳуш ҳолатлар, тўсатдан ҳужум ва пистирмалардан сақлаган.

Ҳақиқатдан ҳам халқаро тадқиқотларда эътироф

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 72.



этилганидек: “Амир Темурнинг хотираси ниҳоятда кучли эди. Энг кичик тафсилотларни ҳам ёдда сақлаб қоларди. Унинг айғоқчилари ҳар бир ўлка ҳақида, унинг бойликлари, харитаси табиий ва сунъий истехкомлари, иқлими ва аҳолиси тўғрисида мукамал ҳисоботлар тайёрлаб келтиришарди. У бу маълумотларнинг барчасини эслаб қолар ва улардан ўрни келганда салтанатининг манфаатлари ёхуд стратегиясини ўзгартириш учун фойдаланарди”<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Амир Темур салтанат юмушларига ва савдо-сотиқни ривожлантиришга катта эътибор берган. Салтанат хизматиغا олинадиган амирларга қаттиққўл бўлиб, барча ўлкаларда қатъий тартиб-интизом сақланишини талаб қилган. Амир Темур салтанат амалдорлари орасида вақти-вақти билан сўроқ-пурсиш ўтказиб турган. У ўз амалини суистеъмол қилиш, порахўрликга йўл қўйганларни қаттиқ жазолаган. Али Яздийнинг ёзишича, ўз мансабини суистеъмол қилиш Темурий шаҳзодалар орасида учраса ҳам уларга тегишли жазо берилган. Ҳаттоки, соҳибқироннинг ўғли Мироншоҳ ва невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар ҳам халқ олдида қаттиқ жазога тортилганлар.

Соҳибқироннинг қаттиққўллиги давлатининг обрўси, шарафи, манфаати борасида шаклланган бўлиб, бу уни давлат ишларида ғоят мустаҳкам, собит ва барқарор бўлишга ундаган. Темурнинг бу хислатларини Ибн Арабшоҳ “Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, қўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди”<sup>2</sup>, деб тавсифлаган.

---

<sup>1</sup> Люсьен Карен. Амир Темур салтанати. Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 185-186.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 91.



Алишер Навоий ҳам ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида Темурнинг бошқарув услуби ҳақида тўхталиб, “Темур фармонларини бажармаганлар, кайфу-сафони ўзига касб қилиб олганлар қаттиқ жазоланар эди”, деб ёзган.<sup>1</sup>

Темуршунослик бўйича халқаро тадқиқотларда етакчи ўрин эгаллаган Марсел Брионнинг моҳирона таъкидлашича: “Салтанатда испан элчиси Клавихо ва араб муаррихларини ҳайратга солган ажойиб алоқа ва айғоқчилик хизматлари йўлга қўйилганига қарамай Осиёнинг бир бурчагидан иккинчисига тинмай от қўйиб юрган ҳукумдор қўлидаги куч – қудрат, унинг барча фуқаролари ўзларини доимий назорат остида сезсалар ва бирор норозилик белгилари рўй берганда у яшиндай қайтиб келишини ҳис қилиб турсаларгина, қудратли ва самарали бўлган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Соҳибқиронга мусулмонлардан ташқари, насронийлар, зардуштийлар, буддавий ва бошқа динларга мансуб кишилар ҳам садоқат ила хизмат қилганини Ибн Арабшоҳ ажабланиш ила баён этган. “Темур аскарлари орасида, - деб ёзади Ибн Арабшоҳ - бутпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажамлар, қоҳинлару сеҳргарлар, золимлару мункирлар бор эди. Улар Тангридан ташқари ўзларига Темурни сардор ва ҳомий деб қабул қилганлар ва бу билан ўзларича кибрланиб, бағоят фахрланардилар. Уларнинг Темурга нисбатан муҳаббатлари шунчалик даражада эдики, башарти Темур пайғамбарлик ёки илоҳийликни даъво қилса, унинг даъвосини, албатта, тасдиқлардилар. Улардан ҳар бири Темурга нисбатан

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 12-том. Т.: Фан, 2006. – Б. 86.

<sup>2</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 38.



меҳрини восита қилиб, ўзларини Тангри таолога яқин тутардилар”<sup>1</sup>. Муаррихнинг “ҳасад шамоли уфуриб турган” бу маълумотларидан шуни англаш мумкинки, Темур ўзига садоқат ила хизмат қилувчиларни миллати, ирқи ва ўрта асрлар мусулмон оламида муҳим ўрин эгаллаган диний эътиқодидан қатъий назар барчасини бирдек қадрлаган. Бу жаҳонгирдаги ноёб инсонпарварлик ва бағрикенглик каби сифатларнинг мужассам эканлигини яна бир бор исботлайди. Зеро ҳар бир инсон аввало қодир Аллоҳнинг бандасидир.

Амир Темур яккаю ёлғиз тангрига ишонган ва бу орқали айрим маданиятли халқларда бўлмаган юксак эътиқодни намоён этган. На унда ва на унинг қўшинида диний зиддиятлар кузатилмаган: у мусулмонлар учун ҳам, буддапарастлар учун ҳам, браҳманлар, яҳудийлар, ва бошқа мажусийлар учун ҳам бирдек қайғурган<sup>2</sup>.

Амир Темурни дунёнинг учдан бирини эгаллашининг асосий сабаби унинг ўз навкарлари содиқлигига эришганлигидадир. Чунки навкарлар Темурга қўшилгунга қадар рўшнолик кўрмаган кўчманчи, чўпон, аскар, адиб ва ҳоказо кишилар бўлиб, сўнг баҳодир, паҳлавон ва ўз амирига содиқ жангчига айланганлар ҳамда Темурни доим доно давлат раҳбари, деб билганлар.

Амир Темурнинг эътиқоди ва унинг салтанатида динларнинг ўрни, ҳолати хусусида француз академиги Марсель Брион қуйидагиларни ёзади: “Салтанатда диний ҳуқуқ ҳукмрон бўлса-да, Амир Темур шу қадар

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 96-97.

<sup>2</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 164.



доно иш юритар эдики, ўзини исломнинг содиқ бандаси эканлигини кўрсатар ва шу билан бирга Оллоҳдан ўзга худодарга эътиқод қўйган фуқароларга қаршилиқ билдирмасди. Давлат дини табиийки Муҳаммад пайғамбарнинг дини эди. Унинг саройида мусулмон шайхлар катта обрў-эътиборга эга эдилар. У шундай зукко инсон эдики, дин билан давлатнинг елкама-елка ҳамкорлик қилиши зарурлигини жуда яхши англади ҳамда ўзига нисбатан қаттиққўл, бошқаларга бағрикенг (толерант) бўлиб, эл-юрт орасидаги хурматини дадил мустаҳкамлаб борарди”<sup>1</sup>.

Амир Темур стратегияси уни ҳар қандай ҳолатда ҳам усталик билан, оқилона чиқиб кета олишга мўлжалланган бўлиб, бу стратегия бир туғ (байроқ) остида бирлаштирилган лашкарларидан чексиз сабот ва матонат талаб қилган. Темур аскарларини ягона ватанпарварлик руҳи бирлаштира олмаса-да уларни ўз хурмати “шахсий авторитети” бирлан бирлаштириб, ушлаб турган. Тадқиқотларда таъкиланганидек “Соҳибқиронга яқинлашган ҳар қандай кимсани унинг оҳанрабоси, шахсий жасоратлари ўзига тортгани”<sup>2</sup> айни ҳақиқатдир. Амир Темур жаҳон миқёсида ўзининг бетакрор қўшини билан ўз даврининг енгилмас саркардасига айланган бўлса, унинг сиёсий бошқарувда қўллаган стратегияси нафақат ўз замонасининг балки бугунги кун олимларининг ҳам ҳайратига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида Соҳибқироннинг адолатли, теран ақл заковатли, сабр тоқатли узоқни кўра билувчи, устозлар ўғитига амал

---

<sup>1</sup> Le Memorial des Siecles. XIV siècle. Les Hommes. Tamerlan. M. Brion. – P.: Editions A. Michel, 1963. – P. 61.

<sup>2</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Т.: Фафур Ғулом нашриёти, 2018. – Б. 27.



қилувчи, дин аҳлининг чексиз ҳурмати ва садоқатига сазовор бўлган саркарда ва давлат хавфсизлиги ҳамда салтанат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйувчи шоҳ эканлигини яна бир бор исботлайди. Шу билан бирга Темур ўз армиясини ҳам зўрлик ишлатувчи куч деб эмас, балки адолат ўрнатувчи куч сифатида билган ва унга таяниб ҳокимиятни бошқарган.

Яна, Амир Темурнинг мағрурлиги ва улуғворлиги ҳақида Ибн Арабшоҳ: “Унинг табиати қоплонниқидан, кайфияти шерниқидан қолишмасди. У лаганбардорлик ва тилёғламалиқни ёмон кўрар, аччиқ бўлса-да, доимо ҳақиқатни айтишларини талаб қилар эди. У ўз тақдирига беҳад ишонарди”<sup>1</sup> деган фикрларни билдирган. Шунингдек айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича Соҳибқиронда башорат қила олиш, йирик воқеа-ҳодисалар ёки жанглардан олдин худди илоҳий хабар келгандек бўлажак ишларни нима билан тугашини олдиндан айта олиш ва душманларининг макр ҳийлаларини сезиб, топа билиш қобилиятларига ҳам эга бўлган. Бу ҳақида Ибн Арабшоҳ қуйидагича изоҳ берган: “Ундаги бу хислат муқим эмасди. Аммо Темур ундан унумли фойдаланар ҳамда бошқаларнинг тасаввурини лол қолдирадиган тафсилотлар билан ўраб, уни янада бойитар, таъсир кучини усталик билан кучайтирар эди”<sup>2</sup>.

Эътибор қилсак бу хислатларнинг барчаси юксак интелект ва ақл заковат ҳосиласи бўлиб, донишмандликнинг, ҳушёрликнинг ва ҳар ишнинг “кўз”ини кўра билишликнинг ҳамда, диний ва дунёвий тафаккурнинг ранг-баранглигидан юзага келган.

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Т.: 2017. – Б. 83.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Т.: 2017. – Б. 90.





Амир Темур ўта моҳирона юритган ташқи сиёсати ҳам қатъий талабларга асосланган. Темур қизиққон ва яшиндек зарба беришга қобилитига эга бўлса ҳам рақибни чалғитиш, йўлдан оздириш учун, кези келганда сабр бардошли бўлиб, ўзини “кўр ва қар” қилиб ҳам кўрсата олган. Жумладан, салтанати сиёсий бошқарувида стратегиянинг нақадар катта аҳамиятга эгаллигини авлодларига ўз “Тузуқлари”да аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтирган: “Давлатда ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, фидойиларини макр-ҳийла билан хароб қиладилар. Чунончи, Амир Ҳусайн вазирларимдан бирини алдаб, давлатимнинг таянчи, икки қўли бўлмиш Амир Идигу ва Амир Жоқуни менга қарши қўймоқчи бўлиб гап чиқарди. Мен унинг хиёнатини фаросатимла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Соҳибқирон замонавий тарққиётдан анча илгари “ахборот хуружи” ва “иғвогарлик” нималигини чуқур англаган ҳолда сиёсатини юргизиб, жаҳонда мисли кўрилмаган салтанатни барпо этиш ва унинг шуҳратини дунёга ёйишга эришган.

Амир Темур дўсту-душманга муомала қилиш бобида чуқур мулоҳаза юритган. “Мени ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-салом ва инъомлар бериб, мурувват кўрсатдимки, бу яхшиликларимдан улар хижолат терига фарқ бўлдилар...”<sup>2</sup> деб ёзади Амир Темур ўз тузуқларида.

Шунингдек Темур доимо сергак ва огоҳ бўлгани ҳолда ўз салтанати ва ўз яқинлари, лашкарбошилари

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 104.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 131.



орасида ҳам душман одамлари иш кўришини зинҳор утмаган. Аччиқ тажриба, сабоқлар ва аламли жудоликлар уни шунга ўргатган. Чунки ҳаёти давомида пушаймон бўлган ҳолатини тузуқларида қуйидагича хотирлаган: “Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ, эътиборли амирларимдан саналган Амир Аббосга ҳасад қилиб, душманлик кўргизиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини алангалатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида Амир Аббосни ўлимга маҳкум этдим. Охир-оқибатда уларнинг Амир Аббос ҳаққига хиёнат этганларини англадим ва қилган ишимдан ўқиниб, пушаймон бўлдим”.<sup>1</sup>

Аччиқ тажрибадан ўтган ўша хатодан кейин Темур бир қарорга келиб, ҳукмдор ҳар қандай зўр, доно ва мутафаккир бўлмасин, хатога йўл қўйиши мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилган. Шундан сўнг Темур, унинг ўзини назорат қиладиган одамлари бўлиши кераклиги ҳақида хулоса чиқариб, бу одамларни ҳалол, покиза, адолатли ва ўлимдан кўрқмайдиганлар тоифасидан танлаб олган. Фуқаро ва раият ишлари буйича уни Носириддин Маҳмуд ал-Аромий, ҳарб ишларида эса Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний<sup>2</sup> каби шахслар назорат қилиб, унинг нотўғри фармон ва қарорини бамаслаҳат бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики тарихда ҳеч қайси подшоҳ ёки султонлардан ҳеч ким ўзини тергаш, назорат этиш, амрини бекор қилишга

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 104-105.

<sup>2</sup> С.Каримов. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати. Т.: “Фан”, 2008. – Б. 47.



ваколат бермаган. Бу маълумотлар Амир Темурни теран фикрлай оладиган, узоқни кўзлайдиган, адолатли ва сабр қаноатли саркарда эканлигини яна бир бор исботлайди.

Тасаввуф таълимотига мувофиқ, ҳақ йўлига кирган шоҳ ҳам, оддий фуқаро ҳам ёмонликдан йироқ бўлиши лозим. Тариқатнинг беғуноҳ кишининг қонини тўкма деган қондасини эса Темур, аввало, худо олдида ҳисоб беришдан иборат, деб тушунган. Шунинг учун ҳар бир ҳукми тўла ўрганиб, текшириб, гувоҳлар ва қозилар розилиги билан амалга оширган.

Амир Темурнинг солиқ сиёсати ҳам инсонпарварлик тамойилга асосланган бўлиб, Қуръони Карим таълимотига тўла мувофиқ бўлган. Халқдан мол-хирож (солиқ) йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан сақланилган. Чунки Амир Темур назарида раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлиши, сипоҳнинг тарқоқлиги эса, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боришини тушунган. “Темур Тузуклари”да таъкидланганидек: “Фатҳ этилган ерлик фуқаролари азалдан бериб келинган хирож миқдоридан рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосил ва ер унумдорлигига қараб йиғсинлар”<sup>1</sup>, деб фармон берган.

Умрининг катта қисмини Амир Темур тарихини ёритишга бағишлаган француз олими Жан-Поль Ру Соҳибқирон оддий халқнинг аҳволидан доимо

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 143.



хабардорлигини кўриб, “Мен Амир Темурда гўзал инсоний фазилатлар мужассам бўлганига ишонаман, агар у адолатсиз, лоқайд ва хасис бўлганда, бу каби ишларни бажармаган бўларди”<sup>1</sup>, деб фуқароларнинг манфаатлари йўлида нарх-наво ва олинадиган солиқлар, амалдорларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қаттиқ назорат қилганлигини таъкидлаган.

Шу билан биргаликда Амир Темур саййидлар, хўжаларга мансуб бўлган ушр ерларни ободонлантириш ва уларга ўз вақтида тақсимот қилиб бериш ишларини кечиктирмаган. Олинган ҳосилнинг ўндан биригина давлатга берилган холос.

Темур тасаввуфни ҳар қандай ҳақсизлик, ёвузлик, тамагирлик, ҳасадгуйлик, жанжалкашлик, туҳматчилик, ота-онага итоатсизлик каби ноинсоний сифатларга қарши курашувчи куч деб билган. Шу нуқтаи назардан ҳам билиб-билмай қилинган ҳар бир гуноҳ Куръон ва шариат асосида кўриб чиқилган. Темур назарида сўфий фақат зоҳиран эмас, балки ботинан ҳам пок бўлгандагина ҳақиқий мусулмон саналган. Рюи Гонзалес де Клавихо, “Самарқандда қонунга қаттиқ риоя қилинар эди, шунинг учун ҳам ҳеч ким сенъорнинг (Амир Темурнинг) буйруғисиз бировга тазйиқ ўтказолмайди ва қандай бўлмасин куч ишлата олмайди”<sup>2</sup> - деб қайд этган ўз кундалигида.

Қонун устуворлиги Амир Темур даврида шундай бўлганки, жинойтга тортилувчининг айби фақат тўрт гувоҳ олдида исбот қилингандан кейингина унинг устидан ҳукм чиқарилган. “Авесто”ни, Бурҳониддин

---

<sup>1</sup> Жан-Поль Ру. Тамерлан. Пер. Е.А.Соколова - М.: Молодая гвардия, 2004. С – 42.

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). О.Тоғаев таржимаси. Т.: Санъат, 1990. – Б. 139.



Марғилонийнинг “Ҳидоя” сини, Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Тафтазонийларнинг ҳуқуқий таълимотларини чуқур ўрганган Темур назарида қонун устуворлигига амал қилиш, раиятни золимлардан асрашдан иборат бўлган.

“Зафарнома”да келтирилишича, Соҳибқирон қонун устуворлигига қаттиқ амал қиларди. Адолатнинг кучи шунчалар юксак эдики, Соҳибқирон мамлакатда гўзал бир париваш бошида бир товоқ тилла билан йўлда ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмай Қобулдан Дамашққача етиб боришини истарди<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлардан шуни англаш мумкинки, халққа эътибор бериш ва ҳимоя қилиш – Соҳибқирон адолатининг бош ўзагини ташкил қилган.

Амир Темур ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирган. “Яхши подшоҳ, - дер эди у, - подшоҳлик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун биз қудратли Аллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг асосий машғулотим бўлиб қолади, негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини мен истамайман”<sup>2</sup>, деган.

Амир Темурнинг фикрича, подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Агар у барча қилмишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати ортади ва аксинча бўлса албатта ҳалокатга юз тутуди “Ана

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 26.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 47.



---

шуларга кўра, мен бир кўлимда адолат шамини ва иккинчи кўлимда беғаразлик шамини тутиб, ҳам икки шам билан бутун умр ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан, улуғ Соҳибқироннинг қудрати унинг адолат ва инсофида эди. Зеро унинг устози Зайниддин Абу Бакр Тойибодий ҳам Амир Темурга адолат сабоғини уқтирган эди. Амир Темур турли мамлакатларнинг аҳолисини йўл-йўриққа солиш ва маош тайинлашда, авлиёлар ва дин пешволарининг мазорларини тузатиш, вақф ва назр ишларини тартибга солишда ҳам тузуклари яъни, қонунлари асосида иш юритган. Бу қонунга биноан фатҳ этилган давлат сипоҳийлари ўз ихтиёрлари билан унинг паноҳига келсалар Темур уларни навкар қилиб олган. Шу давлатларнинг раияти ёмон ҳодисалардан, қатл этилишдан, асиру банд этилишдан муҳофаза қилинган. Темур, айниқса, деҳқонлар ҳаёти билан яқиндан шуғулланиб, уларга шарт-шароитлар яратиб беришни амирлардан талаб қилган. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, ногиронларга нафақа белгилаган.

Амир Темур забт этган мамлакатларида илм аҳли, шайхлар ва саййидларни ҳурматлаб, уларни “худонинг энг яқин кишилари”, деб эътироф этган.

Арабшоҳнинг таъкидлашича Темурнинг илм аҳли ва уларнинг асарларига ўзгача муносабатда бўлиши, ҳамда уларни аҳолининг бошқа ижтимоий қатламларидан афзал кўриши диққатга сазовордир. “Амир Темур олимларни яхши кўрар саййиду

---

<sup>1</sup> Марсель Брион. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. Т.: 2016. – Б. 73.



шарифларни ҳурмат қиларди, уламолар ва фозилларга юксак иззат кўрсатиб, уларни бошқалардан юқори қўярди, уларнинг ҳар бирининг ҳурмати жойига қўйиб, мурувватини аямасди. У уста хунармандлар ва касб эгаларидан ўз меҳрини дариф тутмасди”<sup>1</sup>.

Шарафиддин али Яздийнинг “Зафарнома”сида ёзилишида, Туркия мавҳ этилгандан сўнг “Амир Темур салтанат юмушларидан халос бўлгач, ҳар оқшом уламо ва фозилларни ўз қошига таклиф этиб, фан ва диннинг энг нафис муаммоларидан баҳс юритарган”<sup>2</sup>.

Ибн Арабшоҳнинг қайдларига кўра, Темур сафарлардан қайтгач, салтанат пойтахтида қуйидаги юмушлар билан фаол шуғулланган: Жумладан: “У саййидларни эъзозлаб, кароматлар соҳиблари бўлган авлиёларни иззату-икром қилди, илму фанни ва унинг аҳллари ҳурмати ошириб, уларга мурувватини сочиб, мартабаларини улуғлади ниҳоят унинг саъй-ҳаракатлари туфайли салтанат юмушлари тартиб-интизомли бўлиб, ҳукумат рисоладагидек фаолият кўрсатарди”<sup>3</sup>, деб ёзади муаррих.

Амир Темурнинг сиёсий фаолиятида ва қарашларида ёмонлик эмас яхшилик, уруш эмас тинчлик, босқинчилик, талон-тарожлик эмас, тежамкорлик каби томонлари устун турган. Шунинг учун ҳам Темурни қачонлардир ўта золимликда айблаган тархчиларнинг фикрларини, бугунги куннинг манбаларига таянган, ҳаққоний тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатиб бермоқда.

Пирнинг сўзларидан Темур жуда тўғри хулосалар

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Т.: 2017. – Б. 69.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 314.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I –жилд. Т.: 2017. – Б. 304.



ҳосил қилиб, ўз сиёсатини амалга оширишда фойдаланган. У қайси бир мамлакатга юриш қилмасин қон тўкишни истамасдан энг аввало элчилар юбориб, уларни тинчлик йўли билан таслим бўлишларини талаб қилган. У беҳудага қирғин бўлишга йўл қўймаган.

Темур тасаввуф таълимотини чуқур тушунганлигининг яна бир мисоли у ўз салтанатида инсон озодлиги ва эркинлигини таъминлашга интилганидир. Соҳибқирон бу масалада инсон эркин бўлиши учун аввало меҳнат қилиб, ўз хонадони ва салтанат учун фойда келтириш зарурлигига эътибор қаратган. Амир Темур салтанатида ҳар қандай ўғирлик, хавф-хатар, бир-бирига нисбатан душманлик каби иллатларни буткул йўқотишга интилган. Ипак йўлидаги карвонлар хавфсизлиги таъминланган. Бу йўлнинг йўлтўсарлари бўлган қорақуюнли туркманлар бутунлай тугатилган. Қонунга амал қилиш шунчалик кучли бўлганки, агар доруға шаҳарни раияти билан бирга қабул қилиб олган бўлса ҳар бир иш учун жавоб берган. Чунки, Темур ундан фақат мансабдор эмас, балки ўз жавобгарлигини тўла ҳис этган, кечаю-кундуз ўз халқи ғамини ейдиган киши бўлишини талаб қилган. Агар борди-ю бирор ўғирлик содир бўлиб, ўғри топилмаса, унда доруғанинг ўзи жазоланган.

Тасаввуф қоидаларини яхши билган Темур ҳар бир мусулмоннинг ҳокимиятга бўйсунishi шарт деб ҳисоблаган. Чунки, Темур назарида Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятнинг барчаси Худонинг хоҳиши билан тайин этилади. Бинобарин, салтанатга қарши чиқиш Худонинг амрига қарши чиқишдир. Салтанатга қаршилиқ қилувчилар





ўзларини Худонинг ҳукмига мубтало қиладилар. Подшоҳ эса, Темур назарида, худонинг халқ манфаатини ифодаловчидир. Демак, подшоҳга бўйсунуш фақат кўрқиш эмас, балки виждон амри билан Аллоҳга итоат қилишдир. Амир Темур назарида ҳар бир фуқаро подшоҳга Аллоҳ томонидан топширилган муқаддас омонатдир. Айни пайтда Темур халқ ғами ва ташвишини тушуниш ҳамда кўмаклашиш учун подшо етарли даражада билим соҳиби бўлиши кераклигини чуқур англаган ва шу даражага ўсиб етишиш машаққатларидан чўчимаган.

Амир Темур ўз салтанатининг сиёсий бошқарувини саййидлар, сўфийлар, тасаввуф аҳли, валийлар, авлиёларни дўст тутиб, диний ва дунёвий олам уламоларнинг фикрлари, йўл йўриқлари, фатволари билан ҳисоблашиб, машварат асосида қаттиққўллик аммо, адолат билан ташкил этишга муваффақ бўлган. Шоҳликни худонинг инъоми деб билган Амир Темур ўз “Тузуклари”да ислом руҳониятларини ва мутасаввуфларни танланган бир авлод, муқаддас халқ, Аллоҳнинг азиз қавми деб тушунтирган. Уларни софдил, эътиборли, пок ниятли, шижоатли, жасур қалбли, муборак нафасли кишилар деб таърифлаган. Бу билан Темур бир томондан шарият ва тариқат, ислом ва сўфийлик қонун-қоидалари бир - бирига зид эмаслигини амалда исботлаб, улар бир-бирларини тўлдирувчи қадриятдай эканлигини кўрсатган.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги жумларга эътибор қиламиз: “Амир Темур 1399 - йилда Ҳиндистон юришидан қайтиб келиб шаъбон ойининг еттинчисида Қусам (бин) Аббос ўғли, разиоллоҳу анҳу



- мазорига зиёрат учун бориб қутланди. Ундан Ҳазрати Шоҳ шарофатли мозори дарвозасининг қаршисида бўлган Туман оқо хонақоҳига бориб пешин намозларини онда ўтаб, Боғи чинорон сари жўнади”<sup>1</sup>. Бундан англашиладики, Амир Темур бир замонда исломни Мовароуннаҳрга олиб келган Қусам ибн Аббос мазоротини зиёрат қилган бўлса, иккинчидан, пешин намозини масжидда эмас хонақоҳда ўқиган. Бу эса XIV-XV асрларга келиб сўфийларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўринлари мустаҳкамланганидан далолат беради. Бу пайтда хонақоҳлар фақатгина дарвешлар учун бошпана бўлиб қолмай, балки сиёсий-маданий масканга ҳам айланган. “Дарҳақиқат, бу даврга келиб Соҳибқирон ташаббуси билан хонақоҳлар бевосита шоҳ саройига яқин жойларда қурилган. Узоқдан ташриф буюрган йирик сўфийлар ушбу хонақоҳларда қўнганлар ва бу жой, шоҳ ва йирик сўфийларнинг учрашув, маслаҳатлашув жойи ҳам ҳисобланган”<sup>2</sup>.

Сўфийлар қароргоҳи бўлган хонақоҳларнинг саройга яқинроқ қурилишига Темурнинг ўзи ташаббус кўрсатган. Кейинчалик, темурий шаҳзодалар ҳам сўфийларнинг ушбу қароргоҳларини иложи борица сарой ва мадрасаларга яқин жойларга қуришга ҳаракат қилганганлар.

Амир Темур ўзига болалигидан кўрсатилган уламолар таянчига содиқ қолиб шайхлар ёнида қанча узоқ қолган бўлса, шунча пайт уламолар маслаҳатларига қулоқ солиб, кўрсатмаларига амал қилиб келган. Салтанат ва қўшинда ўз дуолари билан аскарларни зафарга чорлайдиган имомлар ва

---

<sup>1</sup> Абу Тохирхожа Самақандий. Самария. ([www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)) – Б. 31.

<sup>2</sup> Ислом энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 544.



дарвешлар бўлишини қўллаб-қувватлаб, зарур бўлганида бошламоқчи бўлган амаллари шубҳа уйғотганида ўзига ҳамроҳ бўлган диндорлардан маслаҳатлар олиб турган. Соҳибқироннинг Индра ва Ганг водийсининг забт этилган шаҳарларидаги ибодатхоналарни масжидларга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам унинг чуқур эътиқодидан дарак беради.

Манбаларга кўра Амир Темур мансаб-мартабасидан фойдаланиб одамларга ёмонлик қиладиган кишиларни ҳокимият ишига яқинлаштирмаган. Шунингдек, у кечирувчан, меҳр-шафқатли, ақлли душманларнинг куч ва салоҳиятини давлат ишига йўналтира олган буюк донишманд бўлган. Амир Темур вафодор, ўз сўзининг устидан чиқувчи кишиларга ҳурмат билан қараб, атрофида шундай фазилатга эга кишиларни тўплаган эди. У ҳамиша ваъдасига вафо қилгани, бу иймон белгиси эканлигини таъкидлаган.



---

### **§3.2. “Темур тузуклари” да ижтимоий барқарорлик ва диний бағрикенглик тамойилларининг ифодаланиши**

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбалар турли тилларда кўп ва хилма-хил бўлиб, бу унинг жаҳон тарихидаги роли беқиёс эканлигидан далолат беради. Европа олимлари Амир Темур давлати Осиёдаги энг сўнгги буюк салтанат эди, дея эътироф этадилар. Соҳибқироннинг бундай катта давлатни, марказлашган йирик салтанат сифатида тузиши, тартибга келтириши ва узоқ йиллар ҳукмронлик қилишида “Темур тузуклари” асосий манба сифатида хизмат қилган. Амир Темур фаолиятининг асосий тамойиллари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган бўлиб, унда жаҳонгирнинг салтанат бошқарувида юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларидан тортиб, ички ва ташқи сиёсатнинг моҳияти, халқлараро ва миллатлараро мунсабатлар, маънавий мерос масалалари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Темур салтанати ўнлаб давлатлар, турли динларга эътиқод қилган кўплаб халқларни ўз таркибида бирлаштирган бўлиб, бундай давлат қонунчилик тизимисиз яшай олмас эди. Шунинг учун Амир Темур қадимий туркий удумларга кўра, марказлашган давлатни тузиш жараёни, уни бошқариш тамойиллари, қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган қўлланма – “Тузуклар”ни яратган. Бу ўша давр давлатлари учун муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эди. Темур тузуклари Амир Темур раҳбарлиги остида, унинг девонида,



туркий тилда яратилган ҳақиқий, тарихий, сиёсий ҳужжатдир. Ундаги тамойилларни ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқларига қиёслаб таҳлил этсак, конституциявий ҳужжат эканлиги яққол кўзга ташланади. Давлатда ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан олиб қаралса, у мусулмон ҳуқуқидан кейинги асосий манба ҳисобланган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ушбу асар Европа ва Осиё давлатларида ҳам турли тилларга таржималар қилинган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида “Темур тузуклари” рус тилига ҳам бир неча бор таржима қилинган. Ўша даврдаги рус шарқшуносларидан бўлган Д.И.Логофет “Тузуклар”ни ўрганиб ва унга юксак баҳо бериб “Туркистонда ҳуқуқий давлат ва Конституцион кодекс Европадан 500-400 йиллар олдин вужудга келган”, деб ёзган.<sup>2</sup>

Соҳибқироннинг фикрича, давлат биринчи галда, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, қонун-қоидалар ва адолат билан қатъий тартибда бошқарилиши керак бўлган.

Тарихга назар ташласак “Тузук” ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам, кейин ҳам кўплаб ҳукмдорлар фаолиятида учрайди. Бу одат Хитой императорлари ва турк-мўғул хонлари фаолиятларида кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, турк хоқонларидан қолган «Қонуннома», Чингизхондан қолган “Ясо”, Хондамир (1474-1535) ёзган “Қонуни Хумоюн”, шайбонийлардан

---

<sup>1</sup> З.Муқимов Амир Темур тузуклари. Тарихий ҳуқуқий тадқиқот. Самарқанд, СамДУ. 2008. 60- бет

<sup>2</sup> Логофет Д.И. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – С.Петербург, 1909. С.340.



Убайдуллахоннинг топшириғи билан ёзилган “Сулук ал-мулук” (Подшоҳларга йўл-йўриқ) шулар жумласидандир. Бундай асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгаларининг вазифалари, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва қўзғолонни бостириш қоидалари бирма-бир баён этилган бўлиб, ушбу қимматли манбалар асрлар оша давлатчиликнинг сиёсий бошқарувларида қўлланилган ҳамда, асрлар оша турли тилларга таржима қилинган.

Азалдан маълумки, қайси бир асар қимматли, амалда зарур бўлса, ундан кўпроқ нусха кўчирилган. “Темур тузуқлари” ҳам шундай асарлар сирасига кирган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у кўпроқ давлат бошлиқларини қизиқтирган. Шунинг учун ҳам ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу асардан нусхалар кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида сақлаганлар ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида ундан муҳим йўл-йўриқ кўрсатувчи манба сифатида фойдаланганлар.

Масалан, темурий шаҳзодалардан аниқроғи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидан бўлган Шоҳ Жаҳон (Ҳиндистон 1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхонлар (1885-1910) таниқли котибларига буюртириб, “Темур тузуқлари”дан ўзлари учун нусха кўчиртирганлар. Ҳар бир нусха зўр масъулият ва қунт билан кўчирилиши таъминланган ва назоратга олинган. Бу ҳақда ҳиндистонлик муаррих Абдулҳамид Лоҳурийнинг (1654 йилда вафот этган) «Подшонома» асарида шундай дейилади: “Ҳижрий 1047 (милодий 1637-38) йили Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий деган шахс Шоҳ Жаҳонга “Тузуки



Темурий”нинг форсча таржимасини тақдим этган эди. Подшо таржима билан танишиб чиқиб, уни Декан фавждори (қози калони), истеъдодли ёзувчи Муҳаммад Афзал Бухорийнинг (1651 ёки 1652 йилда вафот этган) қўлига тутқазиб, Шарафуддин Али Яздийнинг машхур “Зафарнома” асарига солиштириб, камчиликлари бўлса, тузатиб, ҳаттот ва муаррихлари ўзидан қўшган ортиқча жойлари бўлса ўчириб ташлашни буюрган<sup>1</sup>.

Шу билан бирга “Тузуқлар”нинг яратилиши масаласида айрим тарихчилар ҳақиқатан ҳам унинг муаллифи Темур десалар, иккинчи тоифадагилар уни Темурнинг котиби тузган деб ёзганлар, учинчи тоифа тарихчилари эса умуман туркий тилда бундай манба бўлмаган, у йилномачилар томонидан форс-тожик тилида тузилган, деган фикрни илгари суришган. Баъзи рус олимлари “Темур тузуқлари”га паст назар билан қараб, унинг муаллифи Амир Темур эканлигига ҳатто шубҳа билдириб,<sup>2</sup> “Темур тузуқлари” XVII асрда Ҳиндистонда битилган асар деган фикрларни илгари сурганлар<sup>3</sup>.

Ушбу фикрларга қарама-қарши ўлароқ араб олимларидан Мазҳар Шихоб ўз асарларида “Темур тузуқлари” тўғрисида илиқ фикрлар ёзиб қолдирган. Жумладан унда Абу Толиб ал Ҳусайний ат Турбатий (вафоти 1625 й.) ҳаж зиёратига борганида, асарнинг асл туркий нусхасини Усмонли турклар ҳукмдори Жаъфар подшонинг кутубхонасидан қўлга кириштириб,

---

<sup>1</sup> Зиёев А. “XVI-XVII асрлар форсийзабон тарихнавислиги хусусида (Ҳиндистон Мисолида)”. Т.: Шарқшунослик 6-сон 1995. – Б. 48-49

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Соч. Т. II.ч.2. – Москва, 1964. – С. 201

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т.И. ч.2. – Москва, 1964. – С.38.



уни турк тилидан форс тилига таржима қилганлиги ва Шоҳ Жаҳоннинг отаси Нуриддин Жаҳонгирга берганлиги ҳамда 1637 йилда Шоҳ Жаҳон, подшоҳ саройида хизматда бўлган мансабдор шахслардан, Амир Темурга саккизинчи даражада набира ҳисобланган Муҳаммад Ҳифз ал Бухорийга асарни топшириб, уни асл манбаларга, жумладан, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си билан солиштириб тўлдиришини сўраганлиги тўғрисидаги маълумотлар қимматлидир<sup>1</sup>.

1779 йилда инглиз офицери майор Вильям Дэви Темур тузукларини Ҳиндистондан топиб, уни Англияга олиб келган ва инглиз тилига таржима қилган<sup>2</sup>. Ушбу асар форсий тўлиқ матни билан 1783 йилда Оксфорд университетида араб тили профессори Джон Уайт раҳбарлигида нашр этилган бўлса, кейинчалик француз шарқшуноси Л.Лэнгле томонидан француз тилига таржима қилинган. Асар 1785 ва 1791 йилларда ҳинд, 1868 йилда форс, 1845 йилда урду, 1894, 1934, 1999 йилларда рус тилларига қайта-қайта таржима қилинган.

Мазкур манба, жаҳон илмий жамоатчилигини ва шу билан бирга Мовароуннаҳрдан чиққан давлат бошлиқларининг ҳам диққатини доимо ўзига тортиб келган. Кўпгина ҳукмдорлар ўзларининг давлатни бошқариш ва ҳарбий ҳаракатларида ушбу қўлланмадан “нажот” излаганлар. Шунинг учун ҳам асарни ўзларининг кутубхоналарида доимий бўлиши учун уни XIX асрда бир неча маротаба форс тилидан,

---

<sup>1</sup> Уватов У. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. Т.: Шарқ, 1997. – Б.138.

<sup>2</sup> Уватов У. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. Т.: Шарқ, 1997. – Б.139.





қайтадан ўзбек тилига таржима қилдирганлар<sup>1</sup>. Шулардан дастлабкиси, Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822-1842) топшириғи билан 1836-1837 йилларда амалга оширилган. Ушбу таржима илк бор 1890 йилда Тошкентда тошбосмада босилиб чиққан. Иккинчи таржима XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивада Қўнғиротлар сулоласидан бўлган Абдуллахон (1855-1864) даврида, 1856-1857 йилларда Муҳаммад Юсуф ар-Рожий томонидан, учинчи таржима форс тилидаги қўлёзма “Малфузоти Амир Темур”дан Паҳлавон Ниёз Девон томонидан 1858 йилда ўзбек тилига ўгирилган.

Мустақиллик йилларида Темур тузуклари ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида қайта-қайта нашр этилган. Бундан кўринадики “Темур тузуклари” Марказий Осиё заминида яратилган кўпгина ажойиб асарлар қатори нафақат Мовароуннаҳр замини балки ўзга юртларда, хусусан, Европа мамлакатларида шухрат қозонган.

“Тузуклар” бизгача 600 йилдан ошиқ “тарихий доvon” ортидан ўзбек, турк ва форс тилларидан қилинган турли таржималар тарзида, кўплаб нусхаларда етиб келган. Таржимонлар, китоб кўчирувчи хаттотлар, ноширлар унга қайта-қайта мурожаат қилиб, асарнинг шу кунларгача етиб келишига катта ҳисса қўшганлар. Аммо уларнинг баъзан билиб-билмай, бирор сўзни матнга қўшиб қўйишлари ёхуд ундан олиб ташлашлари манбани ўрганишда қийинчилик ва муаммоларни ҳам туғдирган. Тарихий манбалардаги бундай ноаниқликларнинг учраб туриши ҳақида машҳур

---

<sup>1</sup> Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасайи олий-университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Мерос, 2001. – 163 б.



тарихчи олим Абулғози Баҳодурхон (1603-1664) “Ҳар нусхага ўтказган сайин бир неча сўзни ғалат қила-қила, тамом тарихларнинг учдан бирини, балки ярмини ғалат қилиб турарлар”<sup>1</sup>, деб ёзган.

Юқоридагиларга таяниб, баъзи олимларнинг Тузуклар XVII ёки XVIII асрларда ёзилган, деган фикрларига жавобни тарихий манбанинг ўзидан ҳам топсак бўлади. Жумладан, Темурнинг “Ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тузуги” ҳақидаги иккинчи мақоласидаги ҳукмларда: – “Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳдим бўлсин”, – деб ёзилган. Маълумки ҳукмдорнинг бу ўғли жуда эрта, 1376 йилда вафот этган. Шундан сўнг унинг ўғли Муҳаммад Султон ворис этиб тайинланиб, у ҳам 1403 йилда жангда ҳалок бўлгач, укаси Пирмуҳаммад валиаҳд қилиб тайинланган. Демак “Тузуклар”да тасвирланаётган воқеалар Амир Темур вафот этган йили 1405 йилнинг 18 феввали билан тугаши, валиаҳд тайинлаш масаласидаги ҳукмларнинг ўзгаришсиз қолиши “Тузуклар”нинг ҳақиқий ва унинг муаллифи ҳаётлигида тузилганлигини кўрсатади. Бундан ташқари ҳозирги замонавий таржимасида биринчи мақола “Етти йиллик урушдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим”<sup>2</sup> деб тугатилиб, бу сана мелодий 1404 йилга тўғри келади.

Аслида эса, Темур саройида бўлган испан элчисининг гувоҳлиги ҳамда тарихчи Али Яздийнинг берган маълумотларига кўра, “Амир Темур эсдаликлари солномалар тартибида, содда услубда ёзилган бўлиб, ўша даврнинг аксар муаллифларига

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажараи Турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. 30-б.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 86.



кенг кўламда хос бўлган лафзий безаклардан холидир”,<sup>1</sup> деб ёзилгани ҳам “Темур тузуклари”нинг Соҳибқирон девонида ёзилганлигини яна бир бор исботлайди.

Тузукларнинг Амир Темур девонида туркий тилда ёзилганлиги ҳақида хулоса қилишга машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг қуйидаги фикрлари ҳам асос бўла олади: “...шу тартибда ул ҳазрат ҳаётининг улуғ воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий манзума ва форсий асар, алоҳида-алоҳида назм ва (наsr) тарзида тузулган эди”<sup>2</sup>, – деб гувоҳлик бериши шунингдек, “Қиссаи Темур” асарида “Амр этдимки, ул мактуб суратини воқеаларим дафтарида саbt этгайлар”<sup>3</sup>, – деб қайд этилиши “Тузуклар” XVII асрда Ҳиндистонда яратилмаганлигини изоҳлай олади.

Европа темуршунослик мактабининг забардаст вакилларидан бўлмиш француз тарихчиси Жан Поль Ру Темур тўғрисидаги асарларида: “Темурнинг ўзи икки асар яратган: хотиралар (“Мазлуфот”) ва қонунлар мажмуаси – “Тузуклар”дир деб таъкидлаган<sup>4</sup>.

“Темур тузуклари”нинг бизгача етиб келган таржимасида эса “Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатда бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим”,<sup>5</sup> деб таъкидланган.

Темур тузукларининг яратилиши тарихий тасодиф эмас. Темур тузуклари Амир Темурнинг девонхонасида унинг иштирокида яратилган ҳақиқий,

---

<sup>1</sup> У. Уватов. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. Т.: Шарқ, 1997. – Б. 133.

<sup>2</sup> Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Камалак, 1994, 91-б.

<sup>3</sup> Қиссаи Темур. Тошкент: Камалак, 2000, 255-б.

<sup>4</sup> Жан-Поль Ру. Тамерлан. Пер с. фр. Е.А.Соколова - М.: 2004. С-344

<sup>5</sup> Темур тузуклари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 68.



---

тарихий манбадир. “Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шевасида ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган “Тузукот” фикримизни исбот этадир”<sup>1</sup>, деб ёзган Херман Вамбери.

“Темур тузуклари” - содда қилиб айтганда, подшоларнинг туриш-турмуши ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисола ҳисобланган. Асар икки қисмдан иборат. “Темур тузуклари”нинг биринчи қисмида жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёшидан (1342 йилдан) то вафотига (1405 йил, 18 февралгача) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий - сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, феодал тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни ўз тасарруфига киритиши, Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

“Темур тузуклари”нинг иккинчи қисми жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд - насиҳатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш

---

<sup>1</sup> Ҳ.Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: 1990. – Б 56.



тартиби ва бошқалар хусусида сўз юритилган. Амир Темур вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва набиралари, муаррих ва шоирларга буюртмалар бериб, “Темурнома”лар ёздиришган. Бу китоблар асосан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида зикр этилган воқеаларга янгича жило беришдан иборат бўлаган. Ушбу тарихий ва афсонавий асарларда Амир Темур ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган бўлиб, бу жиҳатдан Ҳофизи Абрў, Хондамир ва Абдуразоқ Самарқандийнинг асарлари етакчилик қилади.

“Тузуки Темурий” (“Темур тузуклари”), “Малфузоти Темурий” (“Темурнинг айтганлари”) ва “Воқиоти Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) номлари билан аталган ушбу асарлар эътиборга молик тарихий манбалар сирасига кирган. “Эътиборга молик” дейишимизнинг боиси шундаки, асарнинг нусхалари кўплаб минтақаларда тарқалган. Бугунги кунда “Темур тузуклари”нинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Россия федерацияси, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман кутубхоналарида учратиш мумкин.

Амир Темур маънавиятининг яна бир қирраси шунда кўринадики, у “Темур тузуклари” номли машҳур асарни даставвал ўз ўғил неваралари, яъни Темурийларга атаб яратган. “Тузукларни” яратишда у ўзигача ўтган султонларнинг қонунларини ўқиб-ўрганиб, донолардан сўраб-суруштиришган. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, айтган гапларини хотирасида сақлаб, хуш ахлоқлари, маъқул



сифатларидан намуна олиб, унга амал қилиб, ёзган ва “Тузук”ка солган. Давлатларнинг таназзулга учраш сабабларини суриштиб, давлату-салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақланиш тадбирларини кўрсатган. Фарзандларига ҳамма вақт уламолар билан суҳбатда бўлиш, саййидларни, кўпроқ илм ва дин аҳлини эъзозлаш, пок ниятли, тоза қалбли кишиларга суяниш ва ишонишни уқтирган.

Амир Темурда ўз турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва қонун даражасига кўтарилган қоидалар мажмуи бор эдики, уларни ўзидан кейинги ворисларига ҳам қонунлар тизими ва маслаҳатлар тарзида қўлланма қилиб қолдирган. Шунингдек Темур тузукларининг “давлатни бошқариш қўлланмаси” тарзида яратилишида соҳибқироннинг пирлари бўлган Зайнуддин Тойободий, Шайх Шамсиддин Кулол, Мир Сайид Баракаларнинг панд-насиҳатлари битилган мактублари ҳам сезиларли ўрин эгаллаган.

“Тузуклар”да ёзилишича, давлат тизими, уни бошқариш, амалдорларга муносабат ва ҳатто жамиятнинг ижтимоий табақаланиши масалаларида ҳам Темур пири Абубакр Тойободий маслаҳатлари асосида иш тутган. “Шу пайт пиримдин хат келди, деб ёзади Темур - Улар “Буюк зафар соҳиби Темурга! Аллоҳ уни ҳамиша қўлласин, маълум бўлсинким, (унинг) салтанати корхонаси Тангри таоло корхонасининг (кичик) бир нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар (амал ва феъли), ноиблар, эшик оғалари (хужжоб) бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири унинг мартабасидан четга чиқмайди ва доимо Аллоҳнинг амирига мунтазир бўлиб турадилар.



Шундай бўлгач, сен ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёткор бўлгин, токи вазирлар лашкарбошилар, амалдорлар, иш бошқарувчилар, сипоҳсолордан ҳеч бири ўз мартабаси чегарасидан чиқмасин ва доимо сенинг ҳукмингга мунтазир бўлиб туришсин. Ҳар тоифа, ҳар қавмни ўз мартабаларида тутки, салтанатинг низомига келиб, давлат интизомга киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. (Ҳазрати) Муҳаммад авлодидан бўлганларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйгил. Уларга қанча кўп муҳаббат билдирсанг ҳам, уни исроф деб уйлама, чунки, қайси иш худо йўлида бўлса унда исроф йўқдир”<sup>1</sup>.

Пирининг насиҳатларига амал қилган Темурнинг асосий қоидаси сўфийлик тариқатидаги вазминлик бўлган. Буни биз “Темур Тузуклари”да баён этилган куйидаги фикрдан ҳам билиб олсак бўлади. Жумладан: “Менга буйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим, уларга нафақа белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшиларди. Мен бу мамлакатларда халқ, ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 91.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 74.



Хусусан асарнинг иккинчи қисмида Темурнинг ўзи таъкидлашича, пири Зайнуддин Абубакр Тоёбодийдан келган хатдан сўнг давлат ишларини қонун-қоида ва интизомга солган. “Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб уларга таянган ҳолда иш юргиздим, Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки оёи деб ҳисобладим”<sup>1</sup> - деб ёзади Соҳибқирон.

Бундан кўриниб турибдики, пири Абубакр Тоёбодий учун ҳам, Темурнинг ўзи учун ҳам қонун аввало жамият ва фуқаролар манфаати ҳамда интилишларини ифодалаш керак бўлган. Темур ўз пиридан олган мактуби асосида салтанатини ўн икки тоифага бўлиши қуйидагилардан иборат бўлган.

Биринчи тоифа - саййидлар, уламо, шайхлар, фозиллар;

Иккинчи тоифа - ақлли, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишилар;

Учинчи тоифа - дуоғўй кишилар;

Тўртинчи тоифа - амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолор;

Бешинчи тоифа - сипоҳ ва раият;

Олтинчи тоифа - ақлли, тажрибали, энг ишончли кишилар;

Еттинчи тоифа - вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари;

Саккизинчи тоифа - ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар;

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 94.





Тўққизинчи тоифа - муҳаддислар, тарихчилар, қиссахонлар;

Ўнинчи тоифа - машойих, сўфийлар, орифлар;

Ўн биринчи тоифа - касб-хунар эгалари;

Ўн иккинчи тоифа - саёҳатчилар ва мусофирлар бўлган.

Амир Темур нуқтаи назарида салтанатни бошқаришда ўн икки тамойилга асосланиш керак бўлган. Бу борада Амир Темур “Қиссаи Темур” китобида “Мен ўникки ишни қилиб, салтанат мартабасига етушубдурман ва ул ўн икки иш била мулкгирлик ва мулкдорлик қилиб салтанатим ўзангига зеб зийнат бердим”,<sup>1</sup> деб ёзади.

Амир Темур ҳам Форобий<sup>2</sup> сингари одил шоҳ шахси учун ўн икки сифат зарурлигини ва уни ҳар бир шоҳликка даъвогар киши тўлиқ, ва мукамал эгаллаши кераклигини таъкидлайди. Унинг ўзи ҳам ўз “Тузуқлар”ида ана шу ўн икки сифатни ўзига шиор қилиб тахтга ўтирганини ёзади. “Ўз тажрибаларимдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебахра қолади”<sup>3</sup> - деб ёзади. Ушбу ўн икки сифатда қуйидагиларга амал қилган шоҳ ҳақиқатда адолатли, ижтимоий барқарорлик тамойиллари билан суғорилган жамиятнинг ҳуқумдори бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Булар: ҳуқумдор ўз сўзига эга бўлиши, ҳар нарсада адолатпеша бўлиши, бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари ўз ихтиёрида бўлиши, ўз қарорида қатъий бўлиши, ҳуқумдорнинг ҳукми жорий этилиши,

---

<sup>1</sup> Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 245-б.

<sup>2</sup> Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” Т.: 1993.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 95-96.



подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топширмаслик, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшита билиши, салтанат ишларида, шошмай, мулоҳаза билан иш тутиши, подшоҳ амри фармонига ҳеч ким қаршилиқ қилмаслиги, ўз сўзида қатъий туриши, салтанат ишларида, ҳеч кимни ўзига шерик қилмаслиги, огоҳ ва ҳушёр бўлиши каби қоидалар ўрин олган.

Шундан сўнг Амир Темур салтанат мустақиллигини мустаҳкамлашга киришган. Бу тўғрида “Тузуқлар”да шундай ёзилган: “Кенгашларим ўзини шавкатли, буюк амир деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди”<sup>1</sup>. Бундан кўринадики Темур шу ўн икки тоифа кишиларнинг фикр мулоҳазаларини тинглаб, умумлаштириб якуний қарорни ўзи чиқарган ва бошқа амирлардан устунлиги ҳам шунда бўлган.

Яна авлодларига насихқат тариқасида қуйидаги маслаҳатларни қолдирган: “Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўл-йуриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу Тузуқка амал қилсинлар. Давлат салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

Амир Темур ўз давригача яратилган ва давлатчилик тажрибалари сифатида шаклланган

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б 95.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б. 72.



қоидалар билан бирга, жамият ривожида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ҳамда унинг манфаатларини таъминлаш тартибларини яратган. Ҳатто табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъкидлагани ҳолда, ижтимоий табақаларга бўлган муносабатини бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўйган. Амир Темур чуқур мулоҳаза юритадиган, узоқни ўйлаб иш тутадиган ҳукмдор бўлгани боис одатда давлат масалаларида ана шундай кенгашиб батафсил фикр юритиб, сўнг бир тўхтамга келган.

Амир Темур давлатининг ижтимоий-сиёсий тизимини яратишда ўтмиш тажрибаларига таянган бўлса-да, улардан кўр-кўрона кўчирмасдан, “Тузуқлар”ида давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми, турли тоифаларнинг ҳуқуқларини белгилаб, тартибга солган. Подшоҳлар учун тўғри сўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўп, чунки ёлғон давлатни емиради. Амир Темур тўғри сўз кишига ҳурмат билан қараган. “Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куюниб гапирса, суйиб эшитар эдим; кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга қулоқ солардим; ҳар, кимдан кенгаш сўрар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим”, дебтаъкидлаган.

Юқори келтирилган маълумоталардан кўринадики, Амир Темур тадбирлари оддийгина бўлса-да, аммо унинг ҳар бир бўлаги, сўзсиз, бир олам маънога эга эди. Яна шу жиҳати муҳимки, унда давлат масалалари содда, лўнда, аммо донолик билан баён этилган ва ҳар бир иш бошлашдан олдидан тадбир



белгилашнинг моҳияти ишонарли тарзда очиб берилган. Амир Темур тузукларида қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етар экан, ўша сипоҳийни улуфадан маҳрум этмаслик, ва мартабасидан туширмаслик, улардан фойдали маслаҳатлар олиш, ҳамда нафақа таъминотини жорий этиш тартиблари белгиланган. Бундан англашиладики тарихда илк маротаба қариликдаги “ижтимоий ҳимоя” ва “нафақа” масалаларининг Темур салтанатида жорий этилганлиги, ҳамда ушбу салтанатда ўрта асрлар жамиятининг энг юксак инсоний тамойиллари акс этганини кўрсатади.

Амир Темур оддий одамлар меҳнатини жуда қадрлаган. “Тузуклар”да ёзилишича, пиёда сипоҳийлар, хизматчиларга, фаррошларга юздан минг тангагача маош белгилаб қўйилган. Бу аҳолининг ижтимоий аҳволига қанчалик эътибор берилганлигини кўрсатади. Яна “Амр қилдимки, саййидлар, олимлар, фозил кишилар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларга ҳам ҳолларига қараб маош белгиласинлар” деб таъкидлаган уз тузукларида.

Маош тайинлаш ва тўлашда қонун бузилмаслиги ҳамда доимий назорат бўлиши учун сипоҳийларнинг ҳар бирига маош ёрлиғи берилган ва тўланган маош миқдори шу ёрлиқнинг орқасига ёзиб борилган. Амир Темурнинг мусулмон давлати бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, у қонун чиқариш ҳокимиятида ҳам иштирок этган. Ижтимоий адолат ва ҳақиқат Амир Темур маънавий салоҳиятида ўта муҳим ўрин тутган. “Куч адолатдадир” шиори бу беназир давлат арбобининг ижтимоий фаолиятида,



сиёсатида маънавий мезон бўлиб хизмат қилган. Темур сиёсатининг асосини қонунга риоя қилиш, халқни аҳволини билиш, ислом дини ва унинг етук намоёндаларини қўллаб қувватлаш ва адолат тамойилларига таяниб давлатни бошқариш ташкил этган.

Шарқда “одил подшо” тушунчаси қадим-қадимдан мавжуд ва халқ ана шундай подшони ҳамиша орзу қилиб келган. Соҳибқирон Амир Темур ана шундай подшо бўлишга интилган ва “Куч – адолатда” шиори бутун Турон давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган.

Амир Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энг аввало, унда “кенгашдим”, “амр қилдим”, “ҳукм қилдим” иборалари кўп учраши унинг ҳуқуқий характерини очиб беради<sup>1</sup>.

Темур тузуклари бугунги кунда ҳам ўз долзарблиги ва қимматини йўқотгани йўқ. Ундаги ҳарбий маҳорат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва адолатлилик тамойиллари юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай асраш мақсадида барпо этилган миллий армиямизнинг ҳар бир вакили учун дастуруламал бўлмоғи лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Амир Темур бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги қўплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Моваруннаҳр тарихи. Т.: Адабиёт ва санъат, 1990.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 ноябрда Қуролли Кучлар академиясида сўзлаган нутқи.



Соҳибқироннинг “Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим”, “Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди”, “Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим”, “Пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин”, “Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, душманлиги дўстликка айланди”, “Адоват эмас, адолат енгади”, “Куч-адолатдадир”<sup>1</sup> каби ҳикматлари тасаввуфона моҳиятга эга бўлиб бугунги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

“Темур тузуқлари”да ҳам дин арбоблари, шайх, саййид, уламолар фаолиятига Соҳибқирон алоҳида эътибор қаратиб: “машойихлар, суфийлар худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан тангри таолонинг сўзларини эшитиб кароматлар кўрдим”<sup>2</sup> деган фикрларни баён этган.

Шунингдек, Амир Темур “давлат агар тўра-тузукка боғланмас, дину тартиб, қоида, асосда қурилмас экан, ундай салтанатнинг кудрати, шукуҳи ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочадиган яланғоч одамга ёки томсиз, тўсиғи йўқ касу-нокас тап тормай кириб чиқадиган уйга ўхшайди. Мен шунинг учун салтанатим биносини тўра-тузук ва ислом дини асосида мустаҳкамладим”<sup>3</sup> деб таъкидлаган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б. 73.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б. 74.

<sup>3</sup> Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср мусулмон маданияти. Т.: 1993. – Б. 79.



“Тузуқлар”ни илмий адабиётларда, турли соҳа олимлари, турлича баҳолайдилар. Жумладан, айрим олимлар “Темур тузуқлари”ни Темур салтанатининг бутун қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган ўзига хос низом деб баҳоласадлар, айримлари Амир Темур даврининг муҳим ҳужжати, Давлат юритишнинг машҳур қонун-қоидалари мажмуаси ёки Амир Темурнинг сиёсий васиятлари деб ҳам эътироф этадилар. Шу билан бирга “Темур тузуқлари”ни “империяни тузишда юридик асос ҳисоблаб, машҳурликда Наполеон кодексига тенг бўлган”<sup>1</sup>, – деб Наполеон Бонапартнинг кодексларига тенглаштирган олимлар бор. Шунингдек, араб тадқиқотчиси Тузуқлар “Амир Темур даврида давлатни идора этишда қўланилган маъмурий ва ҳарбий қонун-қоидалар ва тартиботлар мажмуаси”<sup>2</sup>, – деб баҳоласа, француз олими Л.Лянгле ўзининг 1772 йилда ёзилган “Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқаруви” номли асарида “Тузуқлар”га юксак баҳо бериб, уни “давлатни бошқариш ва сақлаб қолиш санъати ҳақидаги рисола”<sup>3</sup>, деб таъриф берган.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтишимиз мумкинки, қандай бўлмасин, асар сохта эмас ва айнан Амир Темур томонидан айтилган ва ёзиб олинган ҳамда бир неча тилларга таржима қилинган дурдона, чин асардир. Сўзимизнинг исботи сифатида агар унда баён этилган воқеаларни Низомиддин Шомийнинг Амир Темур тарихини ўз ичига олган машҳур

---

<sup>1</sup> Рахмоналиев Р. Империя тюрков (Тюркские народы в мировой истории с. Х.В. до н.э. по XX в.н.э.) Монография. – Москва: Прогресс, 2002. – С.657.

<sup>2</sup> У. Уватов. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. – Т.: Шарқ, 1997. 131. – б

<sup>3</sup> Лянгле (Электронная библиотека)



“Зафарнома”си ёки Шарафуддин Али Яздийнинг шу номдаги асари билан солиштирадик, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Амир Темур давлат ишларини юритишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги етакчи омилларидан усталик билан фойдаланган, дину шариат ишларини тартибга келтириб, салтанат мартабалари тузугини қуйидагиларга таяниб тузган: Салтанат қонун-қоидаларини ислом дини ва ҳазрати Муҳаммад шариатига боғлаб; ҳар бир ишда, ҳатто муомалада ҳам меъёрни унутмай; яхшиларга ёндашиб, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмай; халқни эъзозда тутиб, жабру зулмни ўзига бегона билган.

### **Ў3.3 Амир Темур ва темурийлар маънавий меросининг замонавий ёшларни тарбиялашдаги ўрни**

Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва доно ўғитларида мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, салтанатининг умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги кишини ҳайратга солади. Соҳибқирон Амир Темур маънавияти ўз даври учун миллий давлатчилигини қайта тиклаши, ривожланиши ва тараққий этишида илгари сурган ғоялари нақадар муҳим бўлса, бугунги мустақил Ўзбекистонни нуфузининг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллар асосида юксалтиришда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро, бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганларидек: “Халқимиз азалдан адолат туйғусини ҳамма нарсадан устун қўйиб, юксак қадрлаб келган. Бу борада “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган Соҳибқирон





Амир Темур бобомизнинг ўғитлари ҳаётини эътиқодимизга айланиши зарур”<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий, маънавий меросининг баркамол авлодни ватанпарварлик, она юртга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги хизмати беқиёсдир. Кўп асрлик тарихимизда ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ўзгаришларни сарҳисоб қилсак, бу кўҳна заминда қанчадан-қанча жаҳонгирлар ўтганлигини кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти бузғунчилик, вайрон қилишлилик хислатлари билан тарихга муҳрланган бўлсалар, Соҳибқирон Амир Темур фаолияти, улардан фарқли ўлароқ, умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлганлиги билан ажралиб туради. Соҳибқироннинг “Қаердан бир ғишт олсам, ўрнига ўнта ғишт қўйдирдим, битта дарахт кестирсам, ўнта кўчат эктирдим”<sup>2</sup>, деган сўзлари бунинг исботидир.

Европа темуршунослиги мактаби вакиллари Темурнинг бунёдкорлигига юқори баҳо бериб, “Агар биз тарозининг бир палласига у вайрон этган шаҳарларни, иккинчисига у бунёд этган Самарқанд мўжизаларини қўйсак, бу ёдгорликлар у етказган зарарлар ўрнини ошиғи билан қоплайди”<sup>3</sup> деган фикрларни билдирганлар.

Соҳибқирон салтанат тахтига ўтиргач даставвал

---

<sup>1</sup> Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

<sup>2</sup> Марсель Брион. Мен ким жаҳонгир Темур. Т.: Фафур Фулом, 2016. – Б. 56.

<sup>3</sup> Le Memorial des Siecles. XIV siècle. Les Hommes. Tamerlan. Par M. Brion. – Paris: E. A. Michel, 1963. – P. 69.



---

пойтахт шаҳар саналган Самарқандни жаҳоннинг энг бетакрор гўзал ва обод шаҳарлардан бирига айлантиришга киришган. Бу бунёдкорлик ишлари шаҳар мудофаа деворларини қайта тиклашдан бошланиб, сув иншоатларини қуриш ва бетакрор гўзал бинолар, боғлар яратиш билан давом эттирилган. Кўксарой ва Бўстонсарой каби қароргоҳлар шаҳарнинг бетакрор кўркига айланган. Умуман олганда, Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида бутунлай янгитдан бунёд этилган. Соҳибқирон ташаббуси билан Феруза, Сўзангарон, Чорсу, Шайхзода, Оҳанин, Коризгоҳ, каби номлар билан аталувчи олти тарвозалар ўрнатилган. Тарихчи сайёҳ Ибн Халдунинг “Самарқандда баъзи бир уйларгина боғсиз эди, бирор бир кўча ёки бирор бир ҳовли йўқ эдики оқар сув кирмаган бўлса”<sup>1</sup> – деб ёзган қайдлари қимматлидир.

Кастилиялик Руи Гонсалес де Клавихо Зарафшон дарёсининг қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг мудофаа деворлари атрофида хашаматли биноларни, шаҳар ва қишлоқларни, ҳунармандчилик устахоналарини, савдо расталари, умуман байрамона манзараларни тасвирлаган. “Бутун шаҳар узумзору боғ-роғлар билан ўралган. Узумзорлар ва боғлар шунчалик кўпки, баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди. Шаҳар эса ўртада жойлашган. Ушбу шаҳар аҳли шунчалик бойки ҳайратланасан киши. Шаҳарни бойлиги нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари балки шойи матолари, олтину кумуш ва лазурит ранглари билан ҳам ажралиб туради”<sup>2</sup> деб хотирлаган.

---

<sup>1</sup> Ибн Халдун. Введение (ал-Мукаддима). Перевод с араб. А.В. Смирнова Историко-философский ежегодник 2007. М.: Наука, 2008, - С. 187-217.

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат



Соҳибқироннинг яна бир маънавий фазилати - жаҳон маданияти хазинасидан жой олган алломалар Ал-Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбандларни улуғлаб, уларнинг ёдгорликларини тиклаб, зиёратгоҳларга айлантиргани ва мадраса, мақбаралар бунёд эттирганидир. “Қандия”да ёзилишича, Амир Темур шайхларнинг қабрларини доимо зиёрат қилиб турган ва ўзининг соҳибқиронлик талабаларини уларга бўлган эътиқодида ва уларнинг дуоларидан, деб билган. Темур, айниқса, шайх Нуриддин Басирнинг ҳамда Бурҳониддин Соғаржийларнинг қабрларини обод қилиб тез-тез зиёратга бориб турган. “Қандия”да қайд этилишича: “... Амир Темури Кўрагонийга Самарқанд подшолиги муқаррар бўлгач, яшаётган улуғларни ҳам ва вафот этган улуғларни ҳам зиёрат қилар эди. Шу аснода Амир Темур шайхзода Абу Саид ибн Бурҳониддин Соғаржидан дуо ва иродатлик сўради. Шайхзода Абу Саид унга айтдилар: “Падари бузургворимиз ниёзмандлик ва талабгорлик билан келганларга эдиларки, Ҳазрати қутб ал-ақдоб Шайх Нуриддин Басирнинг мазорлари зиёратчиларнинг муродлари ҳосил бўлиши учун танҳо мавзеъдир - деб ҳамма зиёратчиларни ул зотнинг мазорлари сари юборар эдилар”<sup>1</sup>, деб таъкидланади.

Амир Темур Исфохон, Шероз, Ҳалаб каби шаҳарларининг энг қобилиятли меъморлари кўли билан муҳташам саройлар, масжидлар, мадрасалар қурдирган. 1399 йилда Бибихоним иншоотнинг

---

кундалиги. О.Тоғаев таржимаси. Тошкент: O`zbekiston, 2010. – Б. 101.

<sup>1</sup> Қандия. (Самарқанднинг аллома-авлиёлари тарихи) Самарқанд, 2019. – Б. 43.



---

бошқаларидан фарқи ҳашаматли баланд равоқли дарвозаси, баҳайбат гумбази ва ўймакор мрамардан ишланган 480 пиллапоя устунларидадир<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг Шоҳизиндани мақбарсини таъмирлашда ҳам бир қанча ишларни амалга оширган. Дастлаб энг қадимги мақбаралардан ҳисобланган Қусам ибн Аббос мақбарасини таъмирлаган. Шу билан бирга Шоҳизинда мақбарасида Амир Темур ва теурийлар томонидан бунёд этилган 20 дан ортиқ мақбаралар жой олган. Жумладан Амир Темурнинг опаси Туркон Оға ва қизи, Темур саркардаларидан Амир Ҳусайннинг онаси Туғли Текин ҳамда Соҳибқироннинг синглиси Ширинбека Оғалар дафн этилган.

Амир Темур барпо этган машҳур тарихий обидалардан яна бири - Гўри Амир (Гўри Мир) мақбарасидир. Ушбу мажмуани Соҳибқирон севиқли набираси Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон учун барпо эттирган. Соҳибқирон 1404 йили ҳарбий юришдан қайтгач, Муҳаммад Султонга атаб убшу мақбарани бунёд эттирган. Теурийлар сулоласининг хилхонаси саналмиш ушбу мақбарага Муҳаммад Султон, Амир Темур, ўғиллари Шоҳрух ва Мироншоҳ, набираси Мирзо Улуғбек Темурнинг пири Мир Саид Барака ҳамда юқорида таъкидлаганимиздек Амир Умар ҳам дафн этилган.

Амир Темур нафақат ўз салтанатида балки қўлга киритган бошқа мамлакатларда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирган. Жумладан,

---

<sup>1</sup> Жўрақулов М. Самарқандда Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти саҳифасидан. Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари. Т.: Фан, 2006. – Б. 24.



Боғдод, Дарбанд, Байлоқонни қайта тиклаб, Қобул водийси Муғон чўли каби салтанатдан анча узоқ ерларда ҳам суғориш билан боғлиқ катта бунёдкорлик ишларини олиб борилган<sup>1</sup>.

Муаррих Ибн Арабшоҳнинг қайд этишича, Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган янги музофотларни Димишиқ (Дамашқ), Миср, Боғдод, Султония ва Шероз каби Шарқнинг машҳур шаҳарлари номлари билан номлаган. Темур, гўзаллиги ва теварак-атрофининг ободлиги билан Самарқанд дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устун туришини истаган<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини кейинги даврларда соҳибқироннинг ўғиллари ва неваралари бўлмиш темурийзодалар давом эттирганлар. Салтантнинг бой ва қудратли бўлиши аҳолини ижтимоий ҳимоясидан намоён бўлади. Амир Темур оғир дамларда Мовароуннаҳр аҳолисининг турмуш даражаси яхшилаш мақсадида уч йилгача солиқлардан озод қилган. Темур хунармандчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратган жумладан, бошқа мамлакатлардан хунармандларни, қурувчиларни, қуролсозларни ўз мамлакатига олиб келиши ва Мовароуннаҳр шаҳарларида тинчлик, осойишталик бўлганлиги сабабли аҳоли сони кўпайишига замин яратган. Хашаматли бинолар, боғлар лойиҳасини тузган меъморлар ва наққошларни Амир Темур ўз тузукларида “беморларга шифо берадиган табиб”ларга тенглаштирган. Темур қарвон

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 304.

<sup>2</sup> Жўрақулов М. Самарқандда Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти саҳифасидан. Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари. Т.: Фан, 2006. – Б. 27.



---

йўллариининг хавфсизлигини таъминлашидан мақсади Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли савдо алоқаларини ривожлантириш бўлган. Салтанатга савдо алоқаларини ўрнатиш учун махсус элчиларни ташрифи ёки Темурнинг Испания ва Англия давлат раҳбарларига ёзган мактубларидан буни англаш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздан кўриниб турибдики, Темур ўз замонасининг билимдон, зукко, тадбиркор султони бўлган. Унинг ҳар бир ҳатти ҳаракати ўз халқи ва юрти мафаати учун қайғуришга қаратилган. Ҳозирга замонавий тилда айтганда “инвесторлар” яъни ҳунарманду косиблар, илму фан ривожига ҳисса қўшувчи тадбиркору, олимларнинг барчасини ўз салтанатига жалб этиб халқининг фаровонлигига эришган. Буларнинг барчаси аҳоли ижтимоий шароитининг фаровонлашувига замин яратган.

Амир Темур салтанатида олим ва шоирларга, файласуфларга, маънавий, маданий соҳа намояндаларига, дин пешволарига алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун хонақолар қурдирилган, бепул турли хил ёрдам ва имтиёзлар белгиланган. Айниқса, Амир Темурнинг қонунлари ва фармонларида шундай жумлалар битилган: “Очиқ юз, олийжаноблик ва ҳимматлилик мени халқнинг меҳрига етказди”<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг саййид ва шайхларни эъзозлаши халқ ҳурматини қозонишда, ташқи сиёсат бобида, исломни дунёга ёйишдек шарафли ишда муваффақиятининг манбаи деб билганлигидадир.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 45.



Темурнинг ҳатто ҳарбий масалаларда ҳам саййид ва шайхлар билан маслаҳатлашиши бежиз бўлмаган. Буни биз Амир Темурнинг Сабзаворда катта ҳурматга эга бўлган Саййид Муҳаммад ас-Сарбадол билан суҳбатлашиб, унинг маслаҳатига кўра Хуросонни тинч йўл билан қўлга киритганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Арабшоҳнинг ёзишича, Темур саййидни ўз хузурига чақириб: “Уни менинг хузуримга келтиринглар, чунки мен фақат уни деб келдим. Унинг дийдорига иштиёқманд бўлиб, ундаги бор илмни билмоққа илҳақман”, деди. Саййидни Темур хузурига чорладилар. У киргач Темур ўрнидан туриб бориб уни кучоқлади, очиқ чеҳра билан кутиб олиб, иззат-икром кўрсатди. Гап орасида унга шундай деди: “Эй мавлоно саййид! Сен менга айтчи, нима қилсам Хуросон ерларини батамом эгаллайман ва ўз ихтиёримга оламан? Сен менга бу ниятга эришиш йўлини албатта кўрсатмоғинг ва ушбу ҳақиқатга етишиш йўлини хабар қилмоғинг даркор”<sup>1</sup>, деган.

Темурнинг шайх, саййид, сўфийларга бўлган иззат - икромини билган мамлакатларнинг давлат арконларидан тортиб оддий фуқароларигача, ундан доимо яхшилик кутганлар ва ўз жону молларига шикаст етказмасликларига ишонганлар. Шунинг учун ҳам Темур ўз қароридан юриш қилмоқчи бўлган мамлакатларининг шоҳи, давлат арконлари ва оддий фуқароларигача хабардор қилинган. Натижада, улар албатта шайхларни забт этилаётган халқ ва салтанат томонидан омонлик тилаб воситачи қилиб юборганлар. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича,

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Макдур фи тарихи Таймур. 1-қисм – Т.: 2017. – Б. 94.



қурдлар Темурдан омонлик тилаб Ширвон ҳокими шайх Иброҳимни воситачи қилиб юборганлар. Темур шайх Иброҳимнинг сўраганларини тинглаб, унга рози бўлган ва тегишли товон “моли омон” хазинага тушгандан сўнг қишлаш учун Қорабоғга жўнаб кетган<sup>1</sup>.

Ушбу стратегия Темур ўз ҳарбий юришларини аввало тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилганидан далолат беради. Қамал қилинган шаҳар аҳолиси Темур олдига ўз вакилларини юборган ва Темур уларга мағлуб томондан тўланадиган “моли омон”, яъни товон пулининг миқдорини айтиб келишиб олган. Амир Темурнинг ўзи бу ҳақда, “Агар душман бош уриб паноҳимга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатдим”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган. Лекин Амир Темурнинг феъл-атвориға хос бўлган вазминлик ҳар қандай шароитда ҳам қаҳр-ғазаби аланга олиб кетишиға йўл қўймаган. Бу эса Темурдаги ўзига хос бўлган суфиёна босиқлик хислатлардан бири бўлган. Соҳибқироннинг хислатлари ҳақида Ибн Арабшоҳ, “Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва унинг тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топилади”<sup>3</sup> деб ёзган эди.

Амир Темур ўз Тузукларида таъкиллаганидек, “Мен бирор мамлакатни босиб олсам ёки у менга таслим бўлса, мен уни урушнинг ҳалокатли оқибатларидан қутқарар эдим. Мен ҳеч қачон қасоскорликка ружу қилган эмасман”<sup>4</sup>, деган. Бунинг

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. 1-қисм – Т.: 2017. –Б. 102

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент: O`zbekiston, 2018. – Б. 61.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. II-қисм. Т.: Меҳнат, 2017. – Б. 70.

<sup>4</sup> Темур тузуклари. Тошкент: “O`zbekiston”, 2018. – Б. 58.





далили сифатида биз 1381 йилда Ҳиротга хужум қилиш олдидан икки минг бандини озод қилгани ва шаҳарда кимки уйдан ташқарига чиқса, унинг ўзи ва бола-чақаси ҳам омон қолади, деб гап тарқатгани ва бу ўз натижасини берганлигини тарихий фактлар кўрсатиб турибди. Бу бир томондан унинг ҳарбий ҳийласи стратегияси ҳамдир. Бу нима бўлганда ҳам, Темур ҳарбий стратегиясида инсонпарварлик тамойиллари кучли бўлганлигидан далолат беради. Тариқатида шоҳ бўлиб, дарвешлик хаёли билан яшаш, хоксорлик, ўз қўли остидагиларга меҳрибонлик, халқ ва лашкар ғамида қайғуриш каби хислатлар Темур фаолиятининг асосий қирраси ҳисобланган.

Амир Темурдаги тариқат сулуқларига хос бўлган камтарликни унинг ўз номига Соҳибқирон атамасини кўшиб айтишга қарши бўлганлигидан ҳам билиб олсак бўлади. Аслида Соҳибқирон - самовий сирларни эгаллаган подшоларга бериладиган бўрттирма унвон. Француз тарихчиси Л. Кереннинг фикрича, баъзи Шарқ, хорижий саройларининг дипломатик ёзишмаларида Темурга нисбатан шу унвон қўлланилган. Унинг ўзи ҳеч қачон бу иборани қўлламаган ва атрофдагиларга ҳам қўллашга йўл бермаган. Шуниси аниқки, Темур шоҳона мақтовни, унвонларни ёқтирмаган. Ҳужжатларда ўзини Темурбек ёки, Амир ул-Аъзам деб аташларини ва Кўрагоний (яъни Хон авлодига уйланган куёв) тахаллусини қўйишларини истаган. Франция қироли Шарль VI га ва Кастилия қироли Генрих III га йўллаган мактубларида ҳам “Улуғ Темур Кўрагоний, Буюк Амир Темур Кўрагоний, Темур Кўрагоний, Темурбек”, деб ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўз ўрнида Франция



қироли Шарль VI ҳам Амир Темурга ёзган жавоб мактубида унга шавкатли ва музаффар Темурбек,<sup>1</sup> деб муружаат қилган.

Темур даври тарихчилари хушомадгўйлик қилиш мақсадида уни халифа ёки “Амир ал-мўминин” унвонлари билан аташга ҳаракат қилганлар. Лекин Амир Темур халифалик бутун дунё мусулмонларининг диний ва дунёвий олий ҳукмдори, пайғамбарнинг ноиби, ўринбосари бўлганлигини яхши тушунган. Шу билан бирга “Амир ал-мўминин”- “Мўминлар амири” деган маънони билдириб, илк ислом давридаги халифаларнинг унвони, яъни диний, дунёвий, ҳарбий ҳокимиятнинг якка ҳукмдори эканлигини билган. Шунинг учун ҳам Амир Темур Амир ал-Аъзам истилоҳи билан чекланган. Л.Карен ва А.Саидов тўғри таъкидлаганларидек, “Амир Темурга наслий камтаринлик хос бўлган. У ҳеч қачон хонлик тахтига ҳам эришмаган, подшоҳ ёки шаҳаншоҳ ҳам бўлмаган. 1370 йили Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келар экан, ўзини “хон” ёки “шоҳ” эмас, балки “амир” деб эълон қилган ва шу унвон билан кифояланган.”<sup>2</sup>

Чиндан ҳам Амир Темур анъанга кўра тахтга Мовароуннаҳрнинг Чингизхон авлодидан бўлган ўттизинчи хони Суюрғатмишхон ва ўғли Султон Маҳмудхонни расмий хон қилиб кўтариб, уларнинг номидан ёрликлар чиқартириб, пуллар зарб эттирган. Аммо ҳар иккала хон ҳам номигагина “хон” (“қўғирчоқ хон”) бўлиб, салтанатнинг сиёсий ҳаётига ва Соҳибқироннинг берган фармойишларига мутлақо аралашмаганлар. Соҳибқирон расмий

---

<sup>1</sup> Л.Карен, А Саидов. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996. – Б. 62.

<sup>2</sup> Л.Карен, А Саидов. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996. – Б. 64.



хужжатлардагина уларнинг номидан фойдаланган, амалда эса салтанат тизгини тўла-тўқис ўзининг қўлида бўлган<sup>1</sup>.

“Амир”лик рутбаси дастлаб Амир Темур ҳарбий-сиёсий фаолиятининг илк даврида унинг билан елкадош бўлган 313 кишига берилган. У ана шу амирлар билан бир даражада қолган. Амир Темур салтанат тепасига келганидан сўнг мансабга ҳирс қўйган ва ўзларини буюк амирлар деб ҳисоблаган кишиларни бўйсундириш ва ўзига итоат қилдиришга интилган. Марказий ҳукуматга нисбатан бошбошдоқлик кайфиятларини билдираётган амирлар билан Амир Темур муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилган. Айниқса, Темур ҳокимиятга келгандан кейин илк бор Самарқандга чақирилган биринчи қурултойда (1370 йил) иштирок этишни хоҳламаган амир Зинда Чашмага нисбатан шундай йўл тутган. Амир Темур ундан ҳарбий - сиёсий жиҳатдан устун бўлса ҳам масалани тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида уни муросага чақирган, лекин бўйсунганини хоҳламаган Зинда Чашма енгилган. Аммо айбдор амирни жазолашга шошилмаган.

Яна бир мисол, Хоразм барча жиҳатдан ягона давлатнинг бир қисми ҳисобланган. Лекин чингизийлар даврида бу вилоятнинг шимолий қисми Жўжи улуси таркибига, жанубий қисми эса Чигатой улусида қолган. Демак Амир Темурнинг Хоразмга нисбатан даъволари қонуний бўлган ва масалани тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида у Хоразмга элчилар юборган ва ҳатто ўғлини Хоразм ҳукмдорининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд, Т.: 2006. – Б. 136.



жиянига уйлантириб, алоқани мустақкамламоқчи бўлган. Лекин у ҳам натижа бермагач, Амир Темур бу вилоятни уруш йўли билан (1371, 1373, 1375, 1379 ва 1388 йилларда) бутунлай буйсундиришга эришган. Булар орасида айниқса, мансабга ҳирс қўйган ва ўзини Темур давлатига шерик деб билган Амир Қозоғоннинг набираси Амир Хусайн ва Хўжанд вилояти ҳокими Амир Боязид Жалоирлар ҳам бўлган. Амир Боязид эса бошқа Темурнинг насихатларига қулоқ солмай унга буйсунишдан бош тортган. Оқибатда Хўжанд вилоятининг одамлари Амир Боязидга қарши чиқиб уни ушлаб Темурнинг олдига келтиргач Темур уни кечириб яна илтифотлар кўрсатган.

Амир Темурга буйсунишдан бош тортган Сейстон, Қандаҳор, Афғонистонга Темур ҳарбий лашкарюбормасдан куйидаги мазмундаги мактуб юборган: “Агар менга қўшилсанглар қутуласизлар, курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда тақдирингиздан кўрасизлар”. Мактубни олган ҳукмдорлар қаршилиқ кўрсатмасдан Темур тасарруфига ўтганлар. Яна Амир Темур амирларнинг “Бу давлатга ҳаммамиз шерикмиз” деб, қилган даъволарига “Худонинг шериги йўқ. Шундай бўлгач, Оллоҳнинг муқаддас мулки бўлмиш ер юзига эгалик қиладиган киши ҳам битта бўлиши керак” деб жавоб берган.

Француз муаррихи Альфос де Ла Мартин Темурнинг ҳислатларини тўғри шарҳлаб, “Оврупа на Искандар, на Атилла ва на Московия зафарини кучган янги фотиҳ (Наполеон) шахсида бундай олий мақомдаги бир завқ, гўзал иродани кўрган эмас”,<sup>1</sup> деб

---

<sup>1</sup> Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996. – Б. 44.



ёзган. Фикримизча, Амир Темурдаги бу завқ ва гўзал ирода тасаввуфдан, комил пирларининг тарбиясидан ва унинг бу таълимотга бўлган эътиқодидандир.

Амир Темур халққа, ўз мансабидан паст лавозимларда ишлайдиган кишиларга нисбатан зулм ўтказган амалдорларга зулмига яраша жарима солиш тўғрисида буйруқ берган. Халққа зулм ўтказган ҳокимлар қилган ишларига яраша жазога тртилганлар. Темур даргоҳида арзбеги, яъни мурожаатлар, аризалар ва арзномаларни кўриб чиқувчи хизматига алоҳда ўрин берилган. Шу билан бирга адолат амири - “амири адл” мансаби ҳам мавжуд бўлган. Уларнинг арзбеги марказда одамлардан мурожатларни қабул қилса, адолат амири бевосита жойларда, халқ орасида вужудга келган низоларни ҳал қилганлар. Бирор нохуш воқеа ҳақида хабар келса, махсус амалдорлар - аминлар (ишончли кишилар) дарҳол воқеа содир бўлган жойга бориб, уни синчковлик билан ўрганган. Агар қонун маҳаллий маъмурият томонидан бузилган бўлса, жарима маҳаллий хазинадан ундириб олинган. Қилинган ишлар тўғрисида аминлар даргоҳга хисобот бериб турганлар.

Темурнинг жаҳонгирлик қобилияти ва моҳир саркарда эканлиги бутун дунёда эътироф этилган. “Темурга тенг келадиганлар ёки ундан ўтадиганлар топилмаса керак. Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидан саналиб, Соҳибқирон номи Искандар, Доро, Цезарь, Чингизхон, Бонопартлар билан ёнма-ён туради”<sup>1</sup>, деб баҳоланган.

---

<sup>1</sup> Жан-Поль Ру. Тамерлан. Пер с. французского Е.А.Соколова - М.: Молодая гвардия, 2004. С-23-24



---

## ХУЛОСА

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ислом дини мавқеининг кучайиши кубравийлик, нақшбандийлик ва яссавийлик каби тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлганлиги билан ҳам боғлиқдир. Бу даврда юксак умуминсоний қадриятларни тарғиб қилган, халқ ичида унинг ғаму ташвиши билан яшаган тасаввуф намоёндалари яшаб ўтган бўлиб, улар жамият ахлоқи ва маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшганлар.

Тасаввуф баъзи адабиётларда келтирилгандек “мистик-аскетик, ўз қобиғига ўралиб қолган таълимот” эмас, балки давр талабига жавоб берган, мамлакатни озод қилиш мақсадида хизмат қилган, ҳаракатчанликка чорлаган ғоявий оқимдир. Тасаввуф Марказий Осиё халқлари учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнаган. Тасаввуф қоидаларни мукамал ўзлаштирган сўфийлар инсонларни тўғри йўлга бошлаш, подшоҳларнинг халққа жабр-зулм қилишини олдини олиш ҳамда, миллий озодлик ҳаракатларида иштирок этиши каби ғоялари билан халқнинг ҳурматини қозонганлар. Сўфийларнинг сарбадорлар ҳаракатида ҳам фаол қатнашгани бежиз эмас. Амир Темур айнан шундай маънавий муҳит мавжуд бўлган даврда дунёга келган ва тасаввуфнинг ривожига хизмат қилган саркардадир.

Амир Темур тасаввуфни ўзига хос, мутаасибликдан холи, эркин тушунган. Соҳибқиронинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига эмас балки, чин толерант, бағрикенг эътиқод бўлиб, бу жиҳатдан у нафақат ўз асри балки, ҳозирги замон



кишиси учун ҳам намунадир. Соҳибқирон ислом динини жоҳиллик, хурофот, бидъат, ақидапарастлик каби иллатлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Амир Темур ислом динини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш билан бирга диний мазҳабларга бўлиниб келишига йўл қўймаган. Шунинг учун XIV асрнинг 80-90- йилларида

Амир Темур Шарқда ислом динини муҳофаза қилувчи, ёувчи саркарда сифатида намоён бўлган. Амир Темур бошқа дин вакилларига ҳам бирдай илтифот кўрсатган. Соҳибқирон Франция, Испания, Англия, Италия, ҳамда Хитой каби давлатларнинг бошлиқларига йўллаган мактублари ва ушбу мамлакат элчиларини – (католик, будда, яхудий, шаман динлари вакилларини) ўз ҳузурида қабул қилиб, шоҳона илтифотлар кўрсатганлиги фикримизнинг далилидир.

Соҳибқирон барча олиму фузалоларга унумли ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берган. Амир Темурнинг сиёсати ва ижтимоий-маънавий тафаккурида исломий илмларни дунёвий фанлардан чегаралаш, уларнинг бирини-иккинчисидан баланд-паст қўйиш ҳолатлари асло кузатилмаган.

Тадқиқотларимиз натижасида шуни аниқладикки, биз Амир Темурни тўлиқ маънода, яъни ҳам амалий, ҳам назарий маънодаги суфий дея олмаймиз. Лекин тасаввуф таълимоти қўллаб-қувватлаб ижтимоий-маънавий ривожланишида жонбозлик кўрсатган саркарда десак муболаға бўлмайди. Темурнинг салтанат ҳукмдори сифатида тасаввуфни қўллаб-қувватлаши тасаввуф таълимотининг айнан Темур ва теурийлар даврида гуллаб-яшнашига замин яратган.



Шунинг учун ҳам Темурни мутасаввиф деб, айтиш хато бўлмайди. Бундан ташқари Темур хонақоҳларнинг саройга яқин жойда қурилишига фармон берган. Бу ўз навбатида инсоннинг нафсига қул бўлмаслиги, ҳою-ҳавас ортидан ҳукмдорларнинг халққа зулм қилмаслигига замин яратган.

Соҳибқирон ўз ҳаёти давомида кўплаб шаҳарлар, масжиду мадрасалар, кўприklar барпо эттирган. Бироқ, барпо этилган иншоатларнинг биронтасига ҳам Амир Темур номи берилмаган. Бунга Соҳибқироннинг ўзи хоҳиш билдирмаган. Бу Амир Темурдаги камтарона сўфийлик сифатларининг белгисидир.

Амир Темур қайси бир мамлакатни забт этмасин, ўша ерда адолат ва маърифат ишларини ривожлантиришга ҳаракат қилган. Лекин айрим манбаларда Амир Темурни ўта золимликда ҳам айблашган. Бугунги куннинг манбаларига таянган ҳаққоний тадқиқотлари эса бунинг аксини кўрсатмоқда. Темурнинг барча хатти-ҳаракатлари салтанат ва халқ манфаатларини бирлаштириб, адолатли сиёсат олиб боришга қаратилган. Зеро, буларнинг барчаси нодир манбаа бўлмиш “Темур тузуклари”да ҳам зикр этилган.

“Темур тузуклари”даги ҳар бир жумла ва ҳар бир тузукда салтанатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, инсон мафаатларини ҳар нарсадан юқори қўйиш, ўз даврига хос бўлмаган ҳолатда барча халқлар ва миллатларни, дини, эътиқоди ва тилидан катъий назар бирдек аҳли раийят қаторида кўриш баён этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Амир Темур эришган муваффақиятларнинг бош омили, энг аввало, унинг





адолатли сиёсатида бўлган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, адолат, меҳр-мурувват, инсоф Амир Темур қурган салтанат иморатининг таянч устунлар бўлган. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, Соҳибқирон Темурдаги мавжуд сифатлар тасаввуф солиҳларининг жуда кўп сифатларига тўла мувофиқ келди. Аввало қалб мусаффолиги, ақл камолоти, ботинан тафаккурга мойиллиги, нафс гирдобини тийиб, ўз халқи, Ватани, миллатига вафодорлиги шулар жумласидандир.

XIV-XV асрларга келиб Амир Темур ва темурийларнинг фаолиятлари таъсирида тасаввуф таълимоти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларларига кириб борган. Бу бир томондан Темур ва темурийларнинг чуқур маънавиятли бўлганликларидан далолат берса, иккинчидан, ҳар бир ижтимоий қатламнинг жамиятда тутган ўрни ва халқ билан алоқасини чуқур биладиган етук сиёсатчи эканликларидан дарак беради.

Умуман олганда, темурийлар салтанатининг маънавий-руҳий асоси саналган тасаввуф таълимоти ва ундаги ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Тасаввуф таълимотидаги ахлоқий тарбия, бугунги замонавий ёшларни комил инсон бўлиб тарбияланишига хизмат қилади.



---

## ИЛОВАЛАР

Авесто – қадимги эрон-пахлавий тилларидан таржима қилинганда “ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар” маъносини англатади. Авесто зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналади.

Закот – араб тилидан таржима қилинганда “тозаланиш, покланиш” маъносини билдиради. Закот ислом динининг беш рукнларидан бири. Киши мол-мулки муайян миқдорга етгач, унинг қирқдан бирини камбағаллар фойдасига садақа сифатида берилиши фарз қилиб белгиланган.

Каромат – араб тилидан “улуғлик, буюклик” маъноларини белдириб, ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан пайғамбарлар ва авлиёларга ато этиладиган сеҳрдан фарқли бўлган ғайриоддий қудрат.

Мазҳаб – араб тилидан таржима қилинганда “йўл” маъносини билдиради. Ислом динидаги шариат қонунлари йўналиши саналади.

Мурид – араб тилидан “хоҳловчи” маъносини билдириб, тариқат йўлига кириб, муршидига яъни устозига “қўл берган” шогирд.

Муршид – араб тилидан олинган бўлиб “тўғри йўлга бошловчи” деган маънони билдиради. Тасаввуф ёки тариқат йўлига кирганларни ҳидоятга бошловчи устоз, шайхга нисбатан муршид атамаси ишлатилган.

Мусҳаф – араб тилидан “саҳифаланган” деган маънони билдириб, ислом динида Қуръони каримнинг номларидан бири.

Мутаассиблик - ўз ғоясини “тўғри” деб билиб,



бошқача фикрлайдиган киширини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш.

Муҳаддис - араб тилидан олинганда “ҳадис сўзловчи” маъноларини билдиради. Ҳадислар билан шуғулланувчи олимларга нисбатан муҳаддис атамаси ишлатилган.

Охират – араб тилидан “бошқа, охирги, иккинчи” деган маъноларни билдиради. Охиратда амалларига қараб мукофот ёки жазо берилади.

Оят – араб тилидан “белги, мўъжиза” маъноларини билдиради. Ислом динида Қуръони карим сураларини ташкил этувчи қисми оят деб аталади.

Пир – муршидга нисбатан пир атамаси қўлланилган.

Ровий – араб тилидан “ривоятчи” деган маънони билдириб, ҳадис ривоят қилувчи кишига нисбатан ишлатилган.

Саҳиҳ – араб тилидан “тўғри” деган маънони билдириб, олимлар томонидан ишончли, тўғри деб топилган ҳадисларга нисбатан ишлатилган.

Саҳоба – илк мусулмонлар яъни Муҳаммад Пайғамбар билан илк ҳамсуҳбат бўлган ва исломни қабул қилган кишиларга нисбатан ишлатилган.

Суннат - ислом динида Муҳаммад пайғамбар бажарган ва мусулмонларга буюрилган амалларига нисбатан ишлатилган.

Сура – араб тилидан “девор, тўсиқ” маъноларини билдириб, Қуръони Каримни ташкил этувчи қисмлар саналади.

Сўфий – ислом динидаги тасаввуф вакилига нисбатан ушбу атама ишлатилган.



---

Таваккул – ўз иродасини Аллоҳга ишониб топширишга нисбатан, тасаввуф таълимотига кўра ушбу ибора ишлатилган.

Тафсир – араб тилидан “баён қилиш” деган маънони билдириб, Ислом динида Қуръони Карим оятларига шаърий исмлар асосида маъно бериш.

Фатво – Ислом динида фақиҳнинг динда пайдо бўлган янги муаммоларни Қуръони Каримга зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукмига нисбатан шундай атама ишлатилган.

Фақиҳ – Ислом динида фиқҳ илмининг билимдонига нисбатан ишлатилган.

Фиқҳ – араб тилидан “тушуниш” деган маънони билдириб, ислом динида шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан саналади.

Хонақоҳ – Ислом динида (асосан тасаввуфда) сўфийлар жамланиб зикру само билан машғул бўладиган махсус бинога ва яна масжиднинг меҳроб ва минбар ўрнатилган қисмига нисбатан шундай атама ишлатилган.

Эътиқод – дунёқараш деган маънони бериб, бирор динга эътиқод қилиш, уни ҳақ деб билиш ва таълимотини тан олишлиқдир.

Қироат – арабчадан “ўқиш” деган маънони билдириб, Қуръон Каримни ўзига хос қоидаларга мувофиқ қунт билан тиловат қилиш.

Ҳадис – араб тилидан олинган бўлиб, “янги; сўз” деган маънони билдиради. Ислом оламида Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятларга нисбатан ҳадис ибораси ишлатилади.



## Фойдаланлган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” – Тошкент “Ўзбекистон”, 2016. – Б. 56.

2. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз” – Тошкент “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 488.

3. 2017 йил 15 июнда, Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусида анжуманда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 ноябрда Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида сўзлаган нутқи.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 октябрдаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Тошкент 2016 й. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) сайти.

6. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз ғуруримиз. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза. Тошкент 1996 й. 24 октябрь.



## II. Монграфия, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

7. Gérard Walter. Le mémorial des siècles -XIVe siècle les hommes Tamerlan (Francés). – 1963. – P. 568.

8. Le Memorial des Siecles. XIV siècle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. – Paris: Editions Albin Michel, 1963. – P. 161.

9. Memoires sur Tamerlan et sa cour. P, 1994. P. 154.

10. Kehren L. Tamerlan, le Seiqneur de fer, Neuchatel, 1978. – P. 260.

11. Bouvat L. Une histoire sur la civilisation Timouride/ P.1929. – P. 379.

12. Абдул Ҳақими Самарқандий. Қандия. Таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи К. Каттаев. Самарқанд: Сўғдиёна. 1994. – Б. 181.

13. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 632.

14. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Янги аср авлоди 2016. – Б. 320.

15. Абу Тохирхожа Самақандий “Самария”. Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. – Б. 81. ([www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz) электрон кутубхонаси).

16. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. Т.: Фан, 2006.– Б. 422.

17. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент: Янги аср авлоди, 1996. – Б. 843.

18. Ал-Ҳақим ат-Термизий “Хатм ул-авлиё” Тошкент. “Noshir nashriyoti”, 2017. – Б. 308.

19. Ахмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент: Фан. 1967. – Б. 86.

20. Ахмедов Б., Алимов А. Амир Темур ўғитлари. Т.:Ўзбекистон, 2007.–Б. 63.



21. Ашрафхўжаев Ф., Жўраев З. Ҳазрати Занги Ота ва соҳибқирон Амир Темур. Т.: Наврўз, 2017. – Б. 268.

22. Бартольд В. В. Улугбек и его время. / Бартольд В. В. Соч., Т.2, Ч.2. — М.: Наука, 1964, – С. 296.

23. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (авроди баҳоия). Г.Наврўзова таржимаси. – Бухоро: Бухоро, 2000. – Б. 40.

24. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. – С. 527.

25. Болтабоев Ҳамидулла. Ислом тасаввуфи манбалари. Тасаввуф назарияси ва тарихи. Тошкент: O`qituvchi, 2005. – Б. 400.

26. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б. 96.

27. Воиз Кошифий. Рисолаи Ҳотамия. Душанбе: Адиб, 1991. – Б. 321.

28. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Б.Ахмедов таржимаси Т.: Ғ.Ғулом, 1981. – Б. 224.

29. Жан-Поль Ру. Тамерлан. Перев. Е.А.Соколова. 4-е изд. М.: Молодая гвардия, 2007. – С. 295.

30. Жўшон Маҳмуд Асъад “Тасаввуф ва нафс тарбияси”. Н.Ҳасан таржимаси. Т.: Чўлпон, 1998.– Б. 67.

31. Заҳририддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: O`qituvchi, 2008. – Б. 288.

32. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср мусулмон маданияти. Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993. – Б. 132.

33. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 326.

34. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) 2-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 2017. – Б. 191.

35. Ибн Халдун. Введение (ал-Мукаддима)



---

Составление, перевод с арабского и примечания А.В.Смирнова. Историко-философский ежегодник 2007. Москва: Наука, 2008. – С. 217.

36. Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2017. – Б. 670.

37. Карен Л. Амир Темур салтанати. Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 247.

38. Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996. – Б. 84.

39. Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 2008. – Б. 147.

40. Каримов С.К. Амир Темур ва темурийларнинг тасаввуфга муносабати. Самарқанд, 2008. – Б. 215.

41. Каттев К. Хожа Ахрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари. Самарқанд: Сўғдиёна, 2004. – Б. 85.

42. Комилов Н. Тааввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 447.

43. Логофет Д. Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. Новое изд. Москва: Либроком, 2019. – С 353.

44. Лянглэ Л. Жизнь Тимура. Ташкентъ: Пер. с фр. Типографія Бр. Порцевыхъ, 1890. ([www.e-reading.club.Tamerlan](http://www.e-reading.club/Tamerlan). Электронная библиотека)

45. Марсель Брион “Менким Соҳибқирон – жаҳонгир Темур”. Т.: “O`zbekiston” 2016. – Б. 351.

46. Марсель Брион. Амир Темур. Асрлар солномаси. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2018. – Б. 245.

47. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 352.





48. Муқимов З. Амир Темур тузуклари. Тарихий ҳуқуқий тадқиқот. Самарқанд. СамДУ. 2008, – Б. 66.

49. Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев таржимаси. Самарқанд, 2007. – Б. 181.

50. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: Фан, 1993. – Б. 56.

51. Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: Бухоро, 1996. – Б. 100.

52. Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Т.: Muharir nashriyoti, 2018. – Б. 80.

53. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Таржимон Юнусхон Ҳакимжонов. Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 528.

54. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. Т.: Тошкент Ислон унверситети, 2003. – Б. 179.

55. Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотрудия таълимотининг шаклланиш тарихи. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 190.

56. Рахмоналиев Р. Империя тюрков. (Тюркские народы в мировой истории с. X. в. до н.э. по XX в. н. э.) Монография. – М: Прогресс, 2002. – С. 657.

57. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406 й.) О.Тоғаев таржимаси. Т: O`zbekiston, 2010. – Б. 264.

58. Саидқулов Т.С. Очерки историографии и истории народов Средней Азии. Т.: 1992. – С. 247.

59. Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. Т.: “ART FLEX”. 2010. – Б. 434.

60. Темур тузуклари. Т.: O`zbekiston, 2018. –Б. 181

61. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 180.



---

62. Уватов У. Соҳибқирон Араб муаррихлари нигоҳида. Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 160.

63. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.: “Абу Али Ибн Сино”, 2004. – Б. 535.

64. Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Т.: 2003. – Б. 376.

65. Хильда Хукхэм Властитель семи созвездий. Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Т.: Адолат, 1995. – С. 320.

66. Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари. Темурнома 12 - қисм. Т.: 1996. ([www.kh.davron.uz](http://www.kh.davron.uz))

67. Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва Тасаввуф. Тошкент: “Фан”, 2001. – Б. 128.

68. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Самарқанднинг сара уламолари” Тошкент: “HILOL NASHR” нашриёти 2019. – Б. 110.

69. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Амир Темур ва Ислом”. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференция. Т.: 1996. ([www.e-tarix.uz/121-amir-temur-islom](http://www.e-tarix.uz/121-amir-temur-islom))

70. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: Шарқ, 2012. – Б. 275.

71. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 383.

72. Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни Мавераннахра (IX-XII вв.) Монография. – Самарканд: СамГИИЯ, 2018. – С. 118.

73. Якубовский А.Ю. Самарканд при Темуре и Темуридах. Очерк. Л., 1933. – 84 с.

74. Якубовский А.Ю., Б.Д.Греков “Золотая Орда и её падение”. М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – 505 с.

75. Яхшиликков Ж., Ахадов Ш. Темурийлар маънавияти. Т.: Фан нашриёти, 1999. – Б. 163.



76. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 707.

77. Қуронбеков А. Амир Темур Кўрагон Зафарнома. 1- китоб. Т.: O`zbekiston, 2016. – Б. 241.

78. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 551.

79. Ҳасанов Ҳ., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол. Бухоро: Бухоро нашрети 2003. – Б. 187.

80. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро, 2000. – Б. 147.

81. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 64.

82. Ҳофизи Абру. Зубдат ут-таворих. Тошкент: Фан, 2001. – Б. 578.

83. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Н.Комилов таржимаси. Т.: 1994. – Б. 74.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

84. Арипов М. К. Социальный идеал ислама: Мифы и реальность Т.: Узбекистан, 1988. – С. 117.

85. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. (Тарихий-географик манбалар). Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 168.

86. Демидов С.М. Суфизм в Туркмении (Эволюция и пережитки), Ашхабад: Ўлим, 1978. – С. 176.

87. Иноятов С. Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр. Тошкент: Шарқ, 2002. –Б 32.

88. Казанский К.К. Мистицизм в исламе. Самарканд: типография труд. 1906. Ное. изд. 2010. – С. 15. Электронная книга. Литературный рес. – Liportal.



---

89. Кирабаев Н.С. Политическая мысль мусульманского средневековья. — М., 2005. — С. 256.

90. Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. Баку, 1970. — С. 201.

91. Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси. [www.temurtuzuklari.uz](http://www.temurtuzuklari.uz)

92. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 117.

93. Олимов К. Хорасанский суфизм: Опыт историко - философского исследования. Т., 1994. С 320

94. Салоҳий Д.И. Тасаввуф ва бадий ижод. Ўқув қўлланма. Самарқанд: СамДУ нашрети, 2018. – Б. 218.

95. Сафарова Н. Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили. Дисс. автореферати. 2010.

96. Тэжікова К.Х. Ислам: дуніетаным, идеология, саясат [Текст]. Ислам: мировоззрения, идеология, политика. – К: Алматы, 1989. – С. 175.

97. Тримингэм Дж. С. Сўфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф.Акимушкина. М.: «София», 2002. — С. 480.

98. Ульжаева Ш.М. Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: дисс. автореферати. – Т.: ЎЗР ФА, 2008. – Б. 44.

99. Яндаров А.Д. Суфизм и идеология национально-освободительного движения. — Алма-Ата: Наука, 1975. — С. 176.

100. Ҳамиджон Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т.: O`zbekiston, 2016. – Б. 390.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	3
<b>МУҚАДДИМА</b> .....	5
<b>I БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
§1.1. Амир Темур даврида тасаввуф таълимотининг ривожланиши .....	10
§1.2. Амир Темур дунёқарашининг шаклланишида тасаввуф ва калом илми алломаларининг ўрни .....	40
<b>II БОБ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА НАҚШБАНДИЯ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ АҲАМИЯТИ</b>	
§2.1. Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг Марказий Осиё тариқатлари ривожда тутган ўрни .....	60
§2.2. Амир Темур ва темурийлар даврида нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқатлараро муносабатлар уйғунлиги.....	72
<b>III БОБ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАСАВВУФНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ РОЛИ</b>	
§3.1. Амир Темур ва темурийларнинг бошқарув стратегиясида тасаввуфнинг ўрни .....	103
§3.2. “Темур тузуклари”да ижтимоий барқарорлик ва диний бағрикенглик тамойилларининг ифодаланиши .....	123
§3.3. Амир Темур ва темурийлар маънавий меросининг замонавий ёшларни тарбиялашдаги ўрни.....	143
<b>ХУЛОСА</b> .....	157
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	161
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	164

Суннатилло Рахмонов

ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АСОСИ

Монография

ISBN 978-9943-

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти  
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.

Муҳаррир Гулбаҳор Раҳимова  
Мусаҳҳиҳ Шохжаҳон Абдурахимов  
Тех.муҳаррир Ҳайитбой Амирдинов

2021 йил 4 мартда босишга рухсат этилди:  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84<sub>1/16</sub>.  
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 10,7. Шартли б.т. 6,2.  
Адади 100 нусха. Буюртма №\_\_.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.



**Рахмонов Суннатилло Мавлонович – 1984 йилда Навоий вилояти Нурота туманида туғилган.**

**У 2004-2010 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини, 2021 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институтининг таянч докторантура босқичини тамомлаб фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Суннатилло Рахмонов “Фалсафа тарихи” йўналиши бўйича 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Ушбу монография муаллифнинг илк тадқиқот иши саналади.**